А. ХУСАНОВ . Қ. ВАҚҚОСОВ



# ЛОГОПЕДИК МАССАЖ МЕТОДИКАСИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Хусанов Аъзамжон Ахмаджанович**

**Ваққосов Қудратилла Жахонгирович**

# ЛОГОПЕДИК МАССАЖ МЕТОДИКАСИ

**ЎҚУВ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

5111900 –ДЕФЕКТОЛОГИЯ-ЛОГОПЕДИЯ таълим йўналиши

## МУНДАРИЖА


1 Кириш........................................................ 5

2 **Л.А. Шербакова методикаси бўйича артикулиацион мускуллар ҳаракатчанглигини ривожлантириувчи нуқталар жойлашув схемаси**........................ 7

3 Бўйин массажи.................................................. 8

4 Пешона массажи................................................ 9

5 Янoқлар массажи................................................ 11

6 Ияк мускуллари массажи...................................... 14

7 Лаб массажи...................................................... 15

8 Тил массажи...................................................... 18

9 **Спастик – атактико – гиперкинез синдиромида логопедик массажлар мажмуаси**........................ 20

10 Бўйин массажи................................................ 21

11 Пешона массажи.............................................. 23

12 Кўз атрофидаги массаж...................................... 26

13 Янoқлар массажи.............................................. 27

14 Юздаги нуқтали массаж...................................... 27

15 Ияк юз массажи................................................ 29

16 Лаблар массажи................................................ 31

17 **Гиперкинезларда мускулларни нуқтали массажи**..... 33

19 Тил массажи.................................................... 35

20 Тилнинг гиперкинез ҳолатидаги массаж................... 37

21 Патетик синдром ҳолатида логопедик массаж............ 40

22 Пешона массажи.............................................. 40

23 Юз массажи..................................................... 47

24 Лаб массажи.................................................... 58

25 Нуқтали массаж................................................ 65

26 Тил массажи.................................................... 66

27 Мимика ва чайнаш мускулларининг жойлашуви.......... 72

30 **Ёрдамчи мактабларда логопедик ишларни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар**.......................... 74

31 Логопед ҳужжатлари ва уларнинг юритилиши............ 82

32 ФФН да якка ишлаш режаси.................................. 103

33 Фонетик нуқсонга эга бўлган болалар билан олиб бориладиган ишларнинг истиқбол режаси (Сонор товушлар Р, Л )........................................ 110
34 Дудуқланувчи ўқувчилар билан олиб бориладиган коррекцион ишларнинг вазифалари ва босқичлар........ 113
35 Бошланғич синфда дудуқланувчи ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар истиқбол режаси............... 117
36 Дудуқланувчи ўқувчилар учун жисмоний ва нафас машқлари комплекси........................................ 119
37 Дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган ишлар истиқбол режаси................. 120
38 Нутқи тўлиқ ривожланмаганликнинг 3 даражасига эга ўқувчилар билан истиқбол иш режаси..................... 122
39 НТР ўқувчилар билан олиб бориладиган машғулотларнинг тахминий мавзулари ................................ 126
40 Дисграфик ўқувчилар билан ўтказиладиган машғулотларни тахминий режалаштириш................ 130
41 Дислексияни бартараф этишда амалга ошириладиган ишлар мазмуни.............................................. 135
42 Дудуқланишда гуруҳли машғулотларнинг тузилиши 137
43 1,2,3,4,5,6,7,8. Иловалар................................... 141
44 **Илк ёшдаги мураккаб нуқсонли болалар таснифи...** 167
45 Илк ёшдаги мураккаб нуқсонли болалар нутқ камчиликларининг сабаблари, белгилари.................. 174
46 Илк ёшдаги болаларни логопедик кўрикдан ўтказиш методикаси.................................................. 177
47 Илк ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекцион-логопедик ишнинг мазмуни ва шакллари.... 181
48 Логопедик терминлар изохи................................ 213
49 Логопедик зондлар............................................. 220

# ЛОГОПЕДИК МАССАЖ МЕТОДИКАСИ

**Хусанов Аъзамжон Ахмаджанович**

**Ваққасов Қудратилла Жахонгирович**

## АННОТАЦИЯ

Ушбу ўқув услубий қўлланма болалар талаффузидаги нуқсонларни бартараф этишда олиб бориладиган логопедик ишларни самарадорлигини оширишда логопедик массажнинг ўтказиш усуллари, шакллари ривожланган хорижий давлатларнинг етук мутахассисларининг ҳамда амалиётчи логопедларининг иш тажрибаларига асосланган.

Ўқув услубий қўлланма олий ўқув юртларининг – 5111900 дефектология (логопедия) бакалавриат йўналиши талабалари, амалиётчи дефектолог-логопедлар, психологлар, имконияти чекланган фарзандлари бор ота-оналар учун тавсия этилади.

Ушбу услубий қўлланмани тайёрлашда Л.А. Шербакованинг “Методика логопедического массажа” номли услубий қўлланмасидан, ҳамда Низомий номидаи ТДПУ, Дефектология факультетининг профессор-ўқитувчилари томонидан соҳага оид тайёрланган илмий-амалий манбаларидан фойдаланилди.

**Такризчилар:**

Наманган давлат университети, “Педагогика ва психология“ кафедраси доценти, педагогика фанлари доктори **Ў.М. Асқарова**

Наманган вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари” кафедраси катта ўқитувчиси **З. Расулова.**

# КИРИШ

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она ва соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг кўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олингани бизларга яхши маълум. Айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янгидан-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш биз педагогларга янада куч, шижоат бахш этиш билан бирга катта маъсулият юклайди. Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шунингдек давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "....болалар тарбияси жараёнига ўз ишини пухта биладиган, малакали ва ҳар бир болага индивидуал ёндаша оладиган педагог кадрларни жалб қилган ҳолда, уларни гўдаклигидан онги ва тафаккурини тўғри шакллантириб бормасак, келажакда юксак савия, билим ва маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш қийин бўлади", деб такидлайдилар. Янгиланаётган Ўзбекистонда, демократик давлат сифатида шакллана бошлагач, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий, маъданий ва маърифий соҳаларнинг барчасида туб ўзгаришлар юз берди.

Бу соҳаларда қатор ҳужжатлар қабул қилинди, маълум даражада иш тажрибалари тўпланди. Айниқса махсус таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилиши фикримизнинг яққол далилидир. Биз биламизки, таълим орқали ёш авлодга инсоният тажрибаси орқали тўпланган билимлар берилади, зарурий кўникма ва малакалар ҳамда эътиқодлар шаклланади. Бола нутқида қўпол камчиликлар бўлса, тўғри ташкил этилган логопедик чораларни ўз вақтида кўриш йўли билан уларни тўлиқ бартараф этиш мумкин. Боладаги нуқсон органик камчиликлар натижасида пайдо бўлган бўлса (масалан, олигофрения шундай нуқсон жумласига киради), уни тўлиқ бартараф этиб бўлмаса ҳам, бироқ қисман тузатиш мумкин. Дефектология амалиётида яна

шундай аномалиялар учрайдики, уларни тузатиб ҳам, коррекциялаб ҳам бўлмайди, масалан, тугма кўрлик ёки карлик шулар жумласидандир. Мактабгача ёшдаги алохида кўмакка мухтож болаларни ўқитиш ва тарбиялаш тизимининг асосий вазифаси уларнинг нутқини ривожлантириш юзасидан ишлаш ҳисобланади. Махсус мактабгача таълим муассасасининг таълим ва тарбия жараёнида имконияти чекланган болалар нутқ ўстириш бўйича қуйидаги билим кўникма, малакалар билан қуроллантирилиши лозим.

Нутқ ўстириш имконияти чекланган болаларни маълум билим ва малакаларни ўзлаштириб олишларинигина эмас, балки идроқ хотира, тафаккур, тасаввур каби билиш қобилиятларини ривожланитиришни ҳам назарда тутади. Бу йўналишда олиб бориладиган иш уларга ақлий фаолиятининг муҳим усулларини ўргатиш, анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, конкретлаштириш каби ақлий операцияларни бажаришга имкон беради. Бунда коррекцион-педагогик ишнинг аҳамияти муҳимдир. Коррекцион-педагогик ишда имконияти чекланган болаларнинг ёши, психик хусусиятлари, оилавий шароитлари, она тилининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда нутқини ўстиришга қаратилган махсус усуллардан фойдаланиш ва уларни ҳаётга мослаштириш имкониятини таъминлайди.

Ушбу “Логопедик массаж методикаси” номли ўқув қўлланма 5111900 Дефектология (логопедия) йўналиши ўқув режасидаги “Логопедия”, “Логопедик массаж”, “Логопсихология ва психологик коррекция методлари” фанларининг амалий ва услубий масалалари ёритилган. Муаллифларнинг ушбу ўқув услубий қўлланмаси юқорида такидланганидек, талаффузида ва ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни таълим-тарбияси билан шуғулланувчи барча мутахассисларни амалий ва услубий маълумотлар билан қурол-лантириш имкониятига эга бўлиб, айниқса олий ўқув юртларининг дефектология йўналишида тахсил олаётган талабалар учун ўқув услубий қўллаима сифатида ўз вақтида яратилгандир.




***Л.А. Шербакова методикаси бўйича артикулиацион мускуллар ҳаракатчанглигини ривожлантириувчи нуқталар жойлашув схемаси***

## БЎЙИН МАССАЖИ

## 1 МАШҚ

**Мақсад:** *Гардон мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Бўйин сохасининг тепа қисмидан пастга қарата силаш (уқалаш)*

**Методик тавсия:** *Силама тарздаги уқалаш икки қўллаб амалга оширилади. Уқалаш жараёнида ҳаракатлар енгил, иложи борича мускулларни бўшашишига(сокинлашувига) қаратилиши лозим. Жараён давомида албаттда бошқа аъзолар мускулларининг ўзгаришига этибор берилиши керак. Ҳаракатлар кунига 2 -3 маҳал, 6-8 марта, 1 – расмдагидек амалга оширилади.*



**1 – Расм.**

## ПЕШОНА МАССАЖИ

## 2 – МАШҚ

**Мақсад:** *Пешона қисмидаги мускулларни сокин ҳолатга келтириш.*

**Тартиби:** *Пешонани чакка қисмидан ўртасига қарата силаш (уқалаш)*

**Методик тавсия:** *Кўрсаткич, ўрта, номсиз бармоқлари билан икала қўл ёрдамида уқалаш амалга оширилади. Ҳаракат жараёни кунига 2 -3 маҳал, 6-8 марта, 2 – расмдагидек амалга оширилади.*



**2 – Расм**

## 3 – МАШҚ

**Мақсад:** *Пешона мускулларини бўшаштириш (сокинлаштириш).*

**Тартиби:** *Енгил соч илдизлари томондан қошларгача силаш (уқалаш).*

**Методик тавсия:** *Кўрсаткич, ўрта, номсиз бармоқлари билан иккала қўл ёрдамида уқалаш амалга оширилади. Ҳаракат жараёни кунига 2 – 3 маҳал, 6 – 8 марта, 3 – расмдагидек бажарилади.*



**3 – Расм.**

## 4 – МАШҚ

## ЯНОҚЛАР МАССАЖИ

**Максад:** *Яноқ мускулларини бўшаштириш (сокинлаштириш).*

**Тартиби:** *Яноқлар тепа қисмини айланма тарзда силанади (уқаланади). Юқори натижага эришиш мақсадида худди шундай ҳаракатлар яноқлар ичидан хам амалга ошириш мумкин*

**Методик тавсия:** *Массаж ҳаракатлари кўрсаткич, ўрта бармоқлар билан икки қўллаб соат стрелкаси томон силаш (уқалаш) билан амалга оширилади. Яноқлар ичидан эса массаж кўрсаткич бармоқ, шарикли логпедик зонд ёки шпател билан амалга оширилади. Ҳаракат жараёни кунига 2 – 3 маҳал, 6-8 марта, 4 – расмдагидек бажарилади.*



**4 – Расм**

## 5 – МАШҚ

**Мақсад:** *Оғиз бўшлиғи бурчакларидан кўтарилувчи мускулларни бўшаштириш (сокинлаштириш).*

**Тартиби:** *Енгил ҳаракатлар билан қулоқ юмшоқ қисмининг тагидан бурун тешигининг чаккасигача силаш (уқалаш).*

**Методик тавсия:** *Массаж ҳаракатлари кўрсаткич ҳамда ўрта бармоқлар ёрдамида иккала қўл билан амалга оширилади. Ҳаракатлар кунига 2 – 3 маҳал, 7 – 10 маротаба такроллаб 5 – расмдагидек амалга оширилади.*



**5 – Расм**

## 6 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Янoқлардаги огиз бурчакларини кўтарувчи мускулларни бўшаштириш (сокинлаштириш).*

**Тартиби:** *Кулоқлар юмшоқ қисми томонидан бурун тешиги томонига қараб енгил спералсимон ҳаракатлар.*

**Методик тавсия:** *Силовчи ҳаракатлар кўрсаткич ва ўрта бармоқлар билан, иккала қўл ёрдамида амалга оширилади. Жараён ўта эхтиёткорлик билан, бошқа группа мускулларига зўриқиш олиб келмаслигини хисобга олган ҳолда кунига 2 – 3 маҳал, 3 – 4 маротаба такроллаб 6 – расмдагидек амалга оширилади.*



**6 – Расм.**

## 7 – МАШҚ

## ИЯК МУСКУЛЛАРИ МАССАЖИ

**Мақсад:** *Ияк мускулларини бўшаштириш (Сокинлаштириш).*

**Тартиби:** *Қулоқ юмшоқ қисмидан жағ ўртасигача енгил силаш (уқалаш).*

**Методик тавсия:** *Силаш (уқалаш) кўрсаткич ва ўрта бармоқлар билан иккала қўлда амалга оширилади. Жараёндаги ҳаракатлар охиста, енгил бўлмоғи лозим. Ҳаракатлар кунига 2 – 3 маҳал, 6 – 8 маротаба такроллаш тарзида 7 – расмдагидек амалга оширилади*



**7 – расм.**

## 8 - МАШҚ

## ЛАБ МАССАЖИ

**Мақсад:** *Лаб ва оғизнинг айланма мускулларини бўшаштириш (сокинлаштириш).*

**Тартиби:** *Оғиз бўшлиғи чеккасидан ўртага қарата охиста енгил силаш (уқалаш).*

**Методик тавсия:** *Силаш кўрсаткич бармоқ билан, иккала қўлда кунига 2 – 3 маҳал, 6 – 10 маротаба, 8 – расмда кўрсатилганидек амалга оширилади.*



**8 – расм.**

## 9 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Лабларни бўшаштириш (сокинлатиш).*

**Тартиби:** *Оғиз бурчагидан марказга қараб енгил спералсимон силаш (уқалаш).*

**Методик тавсия:** *Кўрсаткич бармоқлар билан икки қўллаб аста секин массаж амалга оширилади. Ҳаракатлар ўта тез бўлмаслиги лозим. Ҳаракатлар 3 – 4 маротаба такроран кунига бир маҳал 9 – расимдагидек амалга оширилади.*



**9 – расм.**

## 10 – МАШҚ

**Мақсад:** *Оғиз айланма мускулларини максимал даражада бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Оғиз айланма мускулини силаш.*

**Методик тавсия:** *Кўрсаткич бармоқлар билан икки қўллаб аста-секин массаж амалга оширилади. Ҳаракатлар ўта тез бўлмаслиги лозим. Ҳаракатлар кунига 2 – 3 маҳал, 6 – 8 маротаба такроран 10 – расмдагидек амалга оширилади.*



**10 – расм.**

## 11 – МАШҚ

## ТИЛ МАССАЖИ

**Мақсад:** *Тил мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Енгил, тил учидан тил илдизига қараб силаш (уқалаш).*

**Методик тавсия:** *Силаш ҳаракати "Шарик" логопедик зонд ёрдамида, кўрсаткич бармоқ ёки логопедик шпател билан кунига 2 – 3 маҳал, 6 – 8 маротаба такрорий 11 – расмда кўрсатилганидек амалга оширилади.*

*Эслатма: ушбу машқни амалга оширишда жихозлар стирилланган бўлиши шарт.*



**11 – расм.**

## 12 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Тил илдизи мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Икки бармоқда пастки жағ бурчаги остида тебранма ҳаракат қилиш.*

**Тавсия:** *Кўрсаткич бармоқлар билан пастки жағ бурчак ости нуқтасини икки қўлда охиста босиб айланувчи тебранма ҳаракат кунига 2 – 3 маҳал, 3 – 4 дақиқа 12 – расимда кўрсатилганидек амалга оширилади*



**12 – расм.**

## Спастик – атактико – гиперкинез синдиромида логопедик массажлар мажмуаси

Юқоридаги синдром билан логопедик массаж жуда ҳам эхтиёикорлик билан амалга оширилиши лозим, массаж даврида логопед боланинг бошқа мускуллар тонусининг тортишишига, айниқса унинг қўл мускулларининг тортишиш ҳолатига этибор қаратган ҳолда массажни дархол тўхтатиши лозим.

Бундай ҳолларда логопед аввал боланинг қўл мускулларидаги тортишишларни бартараф этиши лозим. Сабаби бундай ҳолатда юзга қилинган массаж хеч қандай самара бермайди.

Логопедик массаж кунига 2 – 3 маротаба овқатланишдан камида бир соат олдин ёки овқатлангандан икки ярим соат кегин амалга оширилиши лозим. Логопедик массаж ўтказиладиган хона ўта ёруғ бўлмаслиги, хонанинг хавоси мўтадил тоза бўлиши ҳамда сокин классик мусиқа садолари остида амлга оширилади.

Массаж жараёнида болага малол келмайдиган тарзда уни ўтқазиб олишлик ёки ёткизиб олишлик тавсия этилади. Бу жараёнда боланинг бошқа аъзоларидаги мускуллар тонусининг кучаймаслигига ва тортишишлар бўлмаслигига эътибор қаратиш керак.

Логопедик массаж ҳар қандай ҳолатда бўлмасин, болага малол келмайдиган, ундаги турли ноқулайликларни коррекциялашга қаратилган бўлмоғи лозим, ҳамда бола камолотига таъсир этувчи бошқа педагогик психологик ва тиббий яъни меидикаментоз таъсирлар билан уйғунликда амалга оширилиши лозим.

## 1 – МАШҚ.

## БЎЙИН МАССАЖИ

**Мақсад:** *Орқа бўйин ва елка мускуллар тонусини бўшаштириш (сокинлаштириш).*

**Тартиби:** *Орқа бўйин мускуллари тепадан пастка қараб охиста силаш (уқалаш) ҳаракатлари амалга оширилади.*

**Методик тавсия:** *Силовчи ҳаракатлар иккала қўл ёрдамида амалга оширилади. Массаж кунига 2 – 3 маҳал, 6 – 10 марта енгил ҳаракатлар билан 13 – расмдагидек амалга оширилади.*



**13 – расм.**

## 2 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Бўйин олд қисми ва тил илдизи мускулларини ташқи томонини бўшаштириш (сокинлаштириш).*

**Тартиби:** *Силаш(уқалаш) бўйиннинг олд томонидан юқоридан пастка томон амалга оширилади.*

**Методик тавсия:** *Массаж ҳаракатлари бармоқларнинг биринчи бўгинлари ёрдамида амалга оширилади. Массаж кунига 2 – 3 маҳал, 6 – 10 марта 14 – расмдагидек бажарилади.*



**14 – расм**

## *ПЕШОНА МАССАЖИ*

### 3 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Пешона мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Пешонананинг чекка қисмидан ўртаси томон узик – узик силаш (уқалаш).*

**Методик тавсия:** *Массаж кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқлар билан иккала қўлда амалга оширилади. Ҳаракатлар кунига 2 – 3 маҳал, 6 – 10 марта такроран 15 – расмдагидек бажарилади.*



**15 - расм**

## 4 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Пешона мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Мускулларни титратувчи нуқтали массаж энса қисимдан пешонанинг ўртасига қараб амалга оширилади.*

**Методик тавсия:** *Тебранувчи массаж иккала қўлнинг кўрсаткич бармоқлари ёрдамида ёки махсус уқоловчи аппарат (вибромассажёр) ёрдамида бир хил ритмда бажарилади. Массаж давомида нохислик ва тез ухлаб қолишлик кузатилса, жараён вақтинча тўхтатилади ёки ҳолатга қараб умуман тўхтатилиши лозим. Массаж кунига 2 – 3 маҳал, ҳаракатлар 3 – 4 марта такрорлаб 16 – расмдагиек бажарилади.*



**16 – расм.**

## 5 – МАШҚ.

**Максад:** *Пешона ва мимика мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Силаш пешонанинг тепа қисмидан қош, кўз, юздан бўйинга қадар бажарилади.*

**Методик тавсия:** *Силовчи тинчлантирувчи ҳаракатлар кафтнинг ички томони билан енгил ва оҳиста бажарилади. Силовчи ҳаракатлар кунига 2 – 3 маҳал, 8 – 10 маротаба 17 – расмдагидек бажарилади.*



**17 – расм.**

## *КЎЗЛАР АТРОФИ МАССАЖИ*

## 6 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Кўз атрофи (қовоқ)мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Кўз атрофидаги айлана мускулларни силаш(уқалаш).*

**Методик тавсия:** *Силаш ҳаракатлари кўрсаткич, ўрта, номсиз бармоқ билан иккала қўлда амалга оширилади. Ҳаракатлар жуда эхтиёткор билан, бошқа гурух мускулларнинг тонусини оширмаган тарзда, кунига 2 маҳал, 4 – 6 маротаба 18 – расмдагидек бажарилади.*



**18 – расм**

## *ЯНОҚ МАССАЖИ*

### 7 - МАШҚ

**Мақсад:** *Юқори лабни, оғиз бурчагини кўтарувчи ва яноқ мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Яноқларни айланма силаш ҳаракатлари.*

**Методик тавсия:** *Айланма силама ҳаракатлар кўрсаткич, ўрта, номсиз бармоқларда иккала қўлда амалга оширилади. Ҳаракатлар кунига 2 – 3 маҳал, 6 – 10 маротаба такроран 19 – расмдагидек бажарилади.*



**19 - расм**

## *ЮЗДАГИ НУҚТАЛИ МАССАЖ*

### 8 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Юмшоқ танглай ва юз мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:***ИН-СЯН,СЯ-ГУАНЬ,ЭР-МЭНЬ нуқталарида бир маҳалда массаж амалга оширилади.*

**Методик тавсия:***ИН-СЯН нуқтаси бош бармоқ, СЯ-ГУАНЬ нуқтаси кўрсаткич бармоқ, ЭР-МЭНЬ нуқтаси эса ўрта бармоқ билан нуқтали массаж ҳаракатлари амлга оширилади. Тинчлантирувчи ҳаракат амаллари нуқтани силаш орқали бармоқни ундан узмаган холда бирдек айланма ҳаракатларни давомли равишда уқалаш кучини сўндириб бориш тартибида амалга ошиpидлади. Сўнгра жадаллашган (интенсив) ҳаракат қисқартирилади ва тўхтатилади. Ҳаракат соат стрелкаси бўйича амалга оширилади. Нуқтали массажнинг давомийлиги боланинг жараёнга бўлган муносабатига қараб амалга оширилади, бироқ муносабат қандай бўлишидан қаттий назар нуқтали массаж болалар учун 1 дақиқадан, катталар учун 3 дақиқадан ошмаслиги лозим. Нуқтали массаж кунига бир маротаба 20 – расмдагидек бажарилади.*




**20 – расм.**

## ИЯК ЮЗ МАССАЖИ

## 9 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Оғиз бурчакларини ва пастки лабни, ияк мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Қулоқларнинг пстки қисмидан жағнинг ўртасига томон ияк мускуллари енгил силаш орқали амалга оширилади.*

**Методик тавсия:** *Силаш (уқалаш) кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқларда кунига 2-3 маҳал 6-10 маротаба 21 – расмдагидек амалга оширилади, ҳаракатлар ўта енгил бўлиши лозим.*



**21 – расм.**

## 10 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Оғиз бурчакларини ва пастки лабни, ияк мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Қулоқларнинг пстки қисмидан жағнинг ўртасига томон ияк мускуллари нуқтали титровчи енгил уқалаш орқали амалга оширилади.*

**Методик тавсия:** *Титровчи нуқтали (уқалаш) кўрсаткич бармоқлар ёрдамида ёки махсус уқоловчи восита (вибомассажёр) да тезкор бир ҳил ритмда кунига 1 маҳал 3-4 маротаба 22 – расимдагидек амалга оширилади.*



**22 – расм.**

## ЛАБЛАР МАСАЖИ

### 11 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Пастки ва юқори лабларнинг ҳаракатчанглигини ошириш, унинг ички ва бурчаклардаги кўтарилиши ва тушишини мўтадиллаштириш.*

**Тартиби:** *Оғиз атрофидаги мускулларни енгилгина силаш(уқалаш).*

**Методик тавсия:** *Силаш (уқалаш) кўрсаткич бармоқлар билан пастки лабнинг ўртасидан соат стрелкаси томон кунига 2-3 маҳал 8 – 10 маротаба 23 – расмдагидек амалга оширилади.*



**23 – расм.**

## 12 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Лаблар мускулларини бўшаштириш(сокинлаштириш)*

**Тартиби:** *Енгил тарзда лабларни чеккасидан ўртаси томон силаш.*

**Методик тавсия:** *Силовчи ҳаракатлар иккала қўлнинг кўрсаткич бармоқлари билан бир маҳалда амалга оширилади. Ҳаракатлар охиста енгил ҳис қилувчи тарзда бажарилади. Ҳаракатлар кунига 2 – 3 маҳал 6 – 8 маротаба 24 расмдагидек амалга оширилади.*



**24 - расм**

## ГИПЕРКИНЕЗЛАРДА МУСКУЛЛАРНИ НУҚТАЛИ МАССАЖИ

### 13 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Юздаги гиперкинез (юз мукуллардаги учуиш, тортишиш) мускул беҳаловатлигини бартараф этиш.*

**Тартиби:** *Дастлаб буруннинг чап тешиги остидаги нуқта ва пастки лабнинг ўнг бурчагидаги нуқталарда (перекрестный) нуқтали массаж амалга оширилади, кегин эса буруннинг ўнг тешиги остидаги нуқта ва пастки лабнинг чап бурчагидаги нуқталарда (перекрестный)нуқтали массаж амалга оширилади.*

**Методик тавсия:** *Массаж кўрсаткич бармоқлар билан 10 сониядан ошмаган ҳолда 25-26 расмлардагидек амалга оширилади.*



**25 – расм.**



**26 – расм.**

## 14 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Нутқ мускулларидаги гиперкинез босимларини ва мускуллар зўриқишини бартараф этиш.*

**Тартиби:** *Массаж пастки лабнинг чап бурчагидаги нуқта ва чап қулоқнинг пастки қисмидаги нуқталарда амалга оширилади ва бу ҳаракатлар қарама-қарши томонда ҳам худди шундаш тарзда амалга оширилади.*

**Методик тавсия:** *Массаж ҳаракатлари кўрсаткич бармоқда 27 – 28 расимдагидек бажарилади.*



27 – расм.



28 – расм

## ТИЛ МАССАЖИ

### 15 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Тил мускулларини бўшаштириш ва узайишини таъминлаш.*

**Тартиби:** *Тил учидан илдизига томон енгил оҳиста нуқтали уриш (похлопывание).*

**Методик тавсия:** *Оҳиста нуқтали уриш кўрсаткич бармоқ билан ёки "Шарик" логопедик зонд ёрдамида 29 – расмда кўрсатилганидек амалга оширилади. Ҳаракатлар 8-10 маротаба, кунига 2-3 маҳалдан амлга оширилади.*



**29 - расм**

## 16 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Тил усти мускулларини бўшаштириш.*

**Тартиби:** *Енгил тартибда тил юзасини томонлараро силаш.*

**Методик тавсия:** *Силаш кўрсаткич бармоқда, "Шарик" логопедик зонд, логопедик шпател ёрдамида 30 – расмдагидек, кунига 2-3 маҳал, 8-10 маротаба такроран амалга оширилади.*



30 - расм

## ТИЛНИНГ ГИППЕРКИНЕЗ ҲОЛАТИДАГИ НУҚТАЛИ МАССАЖ

### 17 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Тилдаги гиперкинезларни бостириш.*

**Тартиби:** *Тилдаги нуқтали массаж тартиб билан учта нуқтада амалга оширилади.*

**Методик тавсия:** *Массаж ҳаракатлари "Игна" (учи тўмтоқ) логопедик зонд билан амлга оширилади. Массаж ҳаракатлари соат стрелкаси бўйича ҳар бир нуқтада 3 сониядан ошмаган ҳолда 31 расимда кўрсатилгандек амалга оширилади.*



**31 – расм.**

## 18 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Тил мушакларидаги гиперкинезларни бостириш.*

**Тартиби:** *Нуқтали массаж тил остидаги икки нуқтада бир маҳалда амалга оширилади.*

**Методик тався:** *Массаж ҳаракатлари кўрсаткич, ўрта бармоқлар ёрдамида ёки "Грабли" логопедик зонд ёрдамида соат стрелкаси бўйлаб 6-10 сониядан ошмаган ҳолда 32 – расмдагидек бажарилади*



**32 – расм.**

## 19 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Тил илдиз мускулларини бўшаштириш ҳамда гиперкинез ҳолатларни босиш.*

**Тартиби:** *Нуқтали массаж жаг ости мускулларини уқалаш орқали амалга оширилади.*

**Методик тавсия:** *Кўрсаткич бармоқ билан жагнинг остки қисмида ияк қисмига томон енгил тебранувчи ҳаракатлар билан 4-5 сониядан ошмаган тарзда 33 – расмдагидек бажарилади.*



**33 – расм.**

# ПАТЕТИК СИНДРОМ ҲОЛАТИДА ЛОГОПЕДИК МАССАЖ.

Патетик синдром ҳолатида комплекс логопедик массаж машқлари мускуллар мутаҳкамлигини ошириш мақсаадида амалга оширилади. Массаж ҳаракатлари мақбул босимда интенсив тарзда бажарилади. Ҳаракатлар пайпаслаш (пощипывания), ишқалаш (растирания), машқ қилдириш (разминания) орқали амалга оширилади.

## *ПЕШОНА МАССАЖИ*

## 1-МАШҚ

**Мақсад:***Пешона мускулларини мустаҳкамлаш ва ҳаракапчанглигини ошириш.*

**Тартиби:***Пешонани ўрта қисмидан икки ён томонга силаш тартибида бажарилади.*

**Меиодик кўрсатма:** *Силаш кўрсаткич, ўрта, номсиз бармоқлар билан икки қўлда бажарилади. Массаж ҳаракатлари 2-3 кунда 6-7 маротаба 34 – расмда кўрсатилганидек амалга оширилади.*



**34 - расм**

## 2 - МАШҚ

**Мақсад:** *Пешона мускулларини мустаҳкамлаш ва ҳаракатчанглигини ошириш.*

**Тартиби:** *Пешона қисмини ўртасидан икки ёнга томон машқ қилдириш (разминания).*

**Методик кўрсатма:** *Ҳаракатлар иккала қўлда кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқларнинг ярим букулган ҳолатида иккинчи бўгинда 2 – 3 кунда 6-8 маротаба такроран 35 – расмдагидек бажарилади.*



**35 – расм.**

## 3 – МАШҚ.

***Мақсад:*** пешона мускулларини ҳаракатчанлигини уйғотиш ва мустаҳкамлаш

***Тартиби:*** пешонанинг ўрта қисмидан чакка қисмига томон силаш

***Методик кўрсатма:*** силаш кўрсаткич, ўрта ва беном бармоқларнинг биринчи бўгини билан иккала қўлда бажарилади. Силаш даврида пешона териси икки томонга тортилиши лозим. Ҳаракатлар бир кунда икки маҳалдан 4 – 6 маротаба 36 – расимдагидек амалга оширилади.



**36- расм**

## 4 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Пешона мускулларини ҳаракатчанлигини уйғотиш ва мустаҳкамлаш*

**Тартиби:** *Пешонанининг ўрта қисмидан чеккасига томон спералсимон ҳаракатлар билан силаш*

**Методик кўрсатма**: *Спералсимон силаш кўрсаткич, ўрта ва beном бармоқларнинг биринчи бўғини билан иккала қўлда бажарилади. Ҳаракатлар кунига бир маҳалдан 4 – 6 маротаба 37 – расмдагидек амалга оширилади.*



**37 – расм.**

## 5 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Пешона мускулларини ҳаракатчанлигини уйғотиш ва мустаҳкамлаш*

**Тартиби:** *Пешонанинининг ўрта қисмидан чеккасига томон енгил ҳаракатлар билан нуқтали уриш.*

**Методик кўрсатма:** *Енгил ҳаракатлар билан нуқтали уриш бармоқлар билан иккала қўлда амалга оширилади. Ҳаракатлар кунига 2 – 3 маҳал, 8 – 10 марта 38 – расмда кўрсатилганидек бажарилади.*



**38 – расм.**

## 6 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Пешона мускулларини ҳаракатчанлигини уйғотиш ва мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Пешонанинининг ўрта қисмидан чеккасига томон енгил ҳаракатлар билан силаш.*

**Методик кўрсатма:** *Силаш кўрсаткич, ўрта ва беном бармоқларнинг биринчи бўгини билан иккала қўлда бажарилади. Ҳаракатлар кунига икки маҳалдан 4 – 6 маротаба 39 – расмдагидек амалга оширилади.*



**39 – расм.**

## 7 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Пешона мускулларини ҳаракатчанлигини уйғотиш ва мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Пешонанини силаш қошларнинг устидан соч чиққан томон амалга оширилади.*

**Методик кўрсатма:** *Силаш кўрсаткич, ўрта ва беном бармоқларнинг биринчи бўғини билан иккала қўлда бажарилади. Ҳаракатлар кунига икки маҳалдан 4 – 6 маротаба 40 – расмдагидек амалга оширилади.*



**40 – расм.**

## ЮЗ МАССАЖИ

### 8 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Юз мускулларини мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Юз мускулларини пайпаслаш (пощипывания), ишқалаш (растирания), машқ қилдириш (разминания) орқали амалга оширилади.*

**Методик кўрсатма:** *Юз мускулларини ишқалаш (растирание) ва машқ қилдириш (разминания) иккала қўлда бурун ёнидан ёноқлар томон 41-расимдагидек кунига икки маҳал 6 – 8 сониядан ошмаган холда бажарилади.*



**41 - расм.**

## 9 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Оғиз бурчаги кўтарувчи мускулларини ривожлантириш.*

**Тартиби:** *Юзнинг юқори қисмида айланма силаш ҳаракатлари амалга оширилади.*

**Методик кўрсатма:** *Айланма силаш ҳаракатлари кўрсаткич, ўрта ва беном бармоқлар билан иккала қўлда бажарилади. Ҳаракатлар соат стрелкасига қарама-қарши томон кунига 2-3 маҳалдан 8 – 10 маротаба 42 – расимдагидек амалга оширилади.*



**42 – расм.**

## 10 – МАШҚ.

**Мақсад**:*Пастки жағ кўтарувчи мускулларни фаоллаштириш.*

**Тартиби**:*Қулоқларнинг пстки қисмидан жағнинг ўртасига томон цяк мускуллари енгил спералсимон силаш орқали амалга оширилади.*

**Методик кўрсатма:** *Спералсимон силаш (уқалаш) кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқларда кунига 2-3 маҳал 8-10 маротаба 43 – расимдагидек амалга оширилади, ҳаракатлар ўта енгил бўлиши лозим.*



**43 – расм.**

## 10 – МАШҚ.

**Максад:** *Юқори лаб ва оғиз бурчагини кўтарувчи мускуллар ҳаракатчанглигини ошириш ва мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Янок ва юзни силаш (пощипывание)*

**Методик кўрсатма:** *Силаш ҳаракатлари кўрсаткич,ўрта ва бош бармоқларда иккала қўлда амалга оширилади. Силаш айланма ҳаракатлар билан кунига 2-3 маҳал, 6-8 маротаба такроран 44-расмдагидек бажарилади.*



**44 – расм.**

## 11 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Юқори лаб ва огиз бурчагини кўтарувчи мускуллар ҳаракатчанглигини ошириш ва мустаҳкамлаш. Юмшоқ танглай ва юз мускулларини ҳаракатчанглигини ошириш ва мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Массаж ИН-СЯН, СЯ-ГУАНЬ, ЭР-МЭНЬ нуқталари билан биргаликда қўшиб ўтказилади.*

**Методик кўрсатма:** *ИН-СЯН нуқтасида массаж бош бармоқда, СЯ-ГУАНЪ нуқтасида кўрсаткич бармоқда, ЭР-МЕНЪ нуқтасида эса ўрта бармоқда бажарилади. Дастлаб нуқталар силанади (поглаживания), сўнгра сийпаланади (пощипывания) ёки енгил нуқтага титратувчи тарзда урилади (постукивания). Ҳаракатлар соат стрелкасига қарама-қарши тарзда 45-расмдагидек бажарилади. Характерли томони: сийпалш ҳаракатлари кучайиб борувчи тарзда боланинг сабр қаноатига қараб амалга оширилса, силаш ҳаракатлари эркин мўтадиллаштирувчи тарзда амалга оширилади.*




**45 – расм.**

## 12 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Оғиз бурчаги, оғиз бурчагини кўтарувчи ва юқори лабни кўтарувчи мускуллар ҳаракатини мустаҳкамлаш, фаоллаштириш. Яноқ, юз чакка, пастки лабни туширувчи мускул ва мускулларини фаоллаштириш ҳамда ҳаракатини мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Массаж ҳаракатлари пастки жағ бўртмасидаги ЦЗЯ-ЧЭ нуқтасидан ДИ-ЦАН нуқтасигача, сўнгра ДИ-ЦАН нуқтасидан А нуқтасигача ва А нуқтасидан ДИ-ЦАН нуқтасигача. Жағнинг пастки қисқа кесимли қисмидан ЦЗЯ-ЧЭ нуқтасигача, сўнгра қисқа кесимли нуқта ЦЗЯ-ЧЭ дан ТИН-ХУЭЙ нуқтасигача.*

**Методик кўрсатма:** *Барча нуқталардаги массаж ҳаракатлари кўрсаткич бармоқ билан силаш орқали амалга оширилади. Ҳаракатлар нуқталар кесимида ўнтадан такроран амалга оширилади. Силаш ҳаракатлари соат стрелкасига қарама-қарши тартибда 46-расмдагидек амалга оширилади.*



**46-расм.**

## 13 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Юз мускуллари стимулиациясини (ҳаракатчанглигини) ошириш ва мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *БАЙ-ХУЭЙ, ИНЬ-ЦЗЯО, ДУЙ-ДУАНЬ нуқталари кетма-кетликда массаж қилинади.*

**Методик кўрсатма:** *Бу нуқталарни массаж қилганда бирданига ипулсив босим берилади, аммо шу вақтнинг узида 2-3 сония юзаки ва қисқа вақтли, кейин 1-2 сонияҳаракатлар (похлопывания) оралатиб қилинади. Шу билан биргаликда айлана, қарсак чалиш, бармоқлар билан босиш ва титраитш усулидан фойдаланади. Айлана ҳаракатлари соат стрелкасига қарама-қарши тарафга қилинади. Битта нуқтани масаж қилиш 4 сониядан ошмаслиги керак. Логопед фақат битта нуқтали масаж вариантини танлаши керак, ҳар қанақа ҳолатда энг самаралисини 47-расмда кўрсатилганидек амалга оширилади.*




**47 - расм.**

## 14 – МАШҚ.

**Мақсад**: *Ияк мускулларини мустаҳкамлаш.*

**Тартиби**: *Жағ ости ўртасидан қулоқнинг юмшоқ қисмининг остигача ияк мускулларини силаш (поглаживание)*

**Методик кўрсатма:** *Силаш ҳаракатлари кўрсаткич ва ўрта бармоқларда юқага қўзоа амалга оширилади. Силаш ҳаракатлари кунига 2-3 маҳал 8-10 мартоаан 48-расмоа кўрсатилганидек амалга оширилади.*



**48 – расм.**

## 15 – МАШҚ.

**Мақсад**: *Ияк ва оғиз бурчагини туширувчи мускул ва мускулларини мустаҳкамлаш.*

**Тартиби**: *Жағ остининг ўртасидан қулоқнинг юмшоқ қисмининг остигача силаш (*растирание*) ҳаракатлари бажарилади.*

**Методик кўрсатма**: *Массаж ҳаракатлари кўрсаткич ва ўрта бармоқларда иккала қўлда амалга оширилади. Ҳаракатлар кунига икки маҳал 4-6 маротаба 49 – расмдагидек амалга оширилади.*



**49 – расм.**

## 16 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Пастки лабни тушурувчи мускулларни фаоллаштириш.*

**Тартиби:** *Жағ ости нуқтасидан қулоқларнинг юмшоқ қисмининг остигача спералсимон уқалаш.*

**Методик кўрсатма:** *Спералсимон массаж ҳаракатлари кўрсаткич, ўрта ва беном бармоқлар билан иккала қўлда бажарилади. Массаж ҳаракатлари кунига икки маҳалдан 4-6 маротаба такроран 50 – расмдагидек амалга оширилади.*



**50 – расм.**

## 17 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Пастки лабни туширувчи ва оғиз бурчаги мускулларини ҳаракатчанглигини ошириш ва мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Ияк мукулларини қулоқнинг юмшоқ қисмининг остига қадар силаш ҳаракатлари бажарилади*

**Методик кўрсатма:** *Силаш ҳаракатлари иккала қўлда бош бармоқлар яноқ устида, кўрсаткич ва ўрта бармоқлар жағ остида жойлашган ҳолатда тепага томон кунига 2 – 3 маҳалдан 6 – 8 маротаба такроран 51 – расмдагидек амалга оширилади.*



**51 – расм.**

## ЛАБ МАССАЖИ

### 18 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Лаб мускулларини мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Лаблар атрофини ўртадан икки чеккага қараб силаш.*

**Методик кўрсатма:** *Силовчи ҳаракатлар кўрсаткич бармоқлар ёрдамида амалга оширилади.силовси ҳаракатлар кунига 2-3 маҳал, 8-10 маротаба 52-расмдагидек амалга оширилади.*



**52-расм.**

## 19 – МАШҚ.

**Мақсад:***Лаб мускулларини мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:***Лабларни ўртасидан бурчаклар томон тортиш (разминание)*

**Методик кўрсатма:***Тортиш ҳаракатлари бош бармоқларда иккала қўлда бажарилади. Спиралсимон тортиш ҳаракатлари кунига икки маҳалдан 6-8 маротаба 53 – расмдагидек амалга оширилади.*



**53 – расм.**

## 22 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Лаб мускулларини ривожлантириш* (*стимуляция мышц губ*)

**Тартиби:** *Лаблар марказидан икки четига томон нуқтали массаж ҳаракатлари.*

**Методик кўрсатма:** *Массаж ҳаракатлари логопедик шпател ёки бармоқлар ёрдамида амалга оширилади. Ҳаракатлар етарли даражада интенсив бўлоги керак. Массаж кунига 2 маҳалдан 4-6маротаба бажарилади.*



**56 – расм.**

## 23 – МАШҚ.

**Мақсад:***Лаб ҳаракатчанглигини оширувчи мускуллар ҳаракатчанглигини ошириш. (стимуляция мышц)*

**Тартиби:***Лаб ўртасидан чеккаларига томон нуқтали массаж ҳаракатлари (обкалывание губ).*

**Методик кўрсатма:***Нуқтали массаж ҳаракатлари "ИГНА" логопедик зонд ёки юмшоқ тиш шёткаси ёрдамида амалга оширилади. Ҳаракатлар интенсивлиги лабларнинг ҳаракатчанглигини мутазамлигига қараб бажарилади. Массаж ҳаракатлари кунига бир маҳалдан 3-4 маротаба такроран 57 – расмдагидек бажарилади.*



**57 – расм.**

## 24 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Юқори лабни кўтарувчи ва оғиз бурчаги мускулларини, пасти лабни туширувчи ва оғиз бурчаги мускулларини, оғиз атрофидаги айлана мускул ва мускулларни фаоллаштириш, уларнинг ҳаракатчанглиги... мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Бурун ости қисмини ва лаблар атрофини массаж қилиш.*

**Методик кўрсатма:** *Бурун остидан икки ёндан пастга ва юқорига, лаблар бурчагидан юқорига ва пастга кўрсаткич бармоқлар билан иккала қўлд... ҳаракатлар 58-расмда кўрсатилганидек кунига бир маҳал 3-4 маротаб... такроран амалга оширилади.*



**58-расм.**

## НУҚТАЛИ МАССАЖ

### *25 – МАШҚ.*

**Мақсад**:*Лаб мукулларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш.*

**Тартиби**:*Нуқтали массаж лаблар атрофида лаблар ўрта қисмидан униг бурчаклари томон ва бурун остидан юқори ва пастга томон бажарилади.*

**Методик кўрсатма**:*Нуқтали массаж кўрсаткич бармоқлар ёрдамида икки қўллаб амалга оширилади. Ҳаракатлар айланма кучайиб борувчи (надавливающие) тарзда ва соат стрелкасига қарама-қарши тарзда кунига бир маҳалдан 5-6 сониядан ошмаган холда 59-расмдагидек бажарилади.*



**59-расм.**

## ТИЛ МАССАЖИ

### 26 – МАШҚ.

**Максад**:*Узун тил мускулларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш.*

**Тартиби**:*Узун тил мукулларини илдиз томонидан унинг учига томон силаш ҳаракатларни бажариш.*

**Методик кўрсатма**:*Силовчи ҳаракатлар кўрсаткич бармоқда, "ШАРИК" логопедик зонд ёрдамида амалга оширилади. Ёш болаларга шпател ёрдамида ҳаракатларни бажариш мақсадга мувофиқдир. Силовчи ҳаракатлар кунига 2-3 маҳал, 8-10 маротаба такроран 60-расмда кўрсатилганидек бажарилади.*



**60-расм.**

## 27 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Тилниг узун ва ён мускулларини фаоллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Тилнинг илдиз томонидан учки томонига қараб тил устида ритмик босиш ҳаракатларини бажариш.*

**Методик кўрсатма:** *Ритмик босиш ҳаракатлари пластмассали шпател ёрдамида амлга оширилади. Ҳаракатлар интенсив тарзда кунига икки маҳал 4-6 маротаба 61-расмдагидек бажарилади.*



**61-расм.**

## 28 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Тилнинг кўндаланг мускуллари ҳаракатчанглигини ошириш ва мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Тил устида тилнинг илдизидан учки томон кўндаланг тарзда массаж ҳаракатларини амалга ошириш.*

**Методик кўрсатма:** *Силовчи ҳаракатлар кўрсаткич бармоқда, "ШАРИК" логопедик зонд ёрдамида ёки юмшоқ тиш шёткасида амалга оширилади. Силовчи ҳаракатлар кунига 2-3 маҳал 4-6 маротаба 62-расмдагидек амалга оширилади.*



**62-расм.**

## 29 – МАШҚ.

**Мақсад:** *Тил мускулларини мустаҳкамлаш ва унинг артикулиацион ҳаракатчанглигини фаоллаштириш.*

**Тартиби:** *Тилнинг илдиз томонидан унинг учи томон ва ён томонларида санчиқ ҳаракатларини амалга ошириш.*

**Методик кўрсатма:** *Санчиқ ҳаракатлари(*Обкалывающие*) "ИГНА" логопедик зонд ёрдамида амлга оширилади. Ҳаракатлар ўта эхтиёткорлик билан амалга оширилмоғи лозим. Массаж давомида агар бола ухлига тушадиган бўлса логопед дархол машғулотни тўхтатмоғи керак. Массаж кунига бир маротаба 10 сониядан ошмаган тарзда 63-расимда кўрсатилганидек бажарилади.*



**63-расм.**

## *30 – МАШҚ.*

**Мақсад:** *Сўлак ажиралишини меёрлаштириш.*

**Тартиби:** *Нуқтали массаж чуқур тил остида икки нуқтада баробар амлга оширилади.*

**Методик кўрсатма:** *Массаж кўрсаткич, ўрта бармоқлар ёки "Грабли" логопедик зонд ёрдамида амалга оширилади. Массаж ҳаракатлари соат стрелкасига қарама-қарши томон 10 сониядан ошмаган тарзда 64-расмда кўрсатилганидек бажарилади. Массаж ҳаракатлари болага ноқулайлик туғдирмаслиги керак.*



**64-расм.**

## 31 - МАШҚ

**Мақсад:** *Тил мускулларини мустаҳкамлаш.*

**Тартиби:** *Тилни юмшатиш (разминание языка.)*

**Методик кўрсатма:** *Массаж ҳаракатлари бармоқлар ёрдамида, бармоқларга бинт ўрагани холда амалга оширилади. Массаж шошмасдан тилнинг барча нуқталарини юмшатиб қилинади. Массаж ҳаракатлари кунига 1-2 маҳал 6-8 сониядан ошмаган тарзда 65-расмдагидек амалга оширилади.*



**65-расм.**

# МИМИКА ВА ЧАЙНАШ МУСКУЛЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ.




**66 – Расм. Юз мимика мускуллари**

**(В.П. Воробьевва Р.Д. Синельниковлар).**

1 – бош суяк апоневрози:

2 – пешона мускули;

3 – кўзнинг қовоқ қисмидаги айланма мускуллари;

4 – кўз қисми айланма кўз мускуллари

5 – латераль пай йўли;

6 – қовокларнинг ўзаро богланиш қисми;

7 – томоқ мускуллари;

8 – қошларни ҳаракатга келтирувчи мукуллар;

9 – бурун мускуллари;

10 – бурун ўрта мускуллари (перегородку);

11 – оғиз айланма мускуллари;

12– юқори лабни кўтарувчи мускуллар (ўрта чизиғи), юқори лабни ва бурун бурчагини кўтарувчи мсускуллар (ўрта чизиғи), юқори лабни кўтарувчи ва

бурун катакларини ҳаракатлантирувчи мускуллар (медиаль чизиги), кичик янок мускуллари (латераль чизиги);

13 – катта юз мускули;

14 – оғиз бурчагини кўтарувчи мускул;

15 – юқори кесувчи (резцовая)мускул;

16 – пастки лабни кўтарувчи мускуллар;

17 – оғиз бурчагини тушурувчи мускул;

18 – жағ мускуллари;

19 – янок мускуллари;

20 – қулоқ мускуллари.




**67 – расм. Юздаги чайнаш мускуллари**

(В.П. Воробьев ва Р.Д. Синельников).

1 – чайнаш мускуллари;

2 – чакка мсукуллари;

3 – янок мускуллари.

## Ёрдамчи мактабларда логопедик ишларни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар

Ушбу методик тавсиялар турли даражадаги имконияти чекланган болаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини хисобга олиб, амалий тажрибадан келиб чикиб тузилган ва бу тажрибани республикадаги коррекцион мактаблар логопедлари, педагоглари ўртасида тарқалишига хизмат қилади. Берилган маълумотлар коррекцион педагогика соҳасидаги мутахассислар учун фойдали ва самарали восита бўлишига ишонамиз. Унинг асосини ёрдамчи мактабда оғзаки ва ёзма нутқ камчиликларига эга бўлган ўқувчилар билан ишлайдиган логопед иш тажрибасини тизимлаштириш, уларга таълим олиш билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш ва уларни олдини олишда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича тавсиялар бериш ташкил этади. Берилган маълумотларимиз ўқитувчи-логопед ишининг самарадорлигини, унинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилади. Ёрдамчи мактабларда логопедик ишларни ташкил этиш бўйича методик тавсиялар қуйидаги бўлимларни ўз ичига қамраб олади:

**1.Ёрдамчи мактаб логопеди ишларини ташкил этиш:**

Ўқитувчи- логопеднинг лавозим мажбуриятлари.
Ўқитувчи- логопеднинг ҳуқуқлари.
Ўқитувчи- логопеднинг жавобгарлиги.

**2. Коррекцион- таълимий ишлар:**

Оғзаки ва ёзма нутқ камчиликларига эга логопат-ўқувчилар гуруҳларинин тўлдирилиши.

**Логопедик кабинетнинг жиҳозланиши.**

**Логопед ҳужжатлари ва уларнинг юритилиши.**

1. Турли нутқ нуқсонларига эга ўқувчилар гуруҳларига тавсиф.
2. Турли хил нутқ нуқсонларига эга болалар билан логопедик ишларни ташкил этиш намуналари.
3. Логопедик машғулотнинг намунавий тузилиши.
4. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларига асосий талаблар.
5. Дисграфия, дизартрия, дислалия, ФФНда якка тартибда ишлаш режалари.

**Ёрдамчи мактаб логопеди ишларининг ташкил этилиши.**

**Ўқитувчи- логопеднинг лавозим мажбуриятлари.**

Ўқитувчи-логопед:

Ўқувчиларнинг (тарбияланувчилар) имкониятлари даражасида тузатишга йўналтирилган ишларни амалга оширади, ўқувчилар (тарбияланувчилар) нутқини текширади, улардаги нуқсон тури ва намоён бўлиш даражасини белгилайди.

Ўқувчилар (тарбияланувчилар)нинг нутқий ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиб, нуқсонларини бартараф этиш ва бузилган фаолиятларини тиклаш мақсадида гуруҳли, якка машғулотлар олиб бориш учун гуруҳлар ташкил этади.

Ўз фаолиятини ўқитувчи ва тарбиячилар билан узвий ҳамкорликда амалга оширади, машғулотлар ва дарсларда иштирок этади, педагог ходимлар ва ота-оналарга (ёки уларни ўрнини босувчи шахсларга) ривожланишда орқада қолаётган болаларга ёрдам кўрсатишнинг махсус методлари ва воситаларини қўллаш муаммолари бўйича маслаҳатлар беради, зарур ҳужжатларни юритади.

Шахс маданиятининг шаклланишида, уни ижтимоийлашида, онгли равишда касб танлаш ва уни ўзлаштиришига таъсир кўрсатади, давлат таълим станлартлари доирасида таълимнинг турли шакллари, методлари ва воситаларидан фойдаланадаи, таълим стандартларини ҳаётга тадбиқ этади.

Ўқувчилар (тарбияланувчилар) нинг Ўзбекистон қонунлари, “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқлар тўғрисидаги Конвенсия”сида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Ўзининг касбий маҳоратини ошириш бўйича доимий ишлар олиб боради, метод бирлашмаларда ва бошқа методик иш турларида фаол иштирок этади.

Таълим жараёнида ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан доимий алоқа ўрнатади, меҳнатни ҳимоя қилиш қонунлари ва меъёрларига, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилади, ўқувчиларнинг ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилишни таъминлайди. Ўзининг ахборот технологиялари, таълимнинг интерфаол методларини қўллаш бўйича билимларини такомиллаштиради.

Ўқитувчи логопед “Таълим тўғрисидаги” қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни, Ўзбекистон Республикасининг

таълим соҳасига оид қонунлари, низомлари, буйруқлар ва қарорларини, Халқ Таълими Вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари ва кўрсатмаларини, ахборот материалларини, статистик маълумотларни, "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенсияни", махсус педагогика ва психологияни, анатомик физиологияни ва дефектологиянинг клиник асосларини яхши билишлари, болалар (тарбияланувчилар) ривожланишидаги нуқсонларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари ва воситаларини, ривожланишида нуқсонга эга бўлган болалар билан ишлашда қўлланиладиган дастурлар ва адабиётларни, дефектология соҳасидаги янги эришилган ютуқларни, меҳнатни муҳофаза қилиш қонунлари ва меъёрларини, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билишлари ва доимо изланишлари лозим.

**Ўқитувчи-логопед лавозимига қўйиладиган малака талаблари:**

а) олий маълумотли логопед,

б) меҳнат стажи талаб этилмайди.

Таълим муассасида (ТМ) ишлаётган ўқитувчи-логопед қуйидагиларни амалга ошириши керак:

Диагностик текширишни ташкил этиш ва ўз вақтида ўқувчилардаги нутқий камчиликларни аниқлаш; болалар ўртасида нутқ нуқсонларини аниқлаш ва уларни логопедик машғулотларга жалб қилиш ТМ раҳбарияти билан келишилган ҳолда жадвал асосида 2-сентабрдан 15-сентабргача ва 15-майдан 25-майгача, ТМга янги ўқувчилар келганда олиб борилади.

**Ўқувчиларни қайд этиш ва логопедик гуруҳларга жамлаш:**

*Ўқувчилар билан турли хил нутқ нуқсонларини тузатиш мақсадида машғулотлар олиб бориш ва улар томонидан она тилини ўзлаштира олмаслик сабабларини бартараф этиш устида ишлаш;

*Логопат ўқувчилар билан логопедик машғулотлар ўқув режанинг тушунтириш хатида қайд этилган дарслар вақтида, мактаб педагогик кенгаши қарорига мувофиқ ва дарслардан ташқари вақтларда ташкил этилади;

*Ўқув тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари, бошланғич синф ўқитувчилари, она тили фани ўқитувчилари ва ота-оналар билан доимий алоқа ўрнатиш;

*Логопед ва нутқ нуқсонига эга бўлган болалар билан ишлашда ўқитувчиларнинг иш йўналишларини бир хилда бўлишини таъминлаш мақсадида дарслар кузатиш;

*Ўқувчиларнинг она тили дастурини ўзлаштириши муаммоларини ҳал этиш мақсадида ўқитувчилар билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш;

*Мактаб педагогик кенгашида логопедик ишларнинг вазифалари, мазмуни ва эришилган ютуқлар тўғрисида маълумотлар бериш;

*Логопат ўқувчиларнинг ўқитувчилари, ота-оналари ўртасида оғзаки ва ёзма нутқ камчиликларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тушунтириш, ташвиқот ишларини олиб бориш;

*Бошланғич синфлар ва логопед ўқитувчилар метод бирлашмаларида, педагогик кенгашларда маърузалар билан иштирок этиш;

*Она тили фани дастури мазмунини, она тилини ўқитиш методлари ва усулларини билиши, уларни ўз ишида ҳисобга олиши, дарсда ўрганилаётган мавзуга мос дидактик материалдан фойдаланиши керак;

*Доимий тарзда ота-оналар ва ўқитувчиларга маслаҳатлар бериш, ота-оналар мажлисларида иштирок этиш;

*Логопедик кабинетни тизимли равишда зарур кўргазмали ва ўйинли материаллар билан бойитиб боориш;

*Мактабгача таълим муассасалари ва махсус таълим муассасалари, болалар поликлиникаси логопедлари, шифокор мутахассислари, психологик-тиббий-педагогик комиссия билан узвий алоқада бўлиш;

*Тизимли равишда ўзининг касбий маҳоратини ошириб бориш;

*Меҳнат муҳофазаси қонунлари ва меъёрларига, техника хавфсизлиги, ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларига амал қилиш;

*Таълим жараёнида ўқувчининг ҳаёти ва соғлигининг муҳофазасини таъминлаш;

*Логопедик кабинетда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақида тезда ТМ раҳбариятига хабар бериш;

*Ўрнатилган тартибда ҳужжатлар юритиш.

## Ўқитувчи-логопед ҳуқуқлари.

**Ўқитувчи-логопед қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

*Болалар билан ишлашда иш йўналишларини танлаш;

*Янги коррекцион ва диагностик методларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

* Таълим муассаси фаолиятига тегишли муҳим муаммоларни ҳал этиш йўли билан таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш;

*Ўзининг касбий қадр-қиммати ва ғururини ҳимоя қилиш;

*Меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантирилиши;

* Ўзининг касбий маҳоратини ошириш.

## Ўқитувчи-логопед жавобгарлиги.

**ТМ ўқитувчи логопеди қуйидагиларга жавобгар:**

*Юқорида қайд этилган унга юклатилган мажбуриятларни бажаришга;

*ТМ устави ва ички меҳнат тартиб қоидалари, меъёрий талаблар, ТМ томонидан ўрнатилган лавозим-мажбуриятларини тўлиқ бажаришга;

*Ўқувчилар билан белгиланган логопедик машғулотлар ўтишга, ТМ мулкини, техник воситаларини, логопедик асбоблар, методик ва ахборот материалларини асраб-авайлашга;

* Иш жойида меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрлари, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишига;

*Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилишга;

*Илмий асосланган методикаларни тўғри қўллашга;

*Бола шахсига жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ тарбия воситаларини қўлланилишига;

*Ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишда санитария-гигиеник қоидаларга амал қилишга.

## Коррекцион- таълимий ишлар

Ўқув йилининг бошланиши, тугаши, таътилларнинг вақти ва давомийлиги ўрнатилган мактаб меъёрларига мос равишда белгиланади. Сентабр ойининг бошида икки ҳафта мобайнида ўқитувчи-логопед ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини текширади, гуруҳларни, кичик гуруҳларни жамлайди, якка машғулотларга қатнашадиган ўқувчилар сонини аниқлайди ва шу

асосида машғулотлар жадвали, ҳар бир гуруҳлар ўқувчилари учун истиқбол режа тузади. Машғулотларнинг давомийлиги (ўқувчиларнинг психофизиологик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда) гуруҳда– 35-40 дақиқа, якка машғулот – 20-25 дақиқани ташкил этади. Гуруҳли машғулотлар орасида 5-10 дақиқалик танаффус қилинади. Бу вақт оралиғида логопед кейинги машғулот учун кўргазмали материалларни тайёрлайди, болаларни гуруҳларга жамлайди ёки уларни синфларига олиб боради, ўқувчиларнинг ёзма ишларини текширади, таҳлил қилади ва ҳакозо. Ўқувчилар билан машғулотлар дарсдан ташқари вақтларда ва ёрдамчи мактаблар ўқув режасининг тушунтириш хатида кўрсатилган дарслардан олиб ташкил этилиши (якка машғулотларга олиш) мумкин (масалан, нутқ ўстириш, одобнома...).

Логопедик машғулотларга куни узайтирилган гуруҳлардан олинадиган ўқувчиларни тарбиячилар логопедик машғулотлар жадвалида кўрсатилган вақтда исталган кунлик режим вақтида юборадилар. Машғулотлар жадвали барча ўқитувчилар ва куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиларига маълум қилиниши лозим.

***Гуруҳли машғулотлар қуйидагича ташкил этилади:***

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги оқибатида келиб чиқадиган ўқиш ва ёзиш бузилишларига эга ўқувчилар билан - ҳафтасига камида 2- 3 марта.

Нутқнинг фонетик- фонематик ёки фонематик томони ривожланмаган ўқувчилар билан- ҳафтасига камида 2- 3марта.

Фонетик нуқсонга эга бўлган ўқувчилар билан- ҳафтасига камида уч марта.

Дудуқланувчи ўқувчилар билан – ҳафтасига камида 3 марта. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигининг 2 даражаси, дизартрик, ринолалик, алалик ўқувчилар билан – ҳафтасига камида 2-3 мартадан якка машғулотлар ўтказилади.

Ўқув режада 1 – 5 – синфларда логопедия машғулотларига 5 соат ажратилган. Шундан 4 соат оғзаки нутқида нуқсони бўлган ўқувчилар билан, 1 соат ўқиш ва ёзишдаги нутқ нуқсони бўлган ўқувчилар билан ўтилади.

Шу жумладан 6 синфларда логопедия машғулотларига 3 соат ажратилган. Шундан 2 соат оғзаки нутқида нуқсони бўлган ўқувчилар билан, 1 соат ўқиш ва ёзишдаги нутқ нуқсони бўлган

ўқувчилар билан ўтиш тавсия этилади. 7 синфда эса, 2 соат ажратилган бўлиб, бу соатларни логопедлар ўқувчиларнинг нутқий нуқсонларидан келиб чиқиб белгилайдилар. Шунингдек, бошқа синфларда ҳам ўқувчиларнинг нутқий нуқсонларидан келиб чиқиб логопед ажратилган соатларга ўзгартириш киритишга ҳақли.

Якка машғулотларни ташкил этиш оралиғи ўқувчиларнинг нутқий нуқсонининг намоён бўлиш даражаси ва ўзига хос хусусиятлари инобатга олиб белгиланади.

Болаларни рўйхатдан чиқариш бутун ўқув йили давомида улардаги нутқ нуқсонларини бартараф этилиши билан амалга оширилади. Логопедик текшириш натижалари боланинг нутқий картасига қайд этилади.

## Ўқувчи- логопатларнинғ гуруҳларга жамлаш

| № | Логопатлар гуруҳлари | Тўлиқлиги | |
|---|---|---|---|
| | | Гуруҳ | Кичик гуруҳ |
| 1 | Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (НТР) | 4 | 2-3 |
| 2 | Яққол намоён бўлмаган нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги. | 4 | 2-3 |
| 3 | Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлиги ва фонематик нутқ ривожланмаганлиги | 4-6 | 2-3 |
| 4 | НТР оқибатида келиб чиқадиган ўқиш ва ёзиш камчиликлари. | 4-6 | 3 |
| 5 | ФФНР билан боғлиқ ўқиш ва ёзиш камчиликлари. | 4-6 | 3 |
| 6 | Дудуқланувчилар | 4-6 | 2-3 |
| 7 | Товушлар талаффузининг бузилишлари (дислалия) | 4-6 | 2-3 |

## Логопедик кабинетдаги жиҳозлар

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Логопедик машғулотлар учун деворий ойна (50x100см) | 1 та |
| 2 | Индивидуал ишлаш учун ойналар (9x12 см) | 6-8 та |
| 3 | Логопедик зондлар, шпателлар | 2 комп. |
| 4 | Кесма алифбо(деворий) | 1 та |
| 5 | Кесма ҳарфлар (якка) | 6 та |
| 6 | Ўқув-методик қўлланмалар | |
| 7 | Стол устида ўйналадиган ўйинлар, ўйинчоқлар, конструкторлар | |
| 8 | Синф доскаси | 1 а |

| | | |
|---|---|---|
| 9 | Кўргазмалар учун шкаф | 1-3 та |
| 10 | Ёзув столи | 1та |
| 11 | Стуллар | 3 та |
| 12 | Комплект «парта-стул» | 6 та |
| 13 | Компютер ёки ноутбук | 1 та |

**Иложи борича логопед кабинетида қуйидаги жиҳозлар ва қўлланмалар бўлиши лозим:**

*Синф доскаси бошланғич синф ўқувчилари бўйига мос осилган бўлиши керак. Досканинг бир қисми 1-синф ўқувчиларининг дафтарларидагидек, ҳарфларни тўғри ёзиш ва боғлашни машқ қилиш учун чизилган бўлиши керак;

*Турли хил расмлар тўплами;

*Ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ҳарфлар ва бўғинлар кассаси, сўзларнинг товушли ва бўғинли белгилари;

*Доска олдига ўрнатилган ҳарфларнинг ёзма ва босма шакллари акс эттирилган деворий жадвал;

*Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини текшириш учун лексик мавзулар, фонетик гуруҳлар бўйича тизимлаштирилган кўргазмали материаллар;

*Мавзулар бўйича тизимлаштирилган нутқ ўстириш бўйича кўргазмали- илллюстрастив материаллар.

*Товуш, сўз, гапларни билдирувчи белги-карточкалар, якка топшириқлар учун карточкалар, товушлар талаффузини тузатиш устида ишлаш учун албомлар;

*Нутқий лото, ўйинлар;

*Ҳар бир ўқувчи учун рангли ручкалар ( кўк, қизил, яшил), ручкалар ва қаламлар учун идишлар;

*Методик ва бадиий адабиётлар;

*Сочиқ, совун, қоғоз сочиқлар;

*Ёрдамчи техник воситалар.

Логопедик кабинет дид билан жиҳозланган ва хона гуллари билан безатилган бўлиши керак. Деворга коррекцион жараёнга тегишли бўлмаган расмлар, жадваллар осиш тавсия этилмайди.

## Логопед хужжатлари ва уларнинг юритилиши.

***Коррекцион жараёнларни қайд этишда ўқитувчи – логопед қуйидаги хужжатларни юритади:***

1. Нутқ нуксонига эга ўқувчилар рўйхати;
2. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини текшириш журнали;
3. Ўқувчилар давомати журнали (гуруҳли ва якка машғулотлар);
4. Ҳар бир логопат учун нутқ карталари;
5. Ҳар бир гуруҳ логопатлари учун истиқбол режалар тузиш;
6. Ҳар бир гуруҳ учун кундалик машғулот ишланмалари тузиш;
7. Ўқувчиларнинг иш дафтарлари;
8. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари билан келишил... ва мактаб директори томонидан тасдиқланган логопедик машғулотлар жадвали;
9. Логопеднинг методик ишлари ва ўз устида ишлаш режалари;
10. Логопедик кабинет паспорти ёки кабинетда мавжуд ўқув ва кўргазмали жиҳозлар картотекаси;
11. Ўқитувчи- логопеднинг амалга оширган ишлари ҳақидаги йиллик ишлари ҳисоботи.

## Логопедик машғулотлар давомат журнали.

"Ўқувчилар ҳақида маълумот" бўлимида логопед ўқувчиларнинг шу ўқув йилида логопедик машғулотларга жалб қилинган ўқувчи-логопатлар рўйхати, синфи, туғилган йили, қайд этилган вақти, ва коррекцион иш натижалари билан қайд этилади. («чиқарилди», «коррекцион ишлар давом эттирилиши учун қолдирилди», «кетган»).

Гуруҳлар учун 4 варақ, ҳар бир кичик гуруҳ ва ҳар бир якка ишланадиган ўқувчилар учун 3 варақдан ажратилади. Варақнинг чап томон тепа қисмида логопедик гуруҳ рақами ва логопедик хулоса кўрсатилади, масалан: «Гуруҳ №1. ФФНР». Варақнинг ўнг томони тепасида бу гуруҳда ташкил этиладиган машғулотлар куни ва вақти кўрсатилади: душанба, чоршанба, жума – 11:00 – 13:40 Кейинги бетлар синф журнали каби тўлдирилади. Давомат журналига баҳолар қўйилмайди. Охирги варақларидан бири логопеднинг ўқувчиларни оғзаки ва ёзма нутқини текшириш вақтини қайд этиш учун ажратилади.

## Оғзаки ва ёзма нутқни текшириш журнали.

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини текшириш натижаларини қайд этиш учун логопед умумий дафтардан фойдаланади.Текшириш журнали ўқувчиларни сентабр ойининг биринчи ҳафталарида ва ўқувчиларнинг ёзма нутқини май ойида текшириш давомида тўлдирилади.

## Мактаб бўйича логопатларни қайд этиш журнали.

Мактаб бўйича логопатларни қайд этиш журнали тикилган, рақамланган, директори имзоси ва муҳри билан тасдиқланган умумий дафтарда юритилади. Қайд этиш журнали логопатларни қайд этиш ва чиқарилишида тўлдирилади. Ўқувчини мактабдан кетишида журналга мактаб бўйича буйруғи рақами қайд этилади.

## Нутқ картаси

Оғзаки ва ёзма нутқни текшириш нутқ картаси сентабр ойининг иккинчи ҳафтаси ва май ойининг тўртинчи ҳафтасидаги текширишлар давомида тўлдирилади.

Логопатлар билан якка ишлар режаси ярим йилга тузилади. Ҳар ярим йиллик охирида олиб борилган коррекцион ишлар якуни ҳисоботи берилади.

Нутқ картасининг биринчи бетига ўқувчининг расми ёпиштирилади. Нутқ картаси ўқувчи билан логопедик тузатиш ишлари тугатилиши ва рўйхатдан чиқарилишига қадар сақланади.

## Истиқбол режалар.

Коррекцион ишларнинг истиқбол режаси ҳар бир гуруҳ ўқувчилари учун бир ўқув йилига логопатлар гуруҳлари жамлангандан кейин тузилади. Ҳар бир режа аввалида логопедик хулоса, синф, гуруҳ таркиби кўрсатилади.

## Кундалик иш режалари.

Кундалик иш режалари ҳар бир гуруҳ ўқувчилари учун алоҳида тузилган истиқбол режалар асосида тузилган. Логопедик ишлар амалиёти шуни кўрсатадики, кўп йиллик иш стажига эга бўлмаган ўқитувчи-логопедлар иш режалари ёки машғулот учун кундалик ишланмаларни тўлиқ ёзишлари керак.

Тажрибали ўқитувчилар машғулот ишланмалари ўрнига қисқа, машғулот мақсадлари, иш турлари кўрсатилган режалар тузишлари мумкин.

Товушлар талаффузидаги нуқсонларни бартараф этишда логопед комплекс режа матнларидан фойдаланиши мумкин.

## Иш дафтарлари.

Иш дафтарлари ягона орфографик режим аосида юритилади. Сана кетидан "Синф иши" сўзи ёзилмайди.

Машғулотдаги иш турлари орасида, айниқса, бўғинли, бўғин-товушли схемалар ва гаплар схемаларидан кейин ва олдин биттадан катор колдириш мумкин.

Ўқувчилар ишлари ҳар бир машғулотдан кейин текширилади, йўл қўйилган хатоликлар тузатилади ва таҳлил қилинади.

Нафақат топшириқнинг тўғри бажарилганлиги, балки, ўқувчининг тўлик ўқув фаолияти, шунингдек, машғулотдаги диққатлилиги, фаоллиги, ҳаракатчанлиги ҳам рағбатлантирилади.

Ўқувчи томонидан тузатилган хатоликлар хато саналмайди. Логопедик машғулотда баҳо қўйиш тавсия этилмайди. Аммо ўқувчиларни рағбатлантириш ва фаоллаштириш учун рағбатлантирувчи воситалар ( масалан, юлдузчалар, турли шакллар) дан фойдаланиш мукин.

## Логопедик кабинет паспорти.

Логопедик кабинет паспорти учун умумий дафтар ёки папка юритиш мумкин. Унда логопедик кабинетда мавжуд барча жиҳозлар, кўргазмали ва дидактик воситалар, ўқув ва методик қўлланмалар,ўқув ва методик адабиётлар қайд этилган бўлади. Паспорт ўрнига картотека тузиш мумкин.

## Амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисоботлар.

Ўқув йили давомида амалга оширилган коррекцион ва профилактик ишлар ҳақидаги ҳисобот ( рақамли ва матнли) ўқув йилининг охирида ( 30-майгача) 3 нусхада тайёрланади: бир нусхаси халқ таълими бўлимига, иккинчи нусхаси мактаб маъмуриятига берилади, учинчиси логопедда қолади.

## Логопедик машғулотлар жадвали.

Логопедик машғулотлар жадвали 2 нусхада 15-сентабргача гурухларни жамлаш асосида тузилади. Бир нусхҳаси логопедик кабинетда, иккинчиси мактаб раҳбариятида бўлади.

## Ҳужжатларни сақлаш муддати.

***Логопедик кабинетда сақланадиган ҳужжатлар***:

1. Мактаб бўйича логопатларни қайд этиш журнали– 10 йил.

2. Ўқувчиларни оғзаки ва ёзма нутқнини текшириш журнали –ўқувчилар рўйхатдан чиқарилгунича.

3. Ҳар бир ўқувчи учун нутқ карталари – ўқувчиларни рўйхатдан чиқарилгунича.

4. Ўқитувчи логопеднинг бажарган ишлари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи – 2 йил.

5. Логопедик кабинет паспорт ёки логопедик кабинетда бўлиши керак бўлган жиҳозлар, ўқув ва кўргазмали воситалар картотекаси – доимий.

6. Ўқувчиларнинг дафтарлари – 1 йил.

## Ўқувчиларнинг билим ва малакаларига қўйиладиган асосий талаблар:

### 1-синф.

*Ўқувчилар бажара олишлари керак :*

*Товушларни эшитиш ва таффузга кўра фарқлаш;

*Кичик эртак, топишмоқ , ҳикояни тинглай олиш;

* Нуткига киритилган товушлардан фойдаланиб ўқилган ҳикоя мазмуни бўйича саволларга жавоб бериш, 3- 4 та шеърни ёддан айтиб бериш.

### 2-синф.

*Ўқувчилар бажара олишлари керак :*

*сўзларни бўғин ва товуш таркибини таҳлил қилиш;

*унли ва ундош товушларни фарқлаш;

### 3-синф.

*Ўқувчилар бажара олишлари керак :*

*сўзларни бўғин ва товуш таркибига кўра таҳлил қилиш, сўздаги товушлар сони ва кетма-кетлигини, товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш;

*жарангли ва жарангсиз ундош товушларни фарқлаш.

### 4-синф .

*Ўқувчилар бажара олишлари керак :*

*акустик ва артикулятсион жиҳатдан ўхшаш товушларни фарқлаш;

* ёзилиши жиҳатдан ўхшаш ҳарфларни фарқлаш;

*сўзнинг бўғин, товуш таҳлили, схемасини тузиш.

### 5-синф .

*Ўқувчилар бажара олишлари керак :*

*сўз ясовчи ва сўз ўзгатирувчи қўшимчаларни қўллай олиш ;

*Сўзни морфемали анализ ва синтез қилиш;

*Матндан бир ўзакли сўзларни ажратиш.

### 6-7-синф.

*Ўқувчилар бажара олишлари керак :*

*Сўзларни сўз бирикмалри ва гапларда тўғри боғлаш;

*Оғзаки ва ёзма нуткда турли қўшимчалардан тўғри фойдалана олиши;

*Матнга сарлавҳа қўйиш , матннинг асосий мазмунини белгилаш;

*Боғланган нутқ режасини тузиш;

**1- синфда ва 7- синфда машғулотлар якунланганидан кейинги кутиладиган коррекцион таълим натижалари.**

**1-синф.**

**Нутқнинг товуш томони. Фонематик жараёнлар.**

Артикулятсион праксис, нутқий нафасни ривожлантириш. Товушларни нутқга киритиш ва мустаҳкамлаш, сўзнинг бўғин таркибини тузатиш. Товушлар талаффузини тузатиш, уларнинг тавсифи ( саводга ўргатиш билан параллел равишда ). Фонематик жараёнларни ривожлантириш. Товуш-бўғин боғлиқлигини шакллантириш.

**Нутқнинг лексик-грамматик томони.**

*Асосий лексик мавзулар бўйича луғатини аниқлаштириш ва бойитиш:*

"Мактаб", "Ўқув қуроллари", "Ўйинчоқлар", "Сабзавотлар", "Мевалар","Куз", "Учиб кетувчи қушлар", "Уй паррандалари", "Қишловчи қушлар", "Қиш", "Ёввойи ҳайвонлар", "Уй ҳайвонлари", "Янги йил", "Уй-жой", "Мебеллар", "Электр асбоблари", "Идишлар", "Озиқ- овқатлар", "Кун тартиби", "Ватан ҳимоячилари", "Оила", "Кийимлар", "Дарахтлар", "Гуллар", "Қишлоқ", "Шаҳар", "Транспортлар", "Касблар".

Предметнинг номи, белгилари, ҳаракатини билдирувчи сўзлар билан таништириш.

Грамматик категорияларни амалий ўзлаштириш (ўйинли машқлар ва топшириқлар орқали). Гап ва боғланган нутқ устида ишлаш, гапларда интонатсия.

Икки таркибли содда гаплар моделини ўзлаштириш: от феъл. Оддий икки таркибли гаплар тузиш.Бирламчи боғланган нутқ кўникмаларини эгаллашга ўргатиш. Шахсий кузатишлари, сюжетли расмлар , серияли расмлар асосида кичик ҳикоялар тузиш.

**Машғулотлар якунлангандан кейин кутиладиган натижалар (7- синфда нималарни билиши ва бажара олиши керак).**

Товушлар талаффузини тузатиш.

Фонематик жараёнлар.

Алифбодаги ҳарфларни, унли ва ундош товушлар белгиларини билиш.

Турли товуш- бўғин таркибли сўзларни тўғри талаффуз қилиш, сўзларни бўғинларга ажратиш, сўз ва бўғинларни тўғри ёзиш.

Жарангли ва жарангсиз ундошларни фарқлаш.

Сўзларда жуфт ундошларни тўғри қўллаш ва фарқлаш.

Тутуқ белгисини тўғри қўллаш.

**Нутқнинг лексик-грамматик томони.**

Асосий лексик мавзулар бўйича умумлаштирувч тушунчалар, луғатини билиш.

Отларни феъл ва сифатларга мослаштириш, ёзма ҳарфларн қўллаш.

Мазмунига кўра бир хил ва қарама- қарши маъноли сўзлан топиш, бир маъноли ва кўп маъноли сўзларни тўғри қўллаш, сў ясаш ва сўз ўзгартириш кўникмаларини амалий эгаллаш.

Сўзни морфологик таҳлил қилиш.

Қўшимчаларни тўғри қўллашни ўрганиш.

**Гап ва боғланган нутқ.**

Содда ва мураккаб гаплар тузиш ва уларни тўғри қўллаш

Гапнинг биринчи даражали бўлаклари иштирокида гапла тузиш ва уларда тиниш белгиларини тўғри қўллаш.

Матн устида ишлаш, матнни номлаш, матнни ажратиш в ундаги бош маънони аниқлаш.

Турли хил сўзлаб бериш усулларини эгаллаш.

## Турли нутқ нуқсонларига эга ўқувчилар гуруҳларига тавсифнома

## “Яққол намоён бўлмайдиган нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ”(ЯНТР – НТР даражаси)

Яққол намоён бўлмайдиган нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқ функсиялари ва ўқиш фаолиятини тўлақонли эгаллаш учун психологик жараёнларнинг етарлича шаклланмаганлиги оқибатида ўқув материалини ўзлаштиришдаги турғун қийинчиликларни ҳис қилишади.

**Нутқнинг фонетик- фонематик компонентининг бузилиши.**

1- 2 гуруҳ оппозитсион товушларидан 2-5 та товушни бузилиши. Мактабгача таълим муассасасида коррекцион таълим олган болалар товушлар талаффузи меъёрда ёки етарлича тушунарсиз бўлиши мумкин. Фонематик жараёнларнинг етарлича шаклланмаганлиги:

а) Сўзларнинг товуш таркибини анализ синтез қилиш кўникмаларини етарлича ривожланмаганлиги;

б) Савод эгаллаш кўникмаларини муваффақиятли эгаллашнинг етарлича шаклланмаганлиги;

в) Ўқиш ва ёзишни эгаллашдаги қийинчиликлар ( турли хил дисграфик ва дислексик хатоликлар).

**Нутқнинг лексик-грамматик компоненти.**

Луғат бойлиги камбағал, сифат жиҳатидан тўлақонли эмас. (сўзларни қўллашдаги хатоликлар, маъноси ва акустик хусусиятларига кўра сўзларнинг алмаштирилиши;

-Нутқнинг грамматик қурилиши етарлича шаклланмаган. Нутқда мураккаб синтактик қурилишлар мавжуд эмас, гапларда содда синтактик қурилмаларида кўпгина аграмматизмлар кузатилади.

-Ўқувчиларда ўқитувчининг сўзли кўрсатмаларини, ўқув топшириқларини етарлича тушунмаслик, ўқув тушунчалари ва атамаларни тушунмаслик, ўқув ишлари жараёнида ўз фикрларини шаклантиришдаги қийинчиликлар, боғланган нутқни етарлича ривожланмаганлиги.

**Психологик хусусиятлари.**

Диққатнинг беқарорлиги, диққатни тўплаш қобилиятини ривожланмаганлиги.

-Сўз- мантиқ тасаввурининг етарли эмаслиги;

-Сўзли материалани эслаб қолиш қобилиятини етарлича ривожланмаганлиги;

-Сўзли материалда ўз-ўзини назорат қилишнинг етрарли эмаслиги;

-Ихтиёрий мулоқот ва фаолиятни етарлича ривожланмаганлиги.

Бунинг оқибатида қуйидагилар келиб чиқади:

-Ўқув кўникмаларини эгаллаш учун психологик кўникмаларининг етарлича шаклланмаганлиги,

-Ўқув кўникмаларининг шаклланишидаги қийинчиликлар (амалга ошириладиган ишлар режаси, ўқув мақсадига эришиш йўллари ва воситалари, белгиланган темпда ишлаш кўникмаси).

**Коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари.**

-Нутқнинг товуш томонини ривожлантириш;

-Фонематик жараёнларининг ривожланиш базасида сўзларнинг товушлар ҳақидаги тасаввурларини ва сўзларнинг товуш-бўғин таркибининг анализ-синтез кўникмаларини шакллантириш. Товушлар талаффузини тузатиш;

-Луғат бойлиги ва нутқнинг грамматик қурилишини ривожлантириш;

-Боғланган нутқни ривожлантириш;

-Таълимнинг психологик кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

-Тўлақонли ўқув малакаларини шакллантириш;

-Таълимга коммуникатив тайёргарликни ривожлантириш ва такомиллаштириш;

-Коммуникатив малака ва кўникмаларни, тўғри ўқув фаолияти вазиятларини шакллантириш.

**«Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги » (НТР).**

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқ функсиялари ва ўқиш фаолиятини тўлақонли эгаллаш учун психологик жараёнларнинг етарлича шаклланмаганлиги оқибатида ўқув материалини ўзлаштиришдаги турғун қийинчиликларни ҳис қилишади.

**Нутқнинг фонетик-фонематик компоненти.**

Бир нечта гуруҳ оппозитсион товушларни нуқсонли талаффузи. Бузилган товушларнинг алмаштирилиши. 15 тагача товушларни нотўғри талаффуз қилиниши; Фонематик жараёнларни шаклланмаганлиги ёки етарлича шаклланмаганлиги;НТР болаларда савод эгаллашда сўзнинг товушлар таркибини анализ ва синтез қилиш малакаларининг етарлича шаклланмаганлиги, ёзиш ва ўқиш малакаларини эгаллашдаги қийинчиликлар (турли хил дисграфик хатоликлар).

**Нутқнинг лексик-грамматик компоненти.**

Луғат бойлиги чегараланган, сифат жиҳатидан тўлақонли эмас (сўз маъноларини тўғри тушунмаслик, сўзларни қўллашдаги хатоликлар, маъноси ва акустик белгиларига кўра товушларни алмаштирилиши).Нутқнинг грамматик қурилиши етарлича шаклланмаган. Нутқда мураккаб синтактик қурилишлар мавжуд эмас, гапларнинг синтактик қурилмаларида кўпгина аграмматизмлар кузатилади. Шунингдек, ўқитувчининг ўқув топшириқлар, ўқув кўрсатмаларини етарлича тушунмаслик, ўқув тушунчалари, атамаларини тушунишдаги қийинчиликлар, ўқув фаолиятида ўз фикрларини шакллантиришдаги қийинчиликлар, боғланган нутқнинг етарли ривожланмаганлиги.

## Психологик хусусиятлари.

-Диққатнинг турғун эмаслиги, диққатнинг тақсимланиши ривожланиши етарли эмаслиги;

-Сўз мантиқ тафаккури ривожланганлигининг етарли эмаслиги;

-Берилган материални эслаб қолиш қобилиятининг етарли эмаслиги;

-Ўз ўзини назорат қилиш кўникмалари ривожланишининг етарли эмаслиги;

-Мулоқот ва фаолиятни амалга ошириш шаклланишининг етарли эмаслиги;

-Бунинг оқибатида ўқув фаолиятини тўлақонли эгаллаш учун психологик кўникмаларнинг етарли эмаслиги, ўқув малакаларини шакллантиришдаги қийинчиликлар кузатилади.

## Коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари.

Нутқнинг товуш томонини ривожлантириш. Фонематик жараёнларни ривожланиш базасида сўзларнинг товуш таркиби ҳақидаги тўлақонли тасаввурларни ва сўзларнинг бўғин-товуш таркибини анализ-синтез қилиш кўникмаларини шакллантириш.Талаффуз камчиликларини тузатиш. Луғат бойлиги ва нутқнинг грамматик қурилишини ривожлантириш. Боғланган нутқни ривожлантириш. Таълимнинг психологик кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш. Тўлақонли ўқув малакаларини шакллантириш. Таълимга коммуникатив тайёргарликни ривожлантириш ва такомиллаштириш. Ўқув вазиятларида тўғри коммуникатив малака ва кўникмаларни шакллантириш.

## "Фонетик нутқнинг ривожланмаганлиги".

Ўқувчиларда фонетик нутқ ривожланмаганлиги ўқув фаолиятини тўлақонли эгаллаш учун психологик кўникмаларининг етарли эмаслиги, ўқув малакаларини шакллантиришдаги қийинчиликлар кузатилади.

## Нутқнинг фонетик-фонематик компоненти.

1. Бир нечта гуруҳ оппозитсион товушларнинг нуқсонли талаффузи. Бузилган товушларнинг алмаштирилиши. Бир неча товушларнинг нотўғри талаффуз қилиниши.
2. Фонематик жарёнларни шаклланмаганлиги ёки етарлича шаклланмаганлиги.

НТР болаларда савод эгаллашда сўзнинг товушлар таркибини анализ ва синтез қилиш малакаларининг етарлича шаклланмаганлиги, ёзиш ва ўқиш малакаларини эгаллашдаги қийинчиликлар (турли хил дисграфик хатоликлар).

**Нутқнинг лексик-грамматик компоненти.**

1.Луғат бойлиги чегараланган, сифат жиҳатидан тўлақонли эмас (сўз маъноларини тўғри тушунмаслик, сўзларни қўллашдаги хатоликлар, маъноси ва акустик белгиларига кўра товушларни алмаштирилиши).

2. Нутқнинг грамматик қурилишги етарлича шаклланмаган. Нутқда мураккаб синтактик қурилишлар мавжуд эмас, гапларнинг синтактик қурилмаларида кўпгина аграмматизмлар кузатилади. Шунингдек, ўқитувчининг ўқув топшириқлар, ўқув кўрсатмаларини етарлича тушунмаслик, ўқув тушунчалари, атамалиарини тушунишдаги қийинчиликлар, ўқув фаолиятида ўз фикрларини шакллантиришдаги қийинчиликлар, боғланган нутқнинг етарлича ривожланмаганлиги.

**Психологик хусусиятлари.**

1. Диққатнинг беқарорлиги, диққатни тўплаш қобилиятини ривожланмаганлиги.

2. Тил ҳодисаларига нисбатан кузатувчанликнинг етарли эмаслиги.

3. Сўз- мантиқ тасаввурининг етарли эмаслиги.

4.Сўзли материални эслаб қолиш қобилиятини етарлича ривожланмаганлиги.

5.Сўзли материалда ўз- ўзини назорат қилишнинг етарли эмаслиги.

6.Ихтиёрий мулоқот ва фаолиятни етарлича ривожланмаганлиги.

Бунинг оқибатида қуйидагилар келиб чиқади: ўқув кўникаларини эгаллаш учун психологик кўникмаларинин етарлича шаклланмаганлиги, ўқув кўникмаларинин шаклланишидаги қийинчиликлар (амалга ошириладиган ишла режаси, ўқув мақсадига эришиш йўллари ва воситалари белгиланган темпда ишлаш кўникмаси).

**Коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари.**

Нутқнинг товуш томонини ривожлантириш. Нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш малака ва кўникмаларини шакллантириш:

-нутқ товушларини таниш ва уларни идрок қилишда алмаштирмаслик;

-товушларни меъёрий талаффузидан нуқсонли талаффузини фарқлаш;

-ўз талаффузини назорат қилишни ва талаффуз қилиш сифатини назорат қилиш;

-товушнинг меъёрий талаффузини таъминловчи артикулятсион позитсияларни эгаллаш;

- нутқдаги товушларни тўғри талаффуз қилиш, нутқнинг барча шаклларида барча товушларни тўғри қўллаш.

1. Луғат бойлиги ва грамматик қурилишини ривожлантириш.

2. Боғланган нутқни ривожлантириш.

3.Таълимга коммуникатив тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш.

4. Ўқув фаолиятида тўғри коммуникатив кўникма ва малакаларини шакллантириш.

**«Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлиги»**
**(ФФНР: акустик дисграфия).**

Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигига эга ўқувчилар нутқий фаолиятни етарлича ривожланмаганлиги ва ўқув фаолиятини тўлақонли эгаллаш учун зарур психологик кўникмаларни етарлича шаклланмаганлигини оқибатида турғун қийинчиликларга дуч келишади.

**Нутқнинг фонетик-фонематик компоненти.**

1.1- 2 гуруҳ оппозицион товушларидан 2-5 та товушни бузилиши. Мактабгача таълим муассасасида коррекцион таълим олган болалар товушлар талаффузи меъёрда ёки етарлича тушунарли бўлмаслиги мумкин.

2. Фонематик жараёнларнинг етарлича ривожланмаганлиги.

Болаларда савод эгаллашда сўзнинг товушлар таркибини анализ ва синтез қилиш малакаларининг етарлича шаклланмаганлиги, ёзиш ва ўқиш малакаларини эгаллашдаги қийинчиликлар (турли хил дисграфик хатоликлар) кузатилади.

**Нутқнинг лексик-грамматик компоненти.**

1.Қўпол хатоликларсиз луғат бойлигининг мавжудлиги. Мактабгача таълим муассасасида коррекцион таълим олган баъзи ўқувчиларда сўзларни қўллаш, маъносига кўра сўзларни алмаштириб қўллаш каби хатоликлар кузатилиши мумкин.

2.Нутқнинг грамматик қурилиши меъёрга яқин бўлиши мумкин. Мураккаб синтактик қурилмали гапларда аграмматизмлар кузатилади.

**Психологик хусусиятлари.**

1.Диққатнинг беқарорлиги, диққатни тўплаш қобилиятининг ривожланмаганлиги;

2.Тил ҳолатларига нисбатан кузатувчанликнинг етарли эмаслиги;

3.Сўз- мантиқ тасаввурининг етарли эмаслиг;

4.Сўзли материални эслаб қолиш қобилиятининг етарлича ривожланмаганлиги;

5.Сўзли материалда ўз-ўзини назорат қилишнинг етарли эмаслиги;

6.Ихтиёрий мулоқот ва фаолиятнинг етарлича ривожланмаганлиги;

Бунинг оқибатида ўқув фаолиятининг тўлақонли эгаллаш учун психологик кўникмаларининг етарли эмаслиги, ўқув малакаларини шакллантиришда қийинчиликлар кузатилади.

**Коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари.**

1. Нутқнинг товуш томонини ривожлантириш. Фонематик идрокни ривожлантириш. Фонематик, бўғинли анализ ва синтезни ривожлантириш:

а) ҳар бир алмаштириладиган товушларни таллаффуз ва эшитилиш образларини таққослаш; кўрув, эшитув, тактил, кинетик сезги тушунчалари орқали артикуятсияни ва товушлар талаффузини аниқлаштириш;

б) товушларни бўғинларда ажратиш; товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш (бошида, ўртасида, охирида);
товушнинг бошқа товушларга нисбатан ўрнини аниқлаш (масалан, нечанчи ўринда туради, қайси товушдан кейин ёки олдин талаффуз қилинади ёки эшитилади); гапларда, матнда товушларни ажратиш;

в) алмаштириладиган товушларни таллаффуз ва эшитишга кўра таққослаш. Товушларни фарқлаш ишлари худди ҳар бир товушни талаффуз эшитилишини аниқлаштиришдаги ишлар каби ташкил этилади. Асосий мақсад товушларни фарқлаш, шунинг учун нутқий материал алмаштирилаётган товушлар иштирок этган товушлардан ташкил топиши лозим.

2. Нутқнинг лексик ва грамматик қурилишини ривожлантириш.

3. Боғланган нутқни шакллантириш.

4.Таълимга нисбатан психологик кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш.

5. Тўлақонли ўқув малакаларини шакллантириш.

6.Таълимга коммуникатив тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш.

7.Ўқув фаолиятида тўғри коммуникатив кўникма ва малакаларини шакллантириш.

## Дисграфия турларига тавсифнома

Дисграфиянинг белгилари ёзув жараёнидаги турғун ва такрорланувчи хатоликларда намоён бўлиб, уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: ҳарфларнинг алмаштирилиши ва бузилиши, сўзларда бўғин-товуш таркибининг бузилиши, гаплардаги баъзи сўзларни қўшиб ёзилишини бузилиши, ёзувдаги аграмматизмлар. Баъзан ёзма нутқдаги оғзаки нутқ хатоларини такрорлайди ( товушларнинг нотўғри талаффузи, сўзларнинг нотўғри айтилиши, оғзаки аграмматизм). Дисграфик хатоликлар ҳар бир ўқувчида ҳар хил бўлади, аммо улардаги ўзига хосликлар бир синфдан бошқасига ўтганида сақланиб қолади.

### Дисграфиянинг ўзига хос камчиликларига қуйидагилар киради:

Фонетик характердаги хатоликлар (талаффузига кўра ўхшаш товушларни алмаштирилиши);

Сўзнинг бўғин таркибини бузилиши – унлиларни тушириб қолдирилиши (“китоб”-титоб), ундошларни тушириб қолдирилиши; («парта» - пата), бўғинларни тушириб қолдирилиши («типратикан»- типтикон), бўғинларнинг ўрнини алмаштирилиши («шафтоли» - шафлито);

Битта сўзнинг қисмларини ажратиб ёзиш ва иккита сўзни қўшиб ёзиш;

Грамматик характердаги хатоликлар – қўшимчаларни нотўғри қўллаш ва тушириб қолдириш;

График характердаги хатоликлар – график жиҳатдан ўхшаш ва фазода жойлашишига кўра ўхшаш ҳарфларни ажратиш.

***Артикулятор- акустик дисграфия-*** оғзаки нутқнинг бузилиши билан боғлиқ дисграфия бўлиб, М.Э.Хвацевнинг

таърифига кўра ёзувдаги "тили чучукликдир". Бунда бола сўзларни қандай талаффуз қилса, шундай ёзади. Масалан: бола "китоб" сўзини "к" товушини "т" қилиб талаффуз қилганлиги боис, ёзувда ҳам "титоб" тарзида ифодалайди.

***Фонематик идрокнинг бузилиши асосидаги дисграфия*** бунда фонетик жиҳатидан яқин ҳарфлар алмаштирилади. Бундай вақтда товушлар оғзаки нутқда тўғри талаффуз этилади. Кўпинча қуйидаги товушларни англатувчи ҳарфлар: шовқинли, жарангли ва жарангсиз товушлар улар таркибига кирувчи аффектлар (ч-т, ч-ш) алмаштирилади.Масалан, "Чойнак" сўзи ўрнига "шойнак", "жўжа" ўрнига "чўжа" каби ёзилади.

***Тил анализи ва синтези асосидаги дисграфия***- бунда тил анализи ва синтезининг турли кўринишдаги бузилишлари: гапнинг сўзларга бўлиниши фонематик ҳамда бўғинли анализ ва синтез бузилишлари ётади.

Фонематик анализ тил анализининг энг мураккаб шакли ҳисобланади. Унинг оқибатида сўзнинг товуш – ҳарф тузилиши бузилади. Унга қуйидаги хатоликлар хосдир: сўзларни ўқишда ундошларни тушириб қолдириш ( мактаб- матаб, шамол- амол) унлиларни тушириб қолдириш (сомон- сомн, китоб- китб, парта прта); ҳарфларнинг ўрнини алмаштириш (ручка- урчка, олма-омла ); ортиқча ҳарфлар қўшиш ( шкаф- ишкаф); бўғинларни тушуриб қолдириш, ўрнини алмаштириш, қўшиш ( машина - минаши ) ва ҳакозо.

***Аграмматик дисграфия*** - бунда нутқнинг грамматик тузилиши бузилади, Боғланишли нутқ жараёнида болалар гаплар орасидаги мантиқий ва тилга оид боғланишни таъминлашга анча қийналадилар. Гапларни ёзишда сўздаги қўшимчаларни ёзишда, келишик қўшимчаларини алмаштиришда, гаплар қурилишининг бузилишида намоён бўлади.

***Оптик дисграфия*** - кўриш гнозиси, анализ ва синтез, атрофлича тасаввур этишнинг ривожланмаслиги билан боғланади ҳамда ёзиш ва уларнинг ўрнини алмаштиришда намоён бўлади. Бунда кўпинча график жиҳатдан қўлёзма ҳарфлар алмашади.

Унга қуйидагилар киради: бир хил элементлардан ташкил топган, лекин ҳар хил кўринишда тузилган ҳарфлар ( ч-ш); бир хил элементларни ўз ичига олган, лекин қўшимча элементлари билан бир- бири билан фарқ қиладиган ҳарфлар ( о-ў, г-ғ и-ж,) ; ойнаванд ҳарфлар (б-д, п-к) ; бир хил элемент билан боғланадиган ҳарфларни

элементларини тушуриб қолдирилиши, ортиқча элемент қўшиб ёзиш ва элементлари нотўғри жойлаштирилган ҳарфлар (и- у, м-н) Дисграфия ва унинг турлари, амалга ошириладиган коррекцион ишлар ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

**Дисграфиянинг оптик шаклида қуйидагилар кузатилади:**

Кўрув гнозисининг ривожланмаганлиги;

Кўрув анализи ва синтезининг ривожланмаганлиги;

Мотор координатсияларининг ривожланмаганлиги;

Шакли, ранги, ҳажми ҳақидаги тасаввурларнинг ноаниқлиги;

Тасаввур, хотира ва фазовий идрокнинг ривожланмаганлиги;

Ҳарфлар оптик образининг шаклланмаганлиги.

***Оптик дисграфияда олиб бориладиган коррекцион ишларни икки босқичда амалга ошириш мумкин.***

**Тайёрлов босқичи ва бу босқичда амалга ошириладиган коррекцион ишлар:**

Кўрув идроки ва предметларни танишини ривожлантириш.

Кўрув анализи ва синтезини ривожлантириш.

Кўрув мотор координатсияларини ривожлантириш.

Фазовий идрокни ривожлантириш.

Кўрув фазовий муносабатларни акс эттирувчи нутқий воситаларни ривожлантириш.

**Асосий босқич ва унда амалага ошириладиган коррекцион ишлар:**

Товушлар талаффузи ва уларнинг график тасвири ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш. Ўзаро аламаштириладиган ҳарфларни мустаҳкамлаш (алоҳида, бўғинларда, сўзларда,сўз бирикмаларида , гап ва матнларда ). Ўзаро алмаштириладиган ҳарфларни фарқлашга ўргатиш (алоҳида, бўғинларда, сўзларда, сўз бирикмаларида , гап ва матнларда ).

*Фонематик идрокнинг бузилиши билан боғлиқ дисграфияда қуйидагилар кузатилади:*

Фонетик жиҳатдан яқин товушларни англатувчи ҳарфларни алмаштирилиши

**Фонематик идрокнинг бузилиши билан боғлиқ дисграфияда олиб бориладиган коррекцион ишлар:**

Фонематик идрокни ривожлантириш.

Товушлар талаффузи ва уни акс эттирувчи ҳарфларни мувофиқлаштиришга ўргатиш.

***Артикулятор акустик дисграфияда қуйидагилар кузатилади:***

Нутқда товушларнинг бузиб талаффуз қилиниши;

Фонематик тасаввурларнинг шаклланмаганлиги;

Эшитув идрокининг бузилганлиги.

**Артикулятор акустик дисграфияда амалга ошириладиган коррекцион ишлар:**

Товушлар талаффузини тузатиш.

Фонематик идрокни ривожлантириш.

Оддий ва мураккаб шаклдаги сўзларнинг товуш –ҳарфли анализ синтезига ўргатиш.

Эшитув ва кўрув идроки таянчи билан товушлар талаффузини аниқлаш ва қарама- қарши қўйиш.

Маълум товушларни бўғин, сўз, сўз бирикмаси, гап ва матндан ажратиш.

Товушлар ўрнини бошқа товушларга нисбатан аниқлаш.

***Тил анализи ва синтезининг бузилиши билан боғлиқ дисграфияда қуйидагилар кузатилади:***

Ундошларни тушириб қолдириш;

Унлиларни тушириб қолдириш;

Ҳарфларнинг ўрнини алмаштириш;

Сўзларга ортиқча ҳарфлар қўшиш;

Бўғинларни тушириб қолдириш, ўрнини алмаштириш, қўшиш.

**Тил анализи ва синтезининг бузилиши билан боғлиқ дисграфияда олиб бориладиган коррекцион ишлар:**

Ҳарф ва бўғин даражасидаги ўзига хос хатоликларни тузатиш.

Сўз даражасидаги ўзига хос хатоликларни тузатиш

Сўз бирикмаси, гап ва матн даражасидаги ўзига хос хатоликларни тузатиш.

***Аграмматик дисграфияда қуйидагилар кузатилади:***

1.Боғланишли нутқда гаплар орасида мантиқий ва тилга оид боғланишларнинг бузилиши.

2. Сўзда қўшимчаларни қўллашнинг бузилиши ва алмаштирилиши

3. Гаплар қурилишидаги бузилишлар

**Аграмматик дисграфияни коррекциялашда амалга ошириладиган ишлар:**

Боғланган нутқни ривожлантириш;

Нутқда мантиқий боғликликни ўрнатишга ўргатиш;

Қўшимчалар ва уларнинг аҳамиятини тушунтириш, қўшимчаларни тўғри қўллашга ўргатиш;

Гап тузишга ўргатиш ва гапларда сўзларнинг ўзаро мантиқий боғлашга ўргатиш;

Ёзув қатор ўзаро боғланган махсус оператсияларни бажариш орқали амалга оширилади:

Биринчи оператсия - ёзиш таклиф этилган сўзнинг товуш таркибини таҳлил қилиш, шунингдек, сўздаги товушлар кетма-кетлигини аниқлаш. Бу оператсияни амалга ошириш учун иккита шартни бажариш зарур.

Биринчи шарт: ёзаётган одам сўзни билдирган товушлар қаторини, сўз бошидаги, кейин келадиган товушларни ажратиши керак.

Иккинчи шарт: товушларни аниқлаштириш, бу вақтда эшитилаётган товушларни аниқ нутқий товушлар- фонемаларда умумлаштириш. Бошланғич даврда бу иккала жараён тўлиқ онгли амалга оширилади, кейинчалик улар автоматлашади. Сўзнинг товуш таркибини таҳлил қилишни фақатгина фонематик идрок, фонематик тасаввур етарлича шаклланганда амалга ошириш мумкин. Фонематик идрок - сўз таркибидаги товушларни аниқлаш ва фонемаларни фарқлаш бўйича ақлий фаолиятларни амалга оширишдир.

Д.Б.Элкониннинг фикрича, фонематик идрок тушунчаси остида махсус таълим шароитида шаклланадиган тил товушларини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар тушунилади. Фонематик тасаввур-бу эслаб қолиш ёки тасаввур асосида пайдо бўлувчи образдир.

Бу оператсиянинг шаклланиши атрофдагилар нутқини кузатиш натижасида содир бўлади, болада ҳар бир нутқий товушни идрок этиш қобилияти турлича пайдо бўлади. Болаларнинг фонематик ривожланиши аста-секин амалга ошади: қарама-қарши қўйилган товушларни фарқлай олишдан ( унли-ундош), то сўз таркибидаги товушлар, фонемаларни фарқлаш ва аниқлашгача.

Бундан ташқари, товуш таҳлили суксессив жараён ҳисобланиб, унда сўз таркибидаги товушлар кетма-кетлигини қисқа муддатли хотирада сақлаб қолиши керак. Фақат шундан кейин, сўздан ажратилган ва аниқлаштирилган товуш ҳарфга айлантирилиши мумкин. Маълумки, нутқ эшитув хотирасининг иштирокисиз сўз таркибидаги товушларни таҳлил қилиш имкони

йўқ. Шунингдек, бу босқичда фонематик оператсиялар асоси оператсиялар ҳисобланади.

Аммо, уларни фақат нутқ эшитув хотираси сақланга ҳолатдагина амалга ошириш мумкин. Ёзувнинг иккинч оператсияси-фонемаларни (эшитилган товушларни) графемалар айлантириш бўлиб, айнан шу элементларнинг фазови жойлашувини ҳисобга олган график белгиларнинг кўру схемасидир.

Р. Луриянинг фикрича, ҳар бир фонема ёзилиши учун мо ҳарфга айлантирилиши керак, кейин ишга фазовий муносабатла фазони кўриб идрок этиш талаб этилади ва ҳаракат анализаторлар жалб қилинади. Бу оператсияни амалга ошириш кўрув ва нут кўрув хотирасини сақланганлигини кўзда тутади.

Ёзувнинг учинчи оператсияси- оптик белгиларни графемаларни) кинетик тизимда "шифрлаш", ёзув учун зар кетма-кет ҳаракатлар (графемалар кинемаларга айлантирилади). ҳаракатлар кинетик ва кўрув назорати орқали мустаҳкамланад натижада ёзувчи ёзувни текширишни амалга оширади тузатишлар киритади.

Шу тариқа, ёзувнинг психологик асоси - эшитув, нутқ ҳарак кўрув анализаторлари ва сақланган нутқ- эшитув хотираси, кўру нутқ- кўрув хотираси, ҳаракат хотирасини биргаликдаги иш ҳисобланади .Ўқувчилар ёзма нутқидаги камчиликларнинг ўзи хос хусусиятларни ҳисобга олиш, тўғри ташхис қўйиш ва ёндош кўзланган натижаларга эришиш имконини беради.

Коррекцион ишни ташкил этишда ҳар бир нуқсонни хусусиятларни ва ўқувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларнинг ёзма нутқини ривожлантиришда қуйидагиларни ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим: Майда қўл мускулларини ривожлантириш.

Фонематик идрокни ривожлантириш. Кўрув идрокини ривожлантириш. Хотира хусусиятларини ривожлантириш Фазода мўлжал олишни ривожлантириш

Бу жараёнларни ривожлантиришда ўзига хос иш усуллари ва дидактик ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчиларни машғулотларга қизиқишларини орттиради.

Қуйида бу жараёнларни ривожлантирувчи методикалар, педагогик тавсиялар, дидактик ўйинларни келтирдик. Ушбу методикалар ва тавсиялардан машғулотларда ўзингизни

карашларингиз ва ўқувчиларнинг имконияти, нуқсон турига қараб фойдаланишингиз мумкин.

## Дислексиянинг бир нечта шаклларига тавсиф

Фонематик дислексия болалар 2-4 йил мобайнида тўғри ўқишга ўргана олмаслиги билан характерланади. Баъзилар қийинчилик билан ҳарфларни ўзлаштирадилар ва уларни бўгин, сўзларда боғлай олмайди.

Бошқалар эса, ҳарфларни қийналмасдан ўзлаштиради, аммо, бўғинлар ва сўзларни ўқишда ҳарф улар учун графема ҳисобланмаганлиги туфайли кўп хатоларга йўл қўяди. Фонематик дислексиянинг икки хил шакли мавжуд.

Биринчи шакли бу фонематик идрокни ривожланмаганлиги билан боғлиқ ўқиш бузилиши бўлиб, у ҳарфларни ўзлаштирилишидаги қийинчиликлар, артикулятсион ва акустик белгиларига кўра ўхшаш товушларни фарқлай олмаслигида намоён бўлади.

Иккинчи шакли бу фонематик анализнинг ривожланмаганлиги билан боғлиқ ўқиш бузилишлари. Ўқишда ҳарфлаб ўқиш ва сўзларнинг товуш-бўғин тузилишининг бузилиши кузатилади. Сўзларда товуш-бўғин таркибининг бузилиши кетма-кет келган ундошларни тушириб қолдирилишида, сўзларга унлиларнинг қўшилишида, товушлар ва бўғинларни тушириб қолдирилиши ва ўрнини алмаштирилишида намоён бўлади.

Болаларнинг товушлар ҳақидаги тасаввурлари ноаниқ, нотурғун бўлиб, улар оппозитсион, талаффузига кўра ўхшаш товушларни фарқлашга қийналадилар. Ўқиш жараёнида ўқувчилар товушларни бўғин ва сўзларда боғлашга қийналадилар, ўрганиб бўлган бўғинларини ҳам яхши ажрата олмайдилар.

Сўздаги битта товушни ўзгариши ( пилла-тилла, нон- нок) ёки бўғинларни кетма кетлигини ўрнини алмашиши маъно ўзгаришига олиб келади. Кўпинча бундай болалар жуфт ундошларни эшитишга кўра алмаштиради. Ҳарфлаб ўқиш, сўзда товуш бўгин таркибининг бузилиши кузатилади (ҳарфларнинг тушириб қолдирилиши, қўшилиши, ҳарф ва бўғинларнинг ўрнини алмаштирилиши).

***Семантик дислексияда (механик ўқиш)*** – матнни техник жиҳатдан тўғри ўқишда ўқилган гап, сўзларни тушуниш бузилади. Бунда сўз, гап, матн ўқиш жараёнида бузилмайди.

-Семантик дислексияли ўқувчилар қуйидаги топшириқларни бажаришда қийналадилар :
-Кичик тўхтамлар билан алоҳида товушлар кўринишида берилган сўзларни қўшиб айтишга (л-о-л-а),
-Бўғинлаб берилган сўз ёки гапларни айтишга (қиз-ча ка-па-лак тут-яп-ди).
-Аграмматик дислексияда – сидирғасига ўқиш кўникмаларини шакллантириш поғонасида нутқнинг тизимли бузилиши кузатилади.
Дислексиянинг ушбу шаклида қуйидагилар кузатилади :
Отнинг келишик ва сон қўшимчалари билан ўзгартирилишидаги хатоликлар;
Отларни шахс- сонда ва келишикда нотўғри мослаштириш ;
Ўтган замон 3 шахс қўшимчаларини ўзгартириш бузилиши.

***Оптик дислексия*** – график жиҳатдан ўхшаш ҳарфларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларда намоён бўлади. Оптик дислексияли болаларда кўрув идрокининг бузилиши нутқдан ташқари ҳолатда ҳам кузатилади. Дислексиянинг ушбу шаклида қуйидагилар кузатилади:Ойнаванд ўқиш, сўзлар ўнгдан чапга қараб ўқилади, Ўқишда товуш ва бўғинларнинг ўрнини алмаштирилиши, Битта элементи билан фарқ қиладиган ҳарфлар алмаштирилади, Бир хил элементлардан ташкил топган, аммо фазовий жойлашиши турлича бўлган ҳарфлар алмаштирилади.

***Мнестик дислексия*** – ҳарфларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларда, уларни фарқлай олмасликда намоён бўлади. Болалар 3-5 та қатор қўйилган ҳарфлар ва сўзларни айта олмайди ёки уларни айтишда кетма-кетлигини бузади, уларнинг сонини қисқартиради, товушлар, сўзларни тушириб қолдиради.

**Дислалияда товушлар талаффузини тузатиш бўйича индивидуал ишлар режаси.**

1. Алмаштирилаётган товушлар ва ҳарфларни оғзаки нутқда ва ёзувда фарқлаш.
2. Сўз ясаш кўникмаларини эгаллаш ҳисобига луғат бойлигини ва сўзларни маъносини тушинишини ривожлантириш.
3. Нутқнинг грамматик қурилишини такомиллаштириш (шахс-сон ва келишик қўшимчаларини қўллаш).

4. Боғланган нутқни ривожлантириш, ҳикоя кетма-кетлигини мантиқий тўғри боғлаш, ҳикоя тузиш учун тил воситаларини танлаш.

**Товушлар талаффузи бузилишларида якка ишлаш режаси.**

1. **Просодика:**
   - Нутқнинг интонатсион томонини такомиллаштириш;
   - Овоз модулятсиясини ўргатиш– тез, секин, баланд, паст.
2. **Товушлар талаффузи :**
   - Товушларни нутқга қўйиш [с], [р];
   - [с], [р] товушларини бўғин ва сўзларда мустаҳкамлаш;
   - Товушларни фарқлаш.
3. **Фонематик эшитувни ривожлантириш:**
   - Болани сўзнинг товуш таркибини таҳлил қилишга ўргатиш (сўзда қанақа товушлар бор; унли ва ундошлар ва ҳакозо.);
   - Берилган товушларга мос сўзлар топиш;
4. **Луғат иши:**
   - Фаол луғатига отлар киритиш (мебеллар, транспорт, кийимлар ва бошқалар
   - Фаол луғатига сифатлар киритиш, отлардан сифат ясаш;
   - Антонимлар танлаш (кенг – тор, иссиқ - совуқ).
5. **Нутқнинг грамматик қурилишини ривожлантириш**
6. **Иборавий нутқ: нутқнинг бош бўлаклари иштирокида гап тузишга ўргатишни давом эттириш.**
7. **Боғланган нутқ: сўзлаб бериш кўникмаларини такомиллаштириш.**

## ФФН да якка ишлаш режаси.

1. Тайёрлов босқичи: болани мақсадга қаратилган логопедик жараёнга жалб қилиш.
2. Машғулотда ўзини тутиш қоидаларига, логопед кўрсатмасини бажаришга, фаол мулоқотга киришишга ўргатиш.
3. Ихтиёрий диққати, хотираси, тафаккур операциялари (умумлаштириш, таққослаш) ни ривожлантириш.
4. Фонематик идрокни шакллантириш ва эшитув назоратини ривожлантириш.
5. болани товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш (артикулятсион машқлар).
6. Нутқга товуш қўйиш (тақлид, механик, аралаш усулида).
7. Нутқга қўйилган товушларни мустаҳкамлаш (бўғинларда сўзларда, гапларда, мустақил нутқда).
8. Нутқга киритилган товуш иштирокидаги сўзларни товуш таркибини анализ синтез қилишга ўргатиш.
9. Янги нутқга киритилга товушни акустик жиҳатидан ўхшаш ва бошқа товушлардан фарқлаш.масалан,[с]-[ш]; [с]-[з]; [с]-[ч].

## Турли нутқ нуқсонларига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг тахминий истиқбол режаси

## Фонетик нуқсонга эга бўлган болалар билан олиб бориладиган ишларнинг истиқбол режаси *(Сирғалувчи товушлар)*

| № | Нутқнинг фонематик камчиликларини бартараф этиш бўйича коорексион ишлар мазмуни ва босқичлари | Нутқнинг фонематик тизимини коррекциялаш | Амалда нутқнинг лексик ва грамматик тизимини бойитиш | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| 1. | Тайёрлов босқичи<br>Нутқни, диққатнинг тургунлигини, иш қобилияти, ўз нуқсонига нисбатан муносабатини текшириш. Артикулятсия аъзоларининг номлари билан таништириш. Сирғалувчи товушларни тўғри талаффузи учун тайёрлов артикулятсия машқлари | Нонутқий товушларга эшитув диққатини тарбиялаш. "Товуш", " сўз", "гап" тушунчаларини аниқлаштириш. *Ау, Уа* кўринишидаги бирикмаларни товуш-бўғинли тахлил қилиш кўнималарини ривожлантириш. | | Зарур бўлганда физиологик ва нутқий нафасни, майда қўл мускулларини, кўрув- фазовий тасаввурини ривожлантириш учун ўйинлар киритиш. |
| 2. | ***"С" товушининг тўғри талаффузини тарбиялаш*** | Товушнинг сўздаги ўрни ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш. Сўздаги биринчи ва охирги ундош товушни ажратиш,"с"товушнни сўз боши ва охирида эшита олиш, ***ум, му, мам*** кўринишидаги бирикмаларни товуш-харфли тахлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш. | "С" товуши иштирок этган сўзлар билан луғатини бойитиш хар бир машғулотда амалга оширилади. | |
| 3. | ***" С" товушининг тўғри артикулятсиясини мустаҳкамлаш ва автоматлаштириш:***<br>а) очиқ ва ёпиқ бўғинларда;<br>б) сўз бошида ;<br>в) сўз ўртасида;<br>г) сўз охирида .<br>д) гапларда, мақолларда, шеърларда, хикоя ва мустақил нутқда. | Тўғри талаффуз қилинган ундош товушни сўз ўртасидан ажратиш. Сўз таркибида " С" товуши борлигини эшитувга кўра аниқлаш. "С" товушини сўз боши ва охирида товуш- харфли таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш. | Мавзу:" Боғ", "Идишлар" . Сўз ясаш. Отларни кичрайтириш-эркалаш қўшимчалари билан қўллаш. | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. | *" C" товушининг тўгри артикулятсиясини мустаҳкамлаш ва автоматлаштириш:*<br>а) сўзлар бошидаги очик бўгинларда:<br>б)сўз ўртасидаги очик бўгинларда;<br>в) ёпиқ бўгинларда;<br>г) кетма- кет ундошлар билан келганда<br>д) мақолларда, шеърларда, хикоя ва мустақил нуткда. | Тўгри талаффуз килинган ундош товушни сўз ўртасидан ажратиш. Сўз таркибида " С" товуши борлигини эшитувга кўра аниклаш. "С" товушини сумка, стол, сандик каби сўзларда товуш- харфли таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш. Сўзлардаги товушларнинг кетма-кетлигини аниклаш, " с" товуши сўзда нечанчи, қайси товушдан кейин ёки олдин келяпти. | Мавзу:" Бог", "Идишлар" . Сўз ясаш. Отларни кичрайтириш-эркалаш қўшимчалари билан қўллаш. | |
| 5. | *" С" товушининг тўгри талаффузини мустаҳкамлаш ва бошқа товушлардан фарқлаш* | " С" товушининг нуткда тўгри талаффузини такрорлаш. " С" товушини бошқа товушлар қаторидан ажратиш. | Отларни келишик қўшимчалари билан қўллаш малакаларини ривожлантириш . | |
| 6. | *"З" товушининг тўгри талаффузини тарбиялаш* | Жарангли ва жарангсиз товушлар ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш. "З" товушини бошқа товушлар қаторидан, сўз ва гаплар орасидан эшитиб ажарата олишни ўргатиш. " З" товушининг сўздаги ўрнини аниқлашга ўргатиш. Сўзларни товуш- ҳарфли таҳлилини ривожлантиришни давом эттириш. | Мавзу: "Уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари".Отларнинг кўплик шакллари.<br>Гап тузиш кўникмаларини мустаҳкамлаш. | |
| 7. | *" З" товушининг тўгри артикулятсиясини мустаҳкамлаш ва автоматлаштириш:*<br>а) очиқ ва ёпиқ бўгинларда;<br>б)сўз бошида ;<br>в) сўз ўртасида;<br>г) сўз охирида . | Сўзларнинг товуш-бўгини таҳлилини мустахкамлаш. "З" товушини бошқа товушлар , бўгинлар, сўзлар қаторидан эшитиш, аниқлашга ўргатиш. " З" товушининг сўздаги | " З" товуши иштирок этган сўзлар билан луғат бойлигини кенгайтириш. | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | д) гапларда, маколларда, шеърларда, хикоя ва мустакил нуткда. | ўрини топиш. | | |
| 8. | ***"С" ва "З" товушларининг артикулятсиясини фарқлаш.*** | "С" ва "З" товушларини тўгри артикулятсияси ҳолатларини, фаркларини кўрсатиш, тушунитириш. Жарангли ва жарангсиз ундошлар ҳакидаги тушунчаларни фарқлаш, сўзларнинг товуш- бўгинли таҳлили кўникмаларини мустаҳкамлаш. | " З" товуши иштирок этган сўзлар билан луғат бойлигини кенгайтириш. Сўз ясаш: мураккаб бўғинли сўзлар. | |
| 9. | ***" Ш" товушининг тўгри талаффузини ўргатиш*** | " Ш" товушининг тўгри артикулятсияси ҳолатини ўргатиш, тушунтириш. Нутқий ва нонутқий товушларга таклид қилиш. | | Зарур бўлганда физиологик ва нутқий нафасни, майда қўл мускулларини, кўрув- фазовий тасаввурини ривожлантириш учун ўйинлар киритиш. |
| 10. | ***"Ш" товушининг тўгри талаффузини тарбиялаш*** | Товушннг сўздаги ўрни ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш. Сўздаги биринчи ва охирги ундош товушни ажратиш, "Ш"товушини сўз боши ва охирида эшита олиш, *ум, му, мам* кўринишидаги бирикмаларни товуш-харфли таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш. | "Ш" товуши иштирок этган сўзлар билан луғатини бойитиш хар бир машғулотда амалга оширилади. | |
| 11. | ***" Ш" товушининг тўгри артикулятсиясини мустаҳкамлаш ва автоматлаштириш:*** а) сўзлар бошидаги очиқ бўгинларда; б)сўз ўртасидаги очиқ | Тўғри талаффуз қилинган ундош товушни сўз ўртасидан ажратиш. Сўз таркибида " Ш" товуши борлигини эшитувга кўра | Отларнинг кўплик шаклларини ясаш. Отларни сонга мослаштириш. Боғланган | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | бўғинларда:<br>в) ёпик бўғинларда:<br>г) Кетма- кет ундошлар билан келганда;<br>д) мақолларда, шеърларда, хикоя ва мустақил нутқда. | аниқлаш. "Ш" товушининг шашка, шим, шкаф каби сўзларда товуш-харфли тахлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш. Сўзлардаги товушларнинг кетма-кетлигини аниқлаш, "ш" товуши сўзда нечанчи, қайси товушдан кейин ёки олдин келяпти. | нуткни ривожлантириш ."Ш" товуши иштирок этган сўзлар билан луғатини бойитиш ҳар бир машғулотда амалга оширилади. | |
| 12. | ***"Ж" товушининг тўғри талаффузини тарбиялаш*** | "Ж" товушининг тўғри артикулятсиясини кўрсатиш , тушунтириш, ўргатиш. Сўзда " ж" товуши бор, йўқлигини аниқлашни, "ж" товушининг сўздаги ўрнини аниқлашни ўргатиш. | "Ж" товуши иштирок этган сўзлар билан луғатини бойитиш ҳар бир машғулотда амалга оширилади. | |
| 13 | ***" Ж" товушининг тўғри артикулятсиясини мустаҳкамлаш ва автоматлаштириш:***<br>а) сўзлар бошидаги очиқ бўғинларда;<br>б)сўз ўртасидаги очиқ бўғинларда;<br>в) ёпиқ бўғинларда;<br>г) Кетма- кет ундошлар билан келганда;<br>д) мақолларда, шеърларда, ҳикоя ва мустақил нутқда. | Тўғри талаффуз қилинган ундош товушни сўз ўртасидан ажратиш. Сўз таркибида " Ж" товуши борлигини эшитувга кўра аниқлаш. "Ж" товушини жўжа, жим, жайрон каби сўзларда товуш- ҳарфли таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш. Сўзлардаги товушларнинг кетма-кетлигини аниқлаш, " Ж" товуши сўзда нечанчи, қайси товушдан кейин ёки олдин келяпти. | Отларнинг келишик шаклларини ясаш.<br>Отларни сонга мослаштириш.<br>Боғланган нуткни ривожлантириш ."Ж" товуши иштирок этган сўзлар билан луғатини бойитиш ҳар бир машғулотда амалга оширилади. | |
| 14 | ***"С" ва "Ш" товушларининг артикулятсиясини фарқлаш.*** | "С" ва "Ш" товушларининг тўғри артикулятсияси ҳолатлари фаркларини кўрсатиш, тушунтириш.<br>Жарангли ва жарангсиз ундошлар ҳақидаги тушунчаларни | "" С" ва Ш" товуши иштирок этган сўзлар билан луғат бойлигини кенгайтириш.<br>Сўз ясаш: мураккаб бўғинли сўзлар.<br>Боғланган | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
Мавзу «Товушлар ...»
Мақсад: таълимий, коррекцион, тарбиявий .
Жиҳоз: артикулятсион профиллар, бўғинлар жадвали, пароним-сўзларни таққослаш учун предметли расмлар, сюжетли расмлар, кесма ҳарфлар, график ёзув учун материаллар.

## Машғулотниинг бориши.

Ташкилий қисм.
Артикулятсион машқлар.
У ёки бу товуш учун асосий артикулятсион машқларни бажарилишигина режалаштирилади.
Машғулот мавзусини эълон қилиш.
Фарқланаётган товушларни алоҳида ( хор бўлиб, якка, товушга тақлид қилиш орқали ) айтиш.
Режа бўйича умумий ва турли артикулятсия вазиятларига кўра товушлар талаффузини таҳлил қилиш.
Товушлар тавсифи.
Товуш ва ҳарф ўртасидаги боғлиқлик.
Фонематик эшитишни ривожлантириш.
Товушларни бўғинларда фарқлаш.
Бўғинлар жадфалини ўқиш ёки логопед кетидан такрорлаш.
Бўғинларнинг график таҳлили.
Товушларни сўзларда фарқлаш.
Пароним сўзлар билан ишлаш, сўзларни товуш бўғинли ва график таҳлил қилиш.
Гапдаги товушларни фарқлаш.
Гапларни график ёзилиши билан, алмаштириладиган товушлар мавжуд сўзларни ажратиб таҳлил қилиш , кейин сўзлардан шу товушларни фарқлаш.
Матндаги товушларни фарқлаш.
Уйга вазифа.
Машғулотни якунлаш.
Ўқувчиларни баҳолаш .

## Дисграфияда якка ишлаш режаси.

Гап тузилишини таҳлил қилишни ривожлантириш ( гапдаги сўзлар ўрнини, кетма кетлигини ва сўзнинг гапдаги ўрнини аниқлаш малакасини шакллантириш).
Бўғинли анализ ва синтезни ривожлантириш ( сўздаги унли товушларни ажратиш малакасини ривожлантириш).
Фонематик анализ ва синтезни ривожлантириш ( сўздан товушни ажратиш, товушни сўз бошида ва охирида ажаратиш, сўзларда товушларнинг кетма кетлиги, сонива ўрнини аниқлаш).
Фонематик идрокни шакллантириш ( фонемаларни фарқлаш).
Фазовий идрок, фазовий тасаввурлар, кўрув фазовий анализи ва синтезини шакллантириш. Дизартрияда якка ишлаш режаси
Нутқий мулоқотни ривожлантириш.

*1 – илова*

# НУТҚ ХАРИТАСИ

оланинг фамилияси, исми: ________________________________

________________________________________________

Ӯғилган санаси: ________________________________

________________________________________________

Уй манзили ва телефони:________________________________

________________________________________________

Логопедик гурухга қабул қилинган вақти:____________________

________________________________________________

Қаердан юборилган:________________________________

________________________________________________

ТППК хулосаси:________________________________

________________________________________________

Гурух логопедининг хулосаси:________________________________

________________________________________________

## БОЛАНИНГ ОТА ОНАСИ ХАҚИДА МАЪЛУМОТ.

Онаси:________________________________

________________________________________________

Ёши:________________________________

________________________________________________

Маълумоти ва иш жойи:________________________________

________________________________________________

Отаси :________________________________

________________________________________________

Ёши:________________________________

________________________________________________

Маълумоти ва иш жойи:________________________________

________________________________________________

Оилада бошқа фарзандлар:________________________________

Анамнез:

Боланинг нечанчи хомилалиги:

Боладаги наслий касалликлар:

Оиладаги нутқий мухит:

Онада хомиладорликнинг қандай кечганлиги (жарохатлар, интоксикатциялар, касалликлар):

Туғилишнинг кечиши (вақтидан олдин, вақтида, тез, жуда тез):

Туғилиши билан йиғлаганми:

Асфиксия кузатилганми:

Боланинг бир ёшгача касалликлари:

Ота онасининг шикоятлари:

## ИЛК ПСИХОМОТОР РИВОЖЛАНИШИ.

Бошини тута бошлаган:

Эмаклай бошлаган:

Ўтира бошлаган:

Юра бошлаган:

Биринчи тишлари чиқа бошлаган вақти:

Умумий маторикаси (ҳаракатлари) – гипердинамик, гиподинамик, кординация бузилишларининг мавжудлиги, бир ҳаракатдан иккинчисига ўтишидаги қийинчиликлар.________________________________

______________________________________________________________

______________________________________________________________

______________________________________________________________

## ИЛК НУТҚИЙ РИВОЖЛАНИШИ.

Гугулаши:______________________________________________________

______________________________________________________________

Чугурлаши:_____________________________________________________

______________________________________________________________

Биринчи сўзлар:_________________________________________________

______________________________________________________________

Дастлабки жумлалар:_____________________________________________

______________________________________________________________

Уч ёшгача товуш – бўғин тузилишида кўпол бузулишлар кузатилганми:_____

______________________________________________________________

Имо – ишоралардан фойдаланиши:__________________________________

______________________________________________________________

Оилада икки тилликнинг мавжудлиги:______________________________

______________________________________________________________

## ПСИХОЛОГИК – ЛОГОПЕДИК ТЕКШИРИШ.

**Дастлабки сухбат:**

Исминг нима?___________________________________________

Ёшинг нечада?__________________________________________

Қаерда яшайсан?________________________________________

Кимлар билан яшайсан?___________________________________

Ота – онангнинг исми нима?_______________________________

Қўлингда нечта бармоғинг бор?_____________________________

Битта бармогинни кўрсат:______________________________

Бармоқларингни кўрсат:______________________________

Гавда қисмлари тўғрисидаги тушунчалари (кўрсат ва айтиб бер):______
______________________________________________

## НУТҚНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ.

Нутқи бор йўқлиги:______________________________

Товушга тақлид қилиши:______________________________

Чуғурлаши:______________________________

Айрим бўғинларни талаффуз қилиши: ______________________________

Алохида сўзлар:______________________________

Жумлали нутқ:______________________________

## МАТОРИКАНИ (ҲАРАКАТНИ) ТЕКШИРИШ.

**Қўлнинг ҳаракатлари (маторикаси):**

Қулоқчани кўрсат (2 – 3 бармоқ):______________________________
______________________________________________

Шохчани кўрсат (2 – 5 бармоқ):______________________________
______________________________________________

Доирачани кўрсат (1-2-3-4-5 бармоқ):______________________________
______________________________________________

Тугмани қадаш ва лентани боўлаш:______________________________
______________________________________________

**Умумий маторика:**

Полдаги арқон бўйлаб юриш:______________________________
______________________________________________

Ўнг ва чап оёқларда галма гал сакраш:______________________________
______________________________________________

Коптокни отиш ва икки қўллаб илиб олиш:

Полдаги тўсиқлардан хатлаб ўтиш.

## АРТИКУЛЯЦИОН АЪЗОЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Лаблар: миёрида, қалин, юпқа, ёриқлар:

Тишлар: миёрида, кам, йўқ бўлиши, қийшиқ:

Тил: миёрида, ингичка, катта, юганчанинг калталиги:

Тишламлар: миёрида, прогения, прогнетия, очиқ ва ён очиқ:

Қаттиқ танглай: миёрида, баланд, ясси, тор ва ёриқлар:

**Артикуляция аъзоларининг ҳаракатчанглиги:**

Ҳаракатларнинг хажми: тўлиқ, тўлиқ эмас:

Ҳаракатларнинг аниқлиги:

Ҳаракатлар тонуси:

Ҳаракатларсуръати:

Нутқий нафас:

**Овоз :**

Миёрида, бўғиқ, хирилдоқ, заиф, паст, йўғон, ингичка, манқаланган:

**Нутқнинг суръати:**
Миёрида, секинлашган, тезлашган:

## ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИНИНГ ҲОЛАТИ.

| | С | З | Ш | Ж | Ч | Л | Р | М | Н | Б | П | В | Ф | Т | Д | К | Г | Х | Й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Алохида | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Сўзларда | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Жумлаларда | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

## ФОНЕМАТИК ИДРОКИ.

ПА –БА
ВА – ФА
ТА – ДА
СА – ЗА
ША – ЖА
ЛА – РА
ГА – КА
СА – ША
ТА – ДА – ТА
КА – ГА – КА
СА – СА – ЗА
ГУЛ –КУЛ
КУЗ – ТУЗ
ШИМ – ШИН
СОЧ – ҚОЧ
ОЗ – ОЧ.

БА – ПА
ПА – БА
ДА – ТА
ЗА – СА
ЖА – ША
РА – ЛА
КА – ГА
ША – СА
ДА – ТА – ДА
ГА – КА – ГА
ЗА – ЗА – СА
БАХОР – НАХОР
ТУЯ – КУЯ

## НУТҚНИНГ ЛУҒАТ ЗАХИРАСИ ВА ГРАМАТИК ЎУРУЛИШИНИНҒ ҲОЛАТИ

### 1. Импрессив нутқ.

**От ва фелларнинг тушуниш кўникмаси:**

1. Китобни, айқчани, коптокни қаердалигини кўрсат:________________
2. Қўғирчоқни олиб кел, шкафни оч, китобни олиб кел: ____________
3. Шкафни оч ва унга пирамидачаларни жойла:________________

**Ёрдачи сўзлар (кўмакчиларни) тушуниши:**

***Болага қалам ва китоб берилади ва таклиф этилади***

1. қаламни китобнинг ичига қўй:________________
2. қаламни китобнинг устига қўй:________________
3. қаламни китобнинғ тагига қўй:________________

4. қаламни китобнинг ёнига қўй:______________________

______________________________________________

5. қаламни китобнинг устида ушлаб тур:________________

______________________________________________

**Отларнинг бирлик ва кўплик шакиллари:**
Кубик - кубиклар:________________________________

Гул - гуллар:____________________________________

Мушук - мушуклар:_______________________________

Қуён - қуёнлар:_________________________________

Олма - олмалар:_________________________________

**Кичрайтириш – эркалатиш шакилларини тушуниши:**
**Кўрсат!**
Стул – стулча: __________________________________

Уй – уйча:______________________________________

Қошиқ – қошиқча:_______________________________

Тугма – тугмача:________________________________

**Келишик кўшимчаларининг тушуниши:**______________

______________________________________________

______________________________________________

______________________________________________

**Фел замонларини тушуниши:**
Балиқ тутмоқчи:_________________________________

Балиқ тутяпти:__________________________________

Балиқ тутди:____________________________________

**2. Экспрессив нутқ.**

**Фаол луғат:**
***Қандай овоз чиқаради?***
Мушук:________________________________________

Сигир:_________________________________________

Ит:__________

Хўроз:__________

Ғоз:__________

***Қандай ҳаракатланади?***
Қурбақа:__________

Илон:__________

Балиқ:__________

Қуш:__________

***Гавда қисмларини номлаш:***
Бош:__________

Қўл:__________

Оёқ:__________

Елка:__________

Қорин:__________

Бўйин:__________

Қош:__________

Кўз:__________

Қулоқ:__________

Оғиз:__________

Бурун__________
**Ўйинчоқлар :**__________

**Мевалар:**__________

**Сабзавотлар:**

**Уй парандалари:**

**Уй хайвонлари:**

**Ёввойи хайвонлар:**

**Кушлар:**

**Йил фасиллари:**

**Мебеллар:**

**Идиш – товоклар:**

**Кийимлар:** ______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

**Пояфзаллар:** ______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

**Транспортлар:** ______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

**Касблар:**

______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

**Умумлаштириш:** ______________________________

______________________________

______________________________

______________________________

**Ким нима қилади?**

Шифокор: ______________________________

Ўқитувчи: ______________________________

Ошпаз: ______________________________

Ҳайдовчи: ______________________________

Учувчи: ______________________________

Тикувчи: ______________________________

Сотувчи: ______________________________

Тарбиячи: ______________________________

**Антонимлар:**

Катта: ______________________________

Узун: ______________________________

Баланд: ______________________________

Кенг: ______________________________

Совуқ: ______________________________

Кун: ______________________________

Қуруқ: ______________________________

Тез: ______________________________

Тоза: ______________________________

**Кўмакчи сўзларни қўллаш:** ______________________________

______________________________

______________________________

**Сўзни ўзгартириш:**

***Отларни бирлик ва кўпликда қўллаш***

Китоб: ______________________________

Машина: ______________________________

Уй: ______________________________

Дарахт: ______________________________

**Эркалатиш кичрайтириш формалари:**

Қиз: ______________________________

Куйлак: ______________________________

Кути: ______________________________

Этик: ______________________________

Юлдуз: ______________________________

**Хайвон болаларининг номи:**

Қўй: ______________________________

От: ______________________________

Сигир: ______________________________

Туя: ________________________________________

Эчки: ________________________________________

Эшак: ________________________________________

**Богланган нутқ:**
**Таклиф этилган мавзу бўйича сухбат:** ________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________

**Таклиф этилган предмет бўйича тасвирловчи хикоя тузиш (ўйинчок):** ________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________

**Воқея банд расмлар асосида хикоя тузиш:** ________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________

**Кетма – кет келган расмлар серияси бўйича хикоя тузиш:** ________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________
________________________________________

# ЛОГОПЕДИК ХУЛОСА

*2- илова*

**Логопедик кабинет паспорти намунаси.**

**Логопедик кабинет паспорти.**

______________________________
**Мактаб**

______________________________
**Логопед**

**Қисқача тавсиф .**

Умумий майдони – кв. м.
Кабинетда 1 та педагог ва ____логопат ўқувчилар билан машғулотлар олиб бориш учун иш ўринлари мавжуд.
Логопедик кабинетда 1-7 синф ўқувчилари билан якка ва гурухли машғулотлар ташкил этилади, ўқитувчи ва ота оналар учун маслаҳатлар берилади.

**Логопедик кабинетда олиб бориладиган асосий иш йўналишлари.**

Ўқувчиларни логопедик текшириш; логопедик машғулотлар учун индивидуал режалар ва истиқбол режалри тузиш; якка ва гуруҳли машғулотлар ташкил этиш, ота-оналар ва педагоглар учун маслаҳатлар бериш, ҳужжатлар юритиш.

**Кабинетни жиҳозлаш.**

| № | Жиҳозлар номи | Сони |
|---|---|---|
| 1 | Иш столи | |
| 2 | Ўқувчилар партаси | |
| 3 | Стуллар | |
| 4 | Жиҳозлар учун жавонлар | |
| 5 | Деворга осилган кўзгу | |
| 6 | Алоҳида ишлаш учун кўзгулар | |
| 7 | Кўзгу учун деворга ўрнатилган ёриттич | |
| 8 | Доска | |
| 9 | Совун, сочиқ | |
| 10 | Ноутбук ёки компютер | |

**Логопед ҳужжатлари.**

| № | Жиҳозлар номи |
|---|---|
| 1 | Нутқ нуқсонига эга ўқувчилар рўйхати. |
| 2 | Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини текшириш журнали. |
| 3 | Логопед ёрдамига мухтож болаларни қайд этиш журнали. |
| 4 | Ўқувчилар учун алоҳида нутқ карталари |
| 5 | Логопатлар рўйхати |
| 6 | Логопедик гурухлар бўйича логопатлар рўйхати |
| 7 | Логопеднинг йиллик иш режаси |
| 8 | Гурухли машғулотлар учун машғулот ишланмалари |
| 9 | Якка машғулотлар учун машғулот ишланмалари |
| 10 | Ўқувчилар иш дафтарлари |
| 11 | Логопеднинг машғулотлар жадвали |
| 12 | Ярим йиллик якуни бўйича логопед ҳисоботи. |
| 14 | Логопеднинг йиллик ҳисоботи |

*3-илова*

## Мактаб бўйича логопатларни қайд этиш журнали.

| № | Ўқувчининг Ф.И.Ш | Синфи | Туғилган вақти | Яшаш манзили | Текширилган вақти | Логопед хисоботи | Қайд этилган вақти | Чиқарилган вақти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Каримова Лола | 1-а | 25.6.11 | Наврўз - 21 | 03.9.18 | ФН (ротатсизм) | 15.9.18 | 25.5.19 |
| 2 | Давронов Азиз | 2-б | 16.4.10 | 4 -26-36 | 04.9.18 | Дисграфия | 15.9.18 | |
| 3 | Воҳидов Акбар | 1-а | 14.5.10 | Мустақиллик 34 | 10.9.18 | ФФН, дизартрия | 15.9.18 | |

*4-илова*

**ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**___-ёрдамчи мактаб директори :**
**________________А.С. Икрамов**

__ сентябр 202__ йил

**«Текширилди»**

ЎИБДЎ ______________
(Ф.И.О.)

**3-«Б» синф ўқувчилари билан олиб бориладиган логопедик машғулотлар жадвали**
202__ - 202__ ўқув йили

| Душанба | Ўқувчилар Ф.И. | Чоршанба | Ўқувчилар Ф.И. | Жума | Ўқувчилар Ф.И. |
|---|---|---|---|---|---|
| 12-10-12-30 НТР 20 дақиқа. якка | Алиев Нодир | 12-05-12-25 НТР 20 дақиқа. якка. | Алиев Нодир | 11-10-11-30 НТР 20 дақиқа гуруҳли. | Азизов Карим Илёсов Наби Абдиева Лола |
| 12-35-12-55 НТР 20 дақиқа гурух . | Азизов Карим Илёсов Наби Абдиева Лола | 12-30-12-45 НТР 20 дақиқа гурух . | Азизов Карим Илёсов Наби Абдиева Лола | 12-10-12-30 НТР 20 дақиқа. якка. | Алиев Нодир |
| 13-00-13-40 Дисграфия 40 мин группа | Абдуллаева Ниҳола Алиев Нодир Азизов Карим Илёсов Наби Абдиева Лола | | | 13-00-13-40 Дисграфия 40 мин группа | Абдуллаева Ниҳола Алиев Нодир Азизов Карим Илёсов Наби Абдиева Лола |

5-илова

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

___-ёрдамчи мактаб директори:

____________________В.М.Каримов

- сентабр 20___ йил

**1-“Б”, 2-“Б”, 3-“Б”, 4-“Б”-синфдаги нутқида нуқсони бўлган ўқувчилар учун логопедик машғулотлар жадвали 20 -20 -ўқув йили**

| № | Дарс | Вақти | Дақиқа | Синфи | Гуруҳи | Машғулот тури |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Душанба 11:10 – 13:35** | | | | | | |
| 1 | 5-с | 11:10 – 11:30 | 20 | 4-“Б” | ФФНР | Якка |
| 2 | | 11:35 – 11:55 | 20 | 4-“Б” | ФФНР | Якка |
| 3 | 6-с | 12:00 – 12:20 | 20 | 1-“Б” | НТР | Якка |
| 4 | | 12:25 – 12:45 | 20 | 1-“Б” | НТР | Якка |
| 5 | 7-с | 12:50 – 13:10 | 20 | 3-“Б” | ФФНР | Якка |
| | | 13:15 – 13:35 | 20 | 3-“Б” | ФФНР | Якка |
| **Сешанба 10:25 – 13:25** | | | | | | |
| 1 | 4-с | 10:25 – 11:05 | 40 | 3-“Б” | Дисграфия | Гуруҳли |
| 2 | 5-с | 11:10 – 11:30 | 20 | 4-“Б” | ФФНР | Якка |
| 3 | | 11:35 – 11:50 | 20 | 4-“Б” | ФФНР | Якка |
| 4 | 6-с | 11:55 – 12:15 | 20 | 1-“Б” | НТР | Якка |
| 5 | | 12:20 – 12:35 | 20 | 1-“Б” | НТР | Якка |
| 6 | 7-с | 12:40 – 13:00 | 20 | 2-“Б” | НТР | Якка |
| 7 | | 13:05 – 13:25 | 20 | 2-“Б” | НТР | Якка |
| **Чоршанба 11:10 – 13:20** | | | | | | |
| 1 | 5-с | 11:10 – 11:50 | 40 | 1-“Б” | НТР | Гуруҳли |
| 3 | 6-с | 11:55 – 12:15 | 20 | 2-“Б” | НТР | Якка |
| 4 | | 12:20 – 12:35 | 20 | 2-“Б” | НТР | Якка |
| 5 | 7-с | 12:40 – 13:20 | 40 | 4-“Б” | Дисграфия | Гуруҳли |
| **Пайшанба 09:35 – 12:45** | | | | | | |
| 1 | 3-с | 09:35 – 09:55 | 20 | 3-“Б” | ФФНР | Якка |
| 2 | | 10:00 – 10:15 | 20 | 3-“Б” | ФФНР | Якка |
| 3 | 4-с | 10:25 – 10:45 | 20 | 2-“Б” | НТР | Якка |
| 4 | | 10:50 – 11:05 | 20 | 2-“Б” | НТР | Якка |
| 5 | 6-с | 11:10 – 11:30 | 20 | 1-“Б” | НТР | Якка |
| 6 | | 11:35 – 11:55 | 20 | 1-“Б” | НТР | Якка |
| 7 | 7-с | 12:00 – 12:20 | 20 | 4-“Б” | ФФНР | Якка |
| 8 | | 12:25 – 12:45 | 20 | 4-“Б” | ФФНР | Якка |
| **Жума 11:10 – 13:25** | | | | | | |
| 1 | 5-с | 11:10 – 11:30 | 20 | 3-“Б” | ФФНР | Якка |
| 2 | | 11:35 – 11:50 | 20 | 3-“Б” | ФФНР | Якка |
| 3 | 6-с | 11:55 – 12:15 | 20 | 1-“Б” | НТР | Якка |
| 4 | | 12:20 – 12:35 | 20 | 1-“Б” | НТР | Якка |
| 5 | 7-с | 12:40 – 13:00 | 20 | 2-“Б” | НТР | Якка |
| 6 | | 13:05 – 13:25 | 20 | 2-“Б” | НТР | Якка |
| **Шанба 11:10 – 13:20** | | | | | | |
| 1 | 5-с | 11:10– 11:50 | 40 | 2-“Б” | Дисграфия | Гуруҳли |
| 2 | 6-с | 11:55 – 12:15 | 20 | 3-“Б” | ФФНР | Якка |
| 3 | | 12:20 – 12:35 | 20 | 3-“Б” | ФФНР | Якка |
| 4 | 7-с | 12:40 – 13:00 | 20 | 4-“Б” | ФФНР | Якка |
| | | 13:05 – 13:20 | 20 | 4-“Б” | ФФНР | Якка |

**Логопед:**

*6– илова*

___ мактаб логопеди ____________________ нинг
Ф.И.Ш

20___ -20___ - ўкув йили учун

**Ҳисоботи**

| 20__ йил сентабрда 1-7 синф ўкувчилари текширилди | 20___ -20__ - ўкув йилининг бошида логопедик машғулотларга та ўкувчи жалб қилинди . | Ёзма нутқ бузилишлари (дисграфия, дислексия) | ФФН | НТР | ФН | Дудуқланиш | Ринолалия | Дизартрия |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Улардан | | | | | | | |
| 20___ -201__ ўкув йилининг биринчи ярим йиллигида логопедик машғулотлар рўйхатидан чиқарилди. | | | | | | | | |
| | Улардан | | | | | | | |
| 20__-20__ ўкув йили охирида | Машғулотлар давом эттирилиши учун қолдирилди | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

**Логопед** ______________________________
**(Ф.И.О.)**

*7 –илова*

**Ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини текшириш даврида логопеднинг амалга оширган ишлари ҳисоботи.**

| Сана | Вакт | Амалга оширилган ишлар |
|---|---|---|
| 02.09.2018 | 9-00 – 13-00 | Логопедик кабинетда хужжатлар билан ишлаш. Текшириш учун зарур материаллар, нутқ карталарини тайёрлаш. |
| 05.09.2018 | 10-00 – 14-00 | 1 синф ўкувчиларини текшириш |
| 06.09.2018 | 10-00 – 14-00 | 2 Асинф, ўкувчиларини текшириш. |
| 07.01.2019 | 10-00 – 12-30 | Шаҳар илмий-амалий конференсиясида иштирок этиш. |

*8 -илова*

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

**___-ёрдамчи мактаб директори :**

**___________________В.М.Каримов**

__ сентябр 202__ йил

**__________шаҳар ___- ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб логопеди**
**_______________________________________нинг**

**20___ - 20___ ўқув йили учун**

# ИСТИҚБОЛ РЕЖАСИ

| № | Олиб бориладиган ишлар мазмуни | Муддати |
|---|---|---|
| 1. | Мактаб ўқувчиларнинг огзаки ва ёзма нутқини текшириш. | 2-18.09.<br>15- 25. 05. |
| 2. | Логопедик машғулотларга жалб қилинган ўқувчиларни гуруҳларга ажратиш | |
| 3. | Логопедик ҳужжатларни тартибга солиш:<br>А) нутқ карталарини тўлдириш;<br>Б) логопедик ишларни режалаштириш ( йиллик, 1-7 синфларда дисграфик, дислексиклар билан олиб бориладиган истиқбол режани, 1- синфлардаги фронтал машғулотлар режасини тузиш) | |
| 4. | Ўқувчи логопатлар билан логопедик машғулотларни жадавал асосида бошлаш:<br>А) 1-синфда фронтал машғулотлар<br>Б) товушлар талаффузини бартараф этиш бўйича якка , кичик гуруҳли<br>В) дисграфик , дислексиклар билан гуруҳлар, кичик гуруҳларда . | 20.09. дан<br><br>Ҳафтада бир марта<br><br>Ҳафтада 2 марта |
| | **Логопедик машғулотларни ўқитувчилар, тарбиячилар, ота- оналар ўртасида тарғиб қилиш бўйича тадбирлар .** | |
| 1. | Дарслар ва дарсдан ташқари тадбирларда нутқи нуқсонларини бартараф этиш бўйича методик ёрдам кўрсатиш мақсадида иштирок этиш. | Ўқув йили давомида |
| 2. | Ўқитувчи, тарбиячи, ота - оналарни нутқий иш жараёни ва унинг натижалари билан доимо таништириб бориш. Мактаб ва уйда бир хил нутқий режимга эришиш. | Ўқув йили давомида |
| 3. | 2- синфда очиқ машғулот ўтказишга тайёрланиш ва ўтказиш | |
| 4. | Логопедик машғулотларга ўқитувчи, тарбиячи ва ота- оналарни таклиф этиш.. | Ўқув йили давомида |
| 5. | 1 – 7 синф ўқиш дарсларидаги нутқий дақиқалар учун нутқий материаллар танлаш | Ўқув йили давомида |

| | | |
|---|---|---|
| 6. | Кичик ҳикоялар, гап тузиш, шеър, топишмоқ, мақол, тез айтишларни ёдлаш бўйича ишларни давом эттириш. | Ўқув йили давомида |
| | **Ўқувчи – логопатларда она тилига қизиқиш, унинг бойлиги ва ифодалилигига муҳаббат уйғотиш.** | |
| 1 | Логопедик машғулотни кўргазмали, мусиқали, бадиий адабиётлардан , дидакатик ўйинлардан, АКТ дан фойдаланиб қизиқарли ташкил этиш. | Ўқув йили давомида |
| 2. | Мантиқий машқлар учун доимий равишда расмлар билан ишлаш | Ўқув йили давомида |
| 3. | Ишнинг интерфаол, ноанъанавий методларини қўллаш: театрлаштириш, куйлаш, рақс, ҳаракатли ўйинлар, дидактик ўйинлар ва ҳакозо. | Ўқув йили давомида |
| 4. | Майда қўл моторикасини, тактил сезгиларни ривожлантириш учун жисмоний дақиқалар, " бармоқлар театрини" ни давом эттириш. | Ўқув йили давомида |
| 5. | Нутқ устида ишлаш жараёнида асосий эътиборни мантиқий тафаккур, эшитиш, кўриш идроки, хотирани ва логопад шахсини тўлиқ ривожлантиришга қаратиш лозим. | Ўқув йили давомида |
| 6. | Ишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш | Ўқув йили давомида |
| | **Логопедик кабинетда олиб бориладиган ишлар** | |
| 1. | Логопедик кабинетни болалар адабиёти, ўйинчоқлар, дидактик ўйинлар билан бойитиш | Ўқув йили давомида |
| 2. | Машғулотлар учун зарур кўргазмали қуроллар, ўйинчоқлар тайёрлаш. | Ўқув йили давомида |
| | **Малака маҳоратини ошириш бўйича ишлар** | |
| 1 | Янги методик адабиётларни кузатиб бориш. Мактаб кутубхонаси билан доимий алоқада бўлиш | Ўқув йили давомида |
| 2 | Малакали ўқитувчи – дефектологлар ишини ўрганиш. | Ўқув йили давомида |

**Логопед:** ______________________

## Илк ёшдаги болаларда нутқнинг меъёрида ва нуқсонли ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари.

Оилада фарзанд ўсяпти. Унинг етук, баркамол, яъни соғлом ва бақувват ўз имкониятларидан ҳар томонлама фойдалана оладиган инсон бўлиб етишишини истаймиз. Шундай экан, бола қандай ривожланмоқда? унинг нутқий ривожланиши кечикмаяптимикан? деган саволларни беришимиз лозим.

0-3 ойлик даврда биринчи ойнинг охирларига келиб болада кўриш ва эшитиш қобилияти пайдо бўлади: у ҳар лаҳзада ўз нигоҳини бирор нарсага ёки атрофидаги катта ёшдагиларнинг юзларига қаратади ва сўзлаётган кишининг овозига қулоқ солиб туради. Асосийси, чақалоқ онаси билан «сўзлашувга» киришади; онанинг эркалашларига эътибор қилади. Сўзлашувчиларнинг оғизларига қараб туради. Лабларини бир оз олдинга чўзади, баъзида табассум ҳам қилади.

Чақалоқ онага юзларини буриштиради, оғриқни, қорни очганини йиғи билан, мамнунликни жилмайиш ва ўзига хос овозлар чиқариш билан, қуйингки, ўзига яраша барча истакларини тегишли имо-ишоралар билан билдириб туради. Айни пайтда нордон, шўр, аччиқ ва ширин озиқ-овқатларга нисбатан юзларини буриштириб туради. Ётган ўрни хўл бўлганда эса ижирғанади ёки йиғлайди. Хуллас она гўдакнинг соғ-саломатлиги ёки бетоблигини, мамнунлиги ёки нималарга эҳтиёж сезаётганини кўриб, сезиб туради.

Иккинчи ойида бола ҳаракатдаги нарса ёки катта ёшдагиларнинг юзларини ясси юзада аниқ кўра олади ва уларни сергаклик билан кузата боради. Овозларга эътибор қилади, сўнг эса товуш манбаини топишга интилиб, бошини ўша томонга буради. Учинчи ойида чақалоқ катта ёшдагилар Билан мулоқотга киришиб, «сўзлашиш»га ҳаракат қилади.. Бола сўзлашувда фаоллик кўрсатиб ўзига нисбатан диққат-эътиборни талаб қила бошлайди, яъни у билан муомала тўхтатилса, йиғлай бошлайди, онаси кўздан яширинган томонга қараб туради ва унинг овозини эшитиши билан тинчланади. Боланинг қичқириқлари аста-секин унинг турли ҳис-туйғули ҳолатларини (қувонч, ранжиш, норозилик, ҳайрат) ифодалайдиган даражага етади.

4-ойга келиб бола онасини аниқ танийди, уни атрофдагилардан ажрата олади, унинг пайдо бўлишидан хурсанд бўлиб, кетиб қолишидан ранжиб чақиради. Чақалоқ ўзига эътибор

талаб қилади, табассумлар, овозлар шаклидаги мулоқотга ташаббус кўрсатади, сўзлашишни тўхташишга қарши норозилик билдиради.

5 ойлик чақалоқ бегона одамлардан ҳадиксирайф бошлаши мумкин. Аввалига уни диққат билан ўрганади ва шундан сўнг табассум қилиши ёки аксинча қўрқиши ва мулоқотни хушламаслиги кузатилади. 6 ойлик чақалоқ онасига талпинади, уни мулоқотга тортади. Нотаниш одамлар билан мулоқотга дарров киришавермайди, балки бундай мулоқотга ҳохиш билдириб киришади. Бола атрофдаги буюмларга фаол қизиқади, айниқса унинг эътиборини янги, нотаниш буюмлар жалб қилади. Ўйинчоқни оғзига тортади ёки уни силкитади. Бекилган ўйинчоқни излайди. Болада қисқа гувурлаш («ба-ба», «нга-нга») лар пайдо бўлиши мумкин.

7-9 ойлик гўдак ўз хонадони аъзоларини бошқалардан фарқлай бошлайди, яқинларига турлича муносабат кўрсатиб, уларнинг товушларини ажратади. Унинг қилиқлари ифодали, турли туман бўлиб, ҳар хил ҳис-ҳаяжонли ҳолатлар: шодлик, хайрат, тортинчоқлик, уялиш, қўрқув, норозилик, ҳафагарчилик кабиларни акс эттиради.

Гўдак овозлар билан ўз ҳис-ҳаяжонларини ифодалаб, ўзига керак бўлган нарсани товуш ва ҳаракатлар ёрдамида кўрсатади (масалан, уни қўлга кўтаришларини, бирон ўйинчоққа қараб ва талпиниб, уни беришларини, ўйинчоқни полга қўйишларини талаб қилади).

Ниҳоят, гўдакда гувурлаб гапириш лаёқати ва эҳтиёжи пайдо бўлади ва у "нана-аа", "да-да-да", "мам-ма-ма" каби баъзи бўғинларни такрорлай бошлайди. Катта ёшдагиларнинг сўзлари ва ибораларига тақлид қила бошлайди. Гўдак бундай «гувирлаш» ни турли оҳангда талаффуз этади.

Гўдак 9 ойлигида бирон предмет номини эшитганда, «қаерда?» деган саволга нигоҳ ёки қўл билан кўрсатиб беради. Масалан, «Ойинг қани?», "ака қани?", "чироқ қани?" каби саволларни тушунади. «Мумкин эмас», «беринг», «оғизчангизни очинг» каби сўзларга ҳам эътибор беради. Катта ёшдагиларни завқини келтирадиган ҳатти-ҳаракатларни такрорлайди.

10-12 ойлик бола энди катталар айтган сўзнинг маъносини яхши тушуна бошлайди. Албатта, бу ўринда катта ёшдаги кишининг ўз нутқини юз ҳаракатлари, имо-ишоралар ва овоз ифодалари билан давом эттириши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

10 ойлик гўдак сўз илтимосига кўра 4-5 ҳаракатни, 11 ойда эса 5-7 ҳаракатни, 12 ойда 10-12 ҳаракатни бажара олади. У юздаги аъзоларни, атрофдаги буюмларни ва кишиларни кўрсата олади. Шунингдек, гўдак ўз хоҳиш-истаги тўғрисида яхши маълумотлар бера олади. Бунда у 10 ойликда 1-2 тагача, 12 ойликда 3-4 тагача имо-ишора, юз ифодалари, товушлар ва гувурлашлардан фойдаланади. Бунда у айрим бўғин ва сўзларни талаффуз эта олади ва катта ёшдагиларнинг қилиқларига тақлид қилади. «хайр, кўришгунча», «йўқ», «ҳа-ҳа» каби ибораларнинг мазмунини тушунади ва имо-ишорадан фойдаланиб ўз фикрини билдира олади.

Ҳис-ҳаяжонли ўйинлар («ўйнанг ҳо ўйнанг», «бекинмачоқ» кабилар) ни катта ёшдагилар билан бирга ўйнайди. Бола бир ёшга етганда соғлом бола баркамол ўсиши учун керак бўлган барча имкониятлар мавжуд бўлиши лозим. Маълумки, ёш боланинг ривожланаётган миясининг қабул қилиш имкониятлари ниҳоятда кучли бўлиб, ривожланишга мойилдир. Дастлабки тарбия икки асосий мақсадга қаратилади.

Биринчидан, боланинг ақлий ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратишни талаб этади.

Иккинчидан, боланинг ижтимоий ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитлар барпо этиш ва унда шахснинг фаоллик, қизиқувчанлик, атрофдаги оламга ишонч, одамларга инсоний муносабатлар кўрсатишдек хусусиятларни тарбиялашга йўналган бўлади.

Олимларнинг кўрсатишларича, онанинг муносабати - эътибори, қўллаб-қувватлашлари, эркалашлари, яъни она меҳр-муҳаббати деб аталадиган барча нодир фазилатлар боланинг меъёрий руҳий ривожланишида улкан эмоционал омилдир.

Башарти бола ота-она томонидан зарур парвариш кўрмаса, меҳр-муҳаббатга тўла ғамхўрликка сазовор бўлмаса, она ва атрофдаги яқинлари уни эркалаб бағрига босмаса, ғамхўрлик кўрсатмаса у ҳолда унда ишончсизлик, умуман оламга, жумладан, инсонларга нисбатан қўрқув ва шубҳа уйғона боради. Бинобарин, у ўзининг бундан кейинги ҳаётида ҳам ишончсизлик туйғусидан қутула олмаслиги мумкин.

Демак гўдак ҳаётининг ҳар бир кунида атроф муҳит тўғрисида ахборот олиб бориши, муайян дилимларга эга бўлиб бошириши ҳамда улардан муайян масалаларни ечишда фойдалана олиш қобилиятини эгаллаб бориши керак. Бола ҳаётининг илк даврида

бундай билимларга эга бўлишда бола ва она ҳамда бола ва яқин атрофдагилар билан турли мулоқот усуллари муҳим аҳамиятга эга. Башарти бундай шарт-шароитлар бажарилмаса, айтайлик, бола ҳамма вақт ярим қоронғу ва тинч хонада, усти ёпиқ бешикда ётқизиб қўйилса, ундаги билиш қобилиятларининг ривожланиши тўғрисида баҳс юритишнинг ўзи маъносиздир.

Онанинг бола билан тўғри мулоқот усулларига амал қилиши, ўз боласини атрофдаги оламни фаол кузатиб боришга ўргатишда етарли шарт-шароитларни ярата олиши учун, унинг ўзи мазкур соҳага оид билимлар ва кўникмаларга эга бўлиши муҳимдир. Бу эса, ўз навбатида, она камол топган маданий-маънавий муҳит, миллий анъаналар ва уйда қарор топган урф-одатлар билан ҳам белгиланади.

Шубҳасиз, ота-оналарнинг шахсий хатти-ҳаракатлари, махсус адабиётлардан олган билимлари бола ҳам тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Бир ёшдан икки ёшгача бўлган болаларнинг ривожланишида каттагина ўзгаришлар рўй беради.

Бола ҳаётининг иккинчи йили бир қанча хусусиятларига қараб, қуйидаги икки босқичга бўлинади: 1 ёшдан 1 ёшу 6 ойликкача бўлган давр ва 1 ёшу 6 ойликдан 2 ёшгача бўлган давр. Бу босқичларнинг ҳар бирида болалар тарбиясининг конкрет вазифалари ва услубий усуллари бир қадар турлича бўлади. Бола ҳаётининг бу даврида асаб тизимининг иш қобилияти ортади, шунга кўра 1 ёшу 6 ойликда боланинг уйғоқлик даври кунига 4-4,5 соатга узаяди. Шартли рефлекслар анча тез шакллана бошлайди. Лекин унинг диққати ҳозирча беқарор бўлиб қолаверади.

Шу билан бирга бола бирор нарсага ўрганиб қолса, турмуш шароитидаги ҳар қандай ўзгаришларни оғир кечиради. Қарор топган шартли рефлексларнинг бузилиши асаб жараёнларининг нисбатан кам ҳаракатчанлигига ва шу ёшдаги болаларда тормозловчи жараёнларнинг ҳали суст ривожланишига олиб келади.

Бу ёшдаги соғлом бола тарбиясининг шарт-шароитлари қулай бўлса, у серҳаракат, қувноқ бўлиб ўсади, атрофдагилар билан мулоқотга киришиши осон бўлади, кўп илжаяди, кулади. Болалар ўзларининг атрофидаги нарсаларга жуда қизиқиб қарайди, теварак-атрофда, катталарнинг кийим кечагида рўй берган андак ўзгаришларни ҳам сезади.

Таълим-тарбия тўғри бериб бориладиган бўлса, ҳаётнинг биринчи йилида болаларда мустақилликка интилиш яққол ифодаланади. Болалар ҳаётининг биринчи йили охирида қандай кўникмалар пайдо бўлган бўлса, иккинчи йилнинг биринчи ярим йилида ўша кўникмалар мукаммаллашиб, мустаҳкамланиб боради. 1,5 ёшдан 2 ёшгача бўлган даврда дастлаб ҳосил бўлган кўникмалар янада ривожланиб, сифат жиҳатидан янгилари пайдо бўлада ва янгидан-янги қобилиятлар шакилланиб боради.

Асаб тизимининг қобиляти ортади. Фаолият анча тартибга тушиб қолади. Бола 1 ёшу 6-8 ойлик бўлганидан кейин янги шарт-шароитларга осонроқ мослаша бошлайди. Фаолият жараёнида теварак-атрофни идрок этиши мукаммаллашиб боради, теварак-атрофни бола анча аниқ, тўғри идрок этадиган бўлиб қолади. Бу ёшдаги болани атрофда рўй берган ҳар қандай ўзгариш ҳам ўзига жалб қилади.

Аввалига бола ҳаракат қилаётган, овоз чиқараётган ва кўзга ташланадиган рангли нарсаларни сезади, кейин атрофда рўй берган бир мунча нозик ўзгаришларни ҳам пайқайди – онасини тақиб олган зирагини, унинг янги туфлисини ва бошқаларни сезадиган бўлиб қолади.

Иккинчи йилнинг бошида боланинг диққат эътибори ихтиёридан ташқарида бўлади; шунга кўра, у бир нарсадан бошқасига чалғийверади, лекин ёши улғайган сайин аста-секин ва муайян тарбиявий таъсирлар остида болада ихтиёрий диққатни пайдо қилиш, диққатни бир жойга тўплаш кузатилади. Хотира ҳам болаларда фаолият жараёни давомида ривожланиб боради. Масалан; мушукни кўриб «миёв», дейди. Хамширани кўриб «дик-дик», дейди (касал бўлганда укол қилганини эслайди).

Кейинчалик сўз ҳам худди шундай хотираларни пайдо қилади. Масалан; болага «Бувингга борамиз» дейиладиган бўлса, бувисини эслаб шодланади. Бола ўйинчоқларни олиб қўйишганини, кийимлари қаерда туришини эсда сақлайди. Нутқнинг ривожланишида жуда муҳим ўзгаришлар рўй беради. Ҳаётнинг иккинчи йили болалар нутқи шаклланиб, тез ривожланиб борадиган давр бўлиб, бу уларнинг ақлий жиҳатдан ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Бола ҳаётининг иккинчи йилида унинг нутқи икки босқичда ривожланади.

Биринчиси – 1 ёшдан 1,5 ёшгача бўлган давр. Бу даврда боланинг нутқи шаклланиб боради, у алоҳида сўзлардан иборалар,

гапларга ўта бошлайди. Берилган саволларга тўлиқ жавоб туза олади.

Иккинчиси – 1,5 ёшдан 2 ёшгача бўлган даврда сўз бойлиги тез ортиб, нутқдан фаол фойдаланиш қобилияти ривожланади. Хуллас болада атрофдагиларнинг нутқини тушуниш малакаси билан бир вақтда фаол нутқ малакалари ҳам ривожланиб боради. Боланинг луғат бойлиги 1,5 ёшдан кейин тез ортиб боради ва 2 ёшга тўлганида 300 га яқин сўзни ишлатадиган бўлиб қолади. 2 ёшга келиб нутқ болаларнинг катталар билан асосий алоқа воситаси бўлиб қолади.

Болаларнинг бутун эмоционал ҳолати, фаоллиги, ривожланиши катталарнинг улар билан нечоғли ўйнаши, сўзлашиб туришига, қандай муомилада бўлишига ва нималарни ўргатишига бевосита боғлиқдир. Уч ёшга қадам қўйган боланинг нутқи бошқалар билан тез-тез алоқа боғлаб туриши ва махсус машғулотларда иштирок этиши натижасида тез ривожланади, нутқ билан эса тафаккури ҳам жадал ривожланиб боради.

Бола бевосита ўз атрофидаги нарсаларга, ўз кечинмаларига алоқадор бўлган катталар нутқининг маъносини яхши тушунади. Бола билан унинг ўтмиши таассуротлари тўғрисида ҳам гаплашса бўлади. Бола тез-тез такрорланиб турадиган айрим ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишни тушуниб, хулосалар чиқариб, таққослаб боради. Сўз бойлиги орта бориб, бола уч ёшга тўлганда 1200-1300 сўзни ташкил этади.

Бола ҳамиша тўғри бўлмаса-да, деярли барча сўз туркумларини ишлатади. 3 ёшли бола оддий ёйиқ гапларни эмас, балки қўшма ёйиқ гапларни ҳам ишлатади. Кичикроқ шеър ва ашулаларни, эркалама ва овутмачоқларни осонгина эслаб қолади.

Улар ўйин ва машғулотлар вақтида кўп гапирадилар ва ўз ҳаракатларини кўпинча ҳеч кимга мурожаат қилмасдан нутқ билан бирга қўшиб олиб борадилар (яъни ўзлари билан ўзлари сўзлашадилар). Болалар ва катталар ўртасида нутқ воситасида боғланадиган алоқа ҳам анча кенгайиб, бойиб боради.

Нутқ ва алоқа (мулоқот) ҳам фаолиятнинг алоҳида турлари бўлиб қолади – болалар ҳикоя тинглашни яхши кўришади, катталар билан сўзлашишни ёқтиришади, қофияларни ўйлаб топишади. Агар ҳаётининг иккинчи йилида болалар бир-бирлари билан алоқа (мулоқот) қила бошлаган бўлсалар, уч ёшга келиб уларнинг шу алоқаси кучайиб бирмунча хилма-хил ва мураккаб шаклларга

киради. 2-2,5 ёшдан ошган, хусусан яхши гапирадиган болалар ўзаро тез-тез алоқада (мулоқотда) бўладилар.

Нутқий ривожланишда камчиликка эга илк ёшдаги болалар учун тилни фонетик-фонематик ва лексик-грамматик тизим сифатида ўзлаштиришнинг дастлабки босқичлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- гувлаш даври чўзилиб кетган бўлади;
- алоҳида сўзларни талаффуз этиш, мазмунини тушуниш жараёни ҳам кечикиб кетади ва боланинг ёшига мос келмайди, талаффуз қилиш кўникмалари ривожланмаган бўлади, бунинг сабаби болада дизартрия, ринолалия, дисфония каби оғир органик бузилишлар билан боғлиқ бўлади;
- бола сўзларни катталар ортидан механик тарзда такрорлайди, бироқ мустақил нутқда уларни қўллай олмайди, бу эса атрофдагилар билан мулоқотга киришишни қийинлаштиради;
- катта кишининг саволига жавоб бериш ўрнига бола савол оҳангини қайтаради;
- артикуляция аппарати жиддий шикастланиш билан кузатиладиган оғир нутқ бузилишларида хириллаб овоз чиқариш ҳоллари ҳам кузатилади.

Шу ўринда овоз пайчаларининг патологиясига батафсилроқ тўхталиб ўтиш лозим. Нутқ ривожланишидан аввалги даврда овоз функцияси, нутқий нафас ва артикуляцион моториканинг шаклланишида кузатиладиган бузилишларнинг кенг тарқалган турларидан қуйидагиларни кўрсатиш лозим: - марказий нерв тизими ёки артикуляцион аппаратнинг периферик бўлимларининг пренатал, натал ва постнатал патологияси билан боғлиқ бузилишлар;

- паталогик туғруқ пайтида реанимацион чора-тадбирларни ўтказиш (боланинг юқори нафас йўлларидан шилиқни сўриб олиш, томоқ ва трахеяни интубация қилиш, асфиксиядан чиқариш) билан боғлиқ ҳолда овоз пайчалари ёки бутун лоренгиал бўлимнинг жароҳатлари сабабли келиб чиққан бузилишлар;
- бола ҳаётининг биринчи йилида бошдан кечирган оғир соматик асоратлар (сурункали лорингит, отит, бронхит, пневмония, энцефалит ва ҳ.к.);
- болаларнинг илк ёшида эшитиш, кўриш ва интеллектидаги айрим бузилишлар алоҳида гуруҳга бирлаштирилади. Ушбу бузилишларнинг алоҳида белгиларини бу ёшда дарров аниқлаб

олиш жуда мушкул бўлиб, улар нутқдан олдинги даврда коммуникацион шарт-шароитларнинг шаклланишига маълум салбий таъсир кўрсатади.

Бир ёшга келиб, болар церебрал фалажи, руҳий ривожланишнинг орқада қолиши, аутизм, миопатия, таянч-ҳаракат аппарати бузилишларининг асосий шаклларининг клиник белгилари аниқ намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси марказий ва периферик нутқ аппаратининг бузилишига сабаб бўлади, бу эса илк ёшдан бошлаб нутқнинг ривожланмаслигига олиб келади. Илк ёшдаги болалар нутқининг ривожланмаганлик даражаси баҳолашнинг асосий мезонларини келтирамиз.

Булар:

- вербал ва новербал мулоқотнинг асосий амалий жиҳатларининг ўзлаштирилганлиги;
- ўзига қаратилган нутқни тушуниши (ўз исмини билади, оддий саволларни тушунади, оддий илтимос ёки буйруқларни тушунади ва бажаради);
- гувлаш даврининг хусусиятлари ва тугалланиш вақти;
- тақлидий сўзларнинг пайдо бўлиши (“би-бип”, “қу-қу”, “миёв”, “бобов” ва ҳ.к.) нутқий мулоқотнинг дастлабки босқичига ўтиш вақти;
- чайнаш ва ютиш кўникмаларининг шаклланганлиги.

Логопед томонидан аниқланган ва юқорида қайд этилган нутқ шаклланишига ва кейинчалик мулоқотга тўсқинлик қилувчи ривожланишдаги ҳар қандай бузилишлар ва камчиликлар, шунингдек талаффузни қийинлаштирадиган нутқий нафас олиш, артикуляцион ва овоз аппаратидаги бузилишлар ўз вақтида коррекцион-логопедик иш олиб борилишини, ота-оналар билан суҳбатлар ўтказилишини талаб этади. Шунингдек бундай нуқсонларни аниқлаган логопед боланинг ўз вақтида бошқа мутахассислар (невропатолог, лор, сурдолог) кўригига боришини ҳам таъминлаши зарур.

**Илк ёшдаги мураккаб нуқсонли болаларнинг таснифи.**

Бола ривожланишида иккита бирламчи бузилиш бирга келганда, бундай ҳоллар мураккаб бузилиш деб аталади. Яққол ифодаланган куришнинг бузилиши ва БЦФ, карлик ва БЦФ, карлик ва кўрлик, кўрлик ва нутқ бузилиши, ақлий қолоқлик ва яққол ифодаланган кўришнинг бузилиши, заиф кўриш ва карлик, заиф

кўриш билан карлик ва ҳаракатларнинг бузилиши ва ҳ.к. мана шундай бузилишлар сирасига киради.

Ривожланишдаги айнан мана шундай аниқ-аён ифодаланган бузилишлар мураккаб камчиликлар сифатида болаларда имкон даражада эрта ташхисланиши лозим.

Айрим ҳолларда болада турли даражада ифодаланган ҳамда ривожланишда анча чекинишларга олиб келадиган учта ва ундан ортиқ бирламчи бузилишлар бирга келган ҳоллар ҳам учрайди: масалан ақлий жиҳатдан орқада қолган заиф кўрадиган кар болалар. Боланинг сенсор ва ҳаракатланиш соҳасига таъсир қиладиган марказий нерв тизимининг чуқур шикастланиши битта болада бир қатор бузилишларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Мураккаб бузилишларнинг бундай оғир ҳоллари кам учраса-да, улар шифокор ва логопедларнинг бундай ҳолларга ҳам тайёр бўлишларини талаб этади.

Одатда болада туғилиши биланоқ унинг ривожланишида аниқ ифодаланган битта бузилиш аниқланади вавақт ўтиши билан унга қўшилиб келган иккинчи, учинчи камчилик аниқланади.бунинг сабаби бола туғилиши билан биринчи аниқланган камчиликнинг оғирлиги ҳамда иккинчи камчиликни ташхислаш қийинроқ экани билан белгиланади.

Масалан, туғма кўрлик дарров аниқланади, эшитишдаги бузилиш эса маълум вақт ўтгач, боланинг нутқи орқада қолиши кузатилганидан кейин аниқланади.

Ёки, масалан, бола ҳаракатларидаги оғир туғма бузилиш унинг кўришда ва эшитишда камчилиги борлигини аниқлаш имконини бермайди. Бундан ташқари айрим ҳолларда ривожланишдаги иккинчи бузилиш биринчисига бола улғайган сари қўшилиб боради, чунки у аста-секин кучая боради ва ўзини аста-секин намоён этади.

Шунинг учун ҳам илк ва мактабгача ёшдаги болаларда мураккаб бузилишларни аниқ ташхислаш ғоят қийин кечади. Агар бола ривожланишидаги бузилиш маълум бўлса ҳамда у текширишлар натижасида аниқланганидек мураккаб бузилишга олиб келиши мумкин бўлса, бу ҳолда бундай болаларнинг ҳаммаси туғилиши биланоқ ҳавфли гуруҳга мансуб деб ҳисобланиши керак.

Хусусан, бу гуруҳга вақтидан анча олдин туғилган (ва замонавий тиббиёт ютуқлари туфайли сақлаб қолинган) чала болалар, оналари ҳомиладорлик пайтида қизилча, цитомегаловирус

инфекцияси, токсоплазмоз, сифилис каби касалликларини бошидан кечирган болалар, қанд касаллиги, буйрак касалликлари, тарқоқ склероз, гепатит ва бошқа шу каби сурункали касалликлар билан оғриган оналарнинг болалари, мураккаб бузилишларга эга бўлган кишиларнинг туғилиши кузатилган оилаларда туғилган барча болалар мана шундай гуруҳга мансубдирлар. Бола ривожланишида мураккаб бузилишларга олиб келиши мумкин бўлган касалликларнинг сабаблари ва хусусиятларини билиш ушбу бузилишиларни ташхислашда, ҳавфли гуруҳга мансуб болаларни ажратиб олишда ҳамда уларнинг ривожланишини диққат билан кузатиб боришда катта ёрдам бериши мумкин. бунда шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, экзоген сабабларга боғлиқ синдромларда одатда бузилишнинг барча белгилари бир пайтнинг ўзида намоён бўлиши мумкин.

Ирсий сабабаларга боғлиқ синдромларда эса турли тизимларга мансуб бўлган бузилишларнинг клиник белгилари турли вақтда намоён бўлади. Болаларни ягона ялпи текшириш дастури қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: ҳар бир болани биринчи марта мурожаат қилишдаёқ мажбурий тиббий ва психолого-педагогик текшируви; мураккаб бузилишга эга бўлган боланинг кўриши ва эшитишини муттасил такроран текшириб бориш; ривожланишда бузилишга эга бўлган ҳар бир болани муттасил такроран психолого - педагогик текширувдан ўтказиш; ривожланишда камчилиги бор ҳар бир боланинг оиласини генетик текширувга юбориш.

Мураккаб бузилишга эга бўлган болаларни ташхислаш ва аниқлаш муаммоси бу янги ва оғир муаммодир. Бу муаммони ҳал қилишга киришган мутахассисларга тиббиёт, генетика, махсус педагогиканинг турли соҳаларида, махсус ва клиник психологиянинг барча соҳаларида кенг билимлар керак бўлади. Айниқса сенсор бузилишга эга (кар, кўр ва кар-кўр) болаларни ўрганиш ва ўқитиш соҳасидаги билимлар кўпрок талаб қилинади.

Мураккаб бузилишларга эга бўлган барча болаларга тегишли мактабгача махсус педагогика энди юзага келмоқда. Ҳозирча шундай болаларни тарбиялаш ва ўқитишнинг айрим индивидуал йўллари мавжуд холос.

Болаларнинг ривожланишидаги мураккаб бузилишлар таснифи. Ривожланишдаги мураккаб бузилишлар турлича

бирикмада намоён бўлади. Ҳозирда уларнинг камида 20та тури маълум.

Булар сенсор, интеллектуал, ҳаракат, нутқий ва эмоционал бузилишларнинг турли бирикмалари бўлиши мумкин. Масалан, кўриш ва эшитишнинг бузилиши, кўриш ва нутқ бузилиши, кўриш ва ақлий камчилик, кўриш ва ҳаракат бузилиши.

Болаларда кўриш ва эшитишнинг аниқ ифодаланган аралаш бузилишларни қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1) буткул кар ва кўрлар;
2) заиф эшитадиган кўрлар;
3) заиф кўрадиган карлар;
4) заиф кўрадиган заиф эшитадиганлар.

Кўришда ва нутқида бузилиш бўлган болалар орасида қуйидаги гуруҳларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) кўр аналиклар;
2) заиф кўрадиган аналиклар;
3) нутқи тўлиқ ривожланмаган кўр болалар ва ҳ.к.

Кўриши ва ҳаракатларида бузилишлар кузатилган болалар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1)мустақил ҳаракатлана олмайдиган кўр болалар;
2) БЦФ қолдиқлари бўлган кўрлар.

Мактабгача ёшдаги, айниқса илк ёшдаги болаларда бузилишларнинг ифодаланганлик даражасини аниқлашда бу иш тахминий ёки шартли характер касб этишини ҳамма вақт эсда тутиш керак.

Бу ёшда болалар тез ривожланади ва шунинг учун, бир томондан, ўз вақтида кўрсатилган тиббий ва махсус педагогик ёрдам мавжуд бузилишларни компенсация ёки коррекция қилиши мумкин бўлса, иккинчи томондан, ушбу бузилишлар ривожланиши ва боланинг ҳолати ёмонлашиши мумкин.

Масалан, вақтидан анча олдин туғилган, кўришида катта бузилиш аниқланган бир ёшгача чала боланинг эшитиш ҳолати объектив ташхисланганда, аниқ ифодаланган эшитишдаги бузилишлар мавжудлиги ҳам аниқланиши мумкин, бироқ бола бир ёшдан ошгандан кейин такроран ўтказилган текшириш эшитишдаги бузилишлар анча енгил тус олганини ва ҳатто бола нормал эшита бошлаганини кўрсатиши мумкин.

Бундай болаларни тарбиялаш тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай ҳолатларда ўз вақтида тўғри танланган ва қўлланган

эшитиш аппаратлари улардан вақтинча фойдаланган пайтда ҳам ижобий натижа беради, чунки чуқур сенсор депривация эҳтимолини камайтиради.

Яна бир мисол: кўр туғилган ёки иккала кўзнинг туғма катарактаси эрта намоён бўлганидан кўр бўлиб қолган боланинг илк ёшда ўтказилган операция натижасида кўриш қобилияти тикланиши мумкин. Кўриш қобилиятини тўри ривожлантириш учун бола кўзойнак тақиши лозим (унда икки жуфт кўзойнак бўлиши керак – доимий тақиб юриш учун ва яқин масофада ўтказиладиган машғулотлар учун), кейинчалик эса унга сунъий кўз гавҳари қўйиш бўйича операция ўтказилиши мумкин. Замонавий кўз жарроҳлиги бошқа кўз касалликларида ҳам кўришни анча яхшилаш имкониятига эга.

Даволаш йўлларини яхши танлаш, тўғри тарбия усулларини қўллаш натижасида церебрал фалажининг оғир шакллари дучор бўлган болаларда, кондуктив қулоғи оғир болалар ва ҳ.к. ҳам ижобий силжиш кузатилган.

Бундан ташқари мактабгача ёшдаёқ ҳаракат, кўриш, эшитишни жадал ёмонлаштирадиган ирсий синдромлар ҳам маълум. Масалан, иккала кўз нервларининг туғма атрофияси ва қанд диабетида нормал эшитиб туғилган болада нейросенсор карлик юзага келиши мумкин.

Туғма узоқни яхши кўрмайдиган ва қулоғи оғир туғилган болаларда (Маршалл синдроми) мактабгача ёшдаёқ кўз пардасининг буткул кўчиши кузатилган ҳоллар ҳам маълум. Шундай қилиб, мураккаб бузилишларга эга болаларни ҳар бир мавжуд камчиликнинг ифодаланганлик даражасига қараб гуруҳларга ажратилиши бундай болалардаги асосий муаммони аниқлаш ва шунга кўра уларнинг таълим ва тарбияси дастурини тузиш имконини беради.

Бунда бузилган функциялар ҳолатининг ўзгаришини муттасил кузатиб бориш ва ушбу фунцияларнинг келгусида нафақат яхшиланиб боришига, балки ёмонлашиб бориши ёки бошқа бузилишларнинг белгилари намоён бўлиши мумкинлигига ҳам тайёр туриш лозим. Бузилишларнинг юзага келиш вақтига кўра мураккаб бузилишлар бир вақтда ва турли вақтда юзага келган болалар гуруҳларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу каби ҳолатлар турлича намоён бўлади.

Бу, масалан, илк ёки мактабгача катта ёшда бола менингоэнцифалит билан оғриганидан кейин бир вақтнинг ўзида юзага келган кўриш ва эшитишдаги бузилишлар (кўр ва карлик) бўлиши мумкин. Ёки бўлмаса, эшитиш ва кўриш қобилиятининг турли вақтда йўқотилиш ҳолати бўлиши мумкин (битта бузилиш туғма, иккинчиси эса жароҳатланиш ёки тез ривожланувчи ирсий касаллик оқибатида юзага келади).

Бошқа ҳолларда бу тугма кўрлик ва кейинроқ олинган умуртқа жароҳатланиши оқибатидаги ҳаракатсизлик бўлиши, кўриш қобилиятининг тез ривожланаётган бузилиши ва нейрофиброматоз натижасидаги ақлий қолоқлик бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар рўёхатини яна давом эттириш мумкин.

Аммо келтирилган мисоллар ҳам қуйидаги хулосага келиш имконини беради: мактабгача ёшдаги болаларда кузатиладиган мураккаб бузилишларни таснифлашдаги бундай ёндошув мураккаб дефектларнинг бир маромда кечмаслигини, бундай болалар ривожланишдаги бузилишларга кўра бир гуруҳдан иккинчисига ўтиши мумкинлигини англаб етишга ёрдам беради.

Бузилишлар юзага келиш вақтини ҳисобга олиш сенсор бузилишларга эга болалар учун айниқса муҳимдир: кар бўлиб қолган болалар учун касаллик юзага келган вақтда уларнинг нутқлари қанчалик шаклланганлиги, кўр бўлиб қолган болалар учун эса уларни атроф муҳитда ҳаракатланишга ўргатишда таяниш мумкин бўлган кўриш тажрибалари ғоят аҳамиятли.

Мураккаб бузилиш намоён бўлган ёш бўйича болаларни учта гуруҳга ажратиш мумкин: туғма ёки эрта эга бўлинган камчиликли болалар; ривожланишдаги бузилиш кичик ёшида намоён бўлган болалар; мактабгача катта ёшда орттирилган бузилишларга эга болалар.

Боладаги туғма бўлган ёки жуда эрта орттирилган бузилиш унинг ривожланиш жараёнини ниҳоятда қийинлаштиради ҳамда бундай боланинг бутун ҳаёти давомида турли йўналишдаги мутахассисларнинг катта диққат-эътиборини талаб қилади. Боланинг аралаш оғир бузилишлар билан туҳилиши унинг оилада тарбияланиш имконияти тўғрисидаги муаммони уўндаланг қўяди.

Одатда айнан шундай болалар махсус меҳрибонлик уйлари ва клиникаларига келиб тушадилар, уларнинг бу ердаги ривожланиш истиқболлари эса деярли йўқ даражада. Ота-оналар туғилиши

биланоқ тарбиялашдан воз кечган мураккаб бузилишга эга биронта бола муваффақиятли ривожланган ҳолатлар маълум эмас.

Ёш ўтиши билан орттирилган мураккаб бузилишга эга боланинг ривожланиш хусусиятларини (бузилиш содир бўлган вақтдаги психологик ёши, бу даврга келиб эришган билимлари ва кўникмаларини) аниқлаб олиш жуда муҳимдир.

Масалан, маълумки, кейинроқ кўриш ва эшитиш қобилиятини йўқотган бола туғма кўр ва кар болага нисбатан ривожланишда анча устунликка эга. Туғилганидан нормал ривожланган ва 2-3 ёшга келиб кўрмай ва эшитмай қолган болада йирик ва майда моторика, предметлар билан ўйнаш хатти-ҳаракатлари шаклланган бўлиши, у атроф муҳитда тўғри йўл топа олиши, катталар билан эмоционал, имо-ишора ва хатто нутқий мулоқот тажрибасига эга бўлиши керак.

Маълумки, 5-6 ёшлик боланинг интеллектуал, шахс сифатидаги ва нутқий ривожланиши бутунлай бошқа даражада бўлади ва уни офат айнан мана шу ёшда қувиб етса, бутунлай бошқача вазият юзага келади.

Бу ёшдаги нормал ривожланаётган болада барча предметлар, белгилар ва ўзаро муносабатлар муайян сўзларнинг маънолари билан анча аниқ ва дифференциаллашган ҳолда боғланган бўлади ҳамда уларнинг образлари боланинг кўз ўнгида турмаган бўлса ҳам, сўзлар ёрдамида онгида тикланади.

Предметлар, белгилар, муносабатларнинг номлари анча умумлашган ва бир пайтнинг ўзида дифференциаллашган асосга эга бўлади.

Бу ёшдаги боланинг ҳар бир сўзи ортида тасаввур турмоғи лозимки, айнан у сўзнинг мазмун ва маъносини бойитган ҳолда янада аниқлашиб, кенгайиб ва умумлашиб боради.

Бу ёшда болада кўриб умумлаштириш қобилияти юзага келади ва ривожланади ҳамда убўлажак тушунчалар асосини ташкил этади. Хуллас, болада ҳаракат билан боғлиқ нутқ образли фикрлашга ўтади.

Беш ёшга келиб, боланинг одат тусига кирган кундалик фаолиятида ўз хатти-ҳаракатларини сўз билан режалаштиришэлементлари юзага келади.

Ва бундай ҳолларда, агар касаллик анализаторларнинг периферик бўлимларига тегиб ўтиб, мияни шикастламаган бўлса, боланинг кичик ва ўрта мактабгача ёшга келиб эришган барча

ҳаётий тажрибалари бузилиш содир бўлганидан кейин ҳам унинг келгуси ривожида муваффақиятли қўлланиши мумкин.

Бошқа томондан, мактабгача ёшда орттирилган мураккаб бузилиш боланинг келгусидаги ривожланишини анча орқага суриб қўйиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олмай бўлмайди.

Боланинг хулқ-атвори кескин ўзгариши, катталар билан алоқаси ниҳоятда қийинлашиб кетиши ва тенгдошлари билан муносабатлар бутунлай бузилиши мумкин. Боланинг ёши қанча катта бўлса, ўзаро мулоқот ва атроф муҳитда ҳаракатланишнинг одатдаги тартиби тўсатдан бузилиб қолган пайтларда оғир реактив ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимоли шунча юқори бўлади.

Муҳит билан бузилган алоқалар қанчалик муваффақиятли тикланаётганига қараб, боланинг ривожланиш истиқболлари ҳақида маълум ҳукм чиқариш мумкин бўлади.

Бунинг учун боланинг касалликдан олдинги психик ривожланиш хусусиятлари ҳақида мавжуд барча маълумотларни синчковлик билан тўплаш ҳамда сақланиб қолган сезги органларидан фойдаланиб, йўқотилган алоқаларни ўз вақтида тиклашни бошлаш ғоят муҳим. Болаларда кузатиладиган мураккаб бузилишларни таснифлашда юқорида келтирилган ёндашувлар бундай бузилишлар вариантлари нақадар кўплигини кўрсатиб турибди. Бироқ бузилишларнинг бундай хилма-хил намоён бўлишида болаларнинг асосий тоифаларини ажратиб олиш мумкин: сақланиб қолган потенциал ривожланиш имкониятига эга болалар ва ақлий қолоқ болалар. Яъни булар – мустақил фаол ақлий фаолиятга қодир болалар ва атрофдагиларнинг муттасил ғамхўрлиги ва тўлиқ қарамоғига мухтож болалар. Мураккаб бузилишларга эга ҳар бир алоҳида боланинг потенциал ривожланиш имкониятлари тўғрисидаги масалани эса фақат унинг таълим ва тарбияси жараёнида ҳал қилиш мумкин.

## Илк ёшдаги мураккаб нуқсонли болалар нутқ камчиликларининг сабаблари, белгилари.

Бош миядаги нутқ зоналарининг шикастланганлиги ёки ривожланмай қолганлиги, анализаторлараро мураккаб тизимнинг яхши шаклланмаганлиги ва фаолиятининг сустлиги бола ҳаётининг дастлабки йилларида унинг ривожланишини бузадиган ва бунга тўсқинлик қиладиган салбий омиллардир.

Бундай болаларга ўз вақтида психологик-педагогик, коррекциялаш ёрдамини кўрсатиш учун уларнинг руҳий ва ижтимоий ривожланишидаги нуқсонларни мумкин қадар эрта аниқлаш, илк ёшдаёқ бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтга қадар республикамизда бу муаммони ҳал этишга доир илмий асослар мавжуд эмас.

Уч ёшгача болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ва диагностикаси яқиндагина ишлаб чиқилди (Л.Р.Мўминова таҳрири остида), бироқ нуқсонларни ўрганиш, таснифлаш, сабабларини таҳлил этиш коррекцион ишларни йўлга қўйиш бўйича илмий изланишлар яқин келажакда қилинадиган ишлар қаторига киради.

Нутқий камчилик тузилиши ва компенсацияси жараёнлари кўп ҳолларда мия зарарланиши қачон рўй берганлиги билан белгиланади. Бир бутун мия ривожланиши аномалиясининг характери маълум миқдорда жароҳатланиш муддатига боғлиқлиги ҳозирги кунда исботланган (Лебединская).

Турли хил зарарли омиллар таъсири остида бош миянинг бирмунча оғир зарарланиши, одатда эрта эмбриогенез даврида юзага келади. Тахминларга кўра, хомиладорликнинг 3-4 ойларида бош миянинг зарарланиши, бош мия тузилишининг бир мунча кенгроқ ўзгаришларини юзага келтиради.

У ёки бу зарарли омил нерв тизимининг қайси бўлимларига бирмунча жадал таъсир кўрсатган бўлса, шунга кўра ҳаракат, сенсор, нутқий ёки интеллектуал функциялар ўз ривожланишида орқада қолади. Хомиладорликнинг кечиши давомидаги доимий ноқулай шарт-шароитлар туфайли, бирмунча яққол ифодаланган алоҳида мия тизимлари билан бирга бир бутун яхлит мия ривожланмаганлиги ҳам кузатилади.

Бу мураккаб нуқсонларнинг юзага келишига асос бўлиб хизмат қилади. Мия ривожланмаганлиги ёки зарарланишини келтириб чиқарувчи сабаблар ичида ҳомиладорлик даврида онанинг инфекциялари ёки интоксикациялари, токсикозлар, туғрук жароҳати, асфиксия, резус омил бўйича она ва ҳомила қонининг мос келмаслиги, марказий нерв тизими касалликлари ва бола ҳаётининг дастлабки йилларида бош мия жароҳатлари бирмунча кўп учрайди.

Нутқ бузилишлари, шу жумладан, нутқ ривожланиши орқада қолишининг юзага келишида наслий омиллар алоҳида ўрин тутади.

Бундай ҳолларда нутқий нуқсон, ҳатто аҳамиятсиз туюлган зарарли омиллар таъсири остида ҳам юзага келиши мумкин.

Жароҳатланиш вақт билан боғлиқ ҳолда ҳомиладорлик патологияси, туғруқ жароҳати билан боғлиқ марказий нерв тизими бузилишлари ва бола туғилганидан сўнг инфекциялар ва жароҳатлар таъсири натижасида юзага келувчи постнатал зарарланишларга ажратилади.

Нутқ ривожланиши орқада қолиши этиологиясида перинатал энсефалопатия – хомиладорлик даври сингари туғруқ даврида ҳам зарарли омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида юзага келувчи мия зарарланиши, алоҳида ўрин тутади.

Марказий нерв тизимининг резидуал – органик жарохатланишда икки асосий турдаги бузилишлар ажратилади:

дизонтогенетик – маълум структуралар ва физиологик тизимнинг ривожланмаганлиги ёки улар шаклланишининг муддатидан орқада қолиши оқибати сифатидаги бузилиш:

бундай бузилишларга нутқ ривожланишининг орқада қолиши мисол бўла олади; энсефалопатик – марказий нерв тизими у ёки бу тузилишининг зарарланиши оқибати сифатидаги бузилиш, бу бузилишларга нутқий ва ҳаракат камчиликлари, шунингдек, бошқа камчиликлар, масалан, алалия, заиф эшитувчи, ақли заиф, руҳий ривожланишнинг орқада қолиши ва бошқалар мисол бўла олади.

Нутқнинг анатомик-физиологик механизмларини, яъни нутқ фаолиятининг тузилиши ва ишлаш жиҳатидан ташкил этилишини билиш, биринчидан, нутқнинг мураккаб механизмини нормада тасаввур қилиш, иккинчидан, нутқ патологияси (бузилиши) таҳлилига дифференциал ёндошиш;

учинчидан, тузатувчи таъсир йўлларини тўғри белгилашга имкон беради. Нутқ бузилишларини ўрганиш, тушуниш учун бола нутқининг нормал ривожланиш йўлини, бу жараённинг ўзига хос хусусиятларини, нутқнинг муваффақиятли шаклланишида катта роль ўйновчи шароитни билиш лозим.

Бундан ташқари бола нутқининг ривожланиш даврларини аниқ билиш зарур. Бу эса нутқнинг ривожланиши жараёнидаги у ёки бу камчиликларни ўз вақтида билиш ва аниқлаш учун керак бўлади.

Болаларда нутқий нуқсонларнинг қуйидаги асосий сабабларини кўрсатиш мумкин:

1. Эмбрион ривожланиш давридаги турли хил патологиялар;

2. Хомиладорлик вақтидаги токсикозлар, вирусли ва эндокрин касалликлар, жароҳатлар, қоннининг резус-факторга мос келмаслиги;

3. Туғруқ вақтидаги шикастланиш ва асфиксия;

4. Бола ривожланишининг биринчи йилидаги бош мия касалликлари (менингит, энцефалопатия).

5. Миянинг чайқалиши билан бирга содир бўладиган бош мия жароҳатлари.

6. Наслий факторлар. Бундай ҳолларда нутқ бузилишлари умумий нерв тизими бузилишларининг бир қисмини ташкил этиб, интеллектуал ва ҳаракат камчиликлари билан бирга кузатилади.

7. Ижтимоий-маиший шароитнинг ёмонлиги. Бу ҳолат микроижтимоий педагогик қаровсизликка, вегетатив дисфункцияга, эмоционал-иродавий муҳитнинг бузилишларига ва нутқнинг ривожланмай қолишига сабаб бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар, айрим ҳолларда уларнинг биргаликда қўшилиб келиши нутқнинг турли томонларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Турли нутқ бузилишларининг ривожланишини олдиндан аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Агарда бола нутқининг нуқсони илк ёшида аниқланса, бу унга тиббий ва педагогик коррекция ёрдамида мактабда тўлақонли таълим олиш имконини беради.

Нутқ ривожланиши орқада қолган болаларни эрта аниқлаш ишлари биринчи навбатда оилавий муҳит яхши бўлмаган оилаларда ўтказилади.

Бундай оилаларга қуйидагилар киради:

1. У ёки бу нуқсонга эга бўлган бола бор оила;

2. Ота-оналарнинг бирида ёки иккаласида физиологик эшитиши бузилган, ақли заифлик, шезофрения касаллиги бор оилалар;

3. Ҳомиладорлик вақтида юқумли касалликлар, оғир токсикоз ўтказган аёл бор оилалар;

4. Эмбрионлик даврида гипоксияни, туғрук вақтида асфиксия, жароҳат ёки нейроинфекцияни бошидан кечирган, ҳаётининг биринчи ойларида бош мия жароҳатлари олган бола бор оилалар.

## Илк ёшдаги болаларни логопедик кўрикдан ўтказиш методикаси.

Илк ёшдаги болаларни логопедик текширишдан мақсад боланинг нутқий ривожланиши унинг ёшига, интеллектуал

ривожланишига мослиги, нутқидаги бузилишларни аниқлаш ва нутқнинг хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Илк ёшдаги болаларни логопедик текшириш жараёнида қуйидаги вазифаларамалга оширилади:

- боланинг нутқи ривожлангунгача бўлган давр хусусиятлари ва илк нутқий ривожланиш аниқланади ва тавсифланади;
- импрессив (нутқни тушуниш) нутқнинг ривожланиш даражаси аниқланади ва тавсифланади;
- экспрессив нутқнинг (фаол нутқ) ривожланиш даражасини аниқланади ва тавсифланади;
- нутқ бузилишлари дифференциал ташхисланади;
- нутқ пайдо бўлгунга қадар ва юзага келгандан сўнг ривожланиш даражаси боланинг руҳий ривожланишига мослиги, мувофиқлиги аниқланади;
- логопедик коррекциянинг мос шарт-шароитлари аниқланади;
- ота-оналарга нутқида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш юзасидан маслаҳатлар берилади.

Текширишни бошлашдан аввал ота-оналарга анамнез саволлари анкета тарзида берилди.

***Ота-оналар билан ўтказиладиган саволлар***

1.Боланинг фамилияси исми ____________________

2.Ёши (ой, сана, туғилган йили) ____________________

3.Уй манзили ва телефони ____________________

4.Боланинг ота-онаси ҳақида маълумот

Отаси ____________________

Ёши ____________________

Маълумоти ва иш жойи ____________________

Онаси ____________________

Ёши ____________________

Маълумоти ва иш жойи ____________________

5.Анамнез

Боланинг нечанчи ҳомиладанлиги ____________________

Онада хомиладорлик қандай кечганлиги (жароҳатлар, интоксикациялар, касалликлар) ____________________

Туғилишнинг кечиши (вақтдан олдин, вақтида жуда тез) ____________________

Дарров йиғлаганми ____________________

Боланинг бир ёшгача касалликлари ____________________

Ота-онасининг шикояти ____________________

6.Илк психомотор ривожланиш

Бошини тута бошлаган ___

Эмаклай бошлаган ___

Ўтира бошлаган ___

Юра бошлаган ___

Биринчи тишлари чиқа бошлаган ___

7.Илк нутқий ривожланиш

Гугулаши ___

Чуғурлаши ___

Биринчи сўзлар ___

Дастлабки жумлалар ___

Оилада икки тиллиликнинг мавжудлиги ___

Илк ёшдаги болаларнинг нутқий ривожланиш даражасини логопедик текшириш қуйидаги мезонлар асосида ташкил этилади:

- катталарнинг нутқини идрок этиш даражасини аниқлаш;
- катталарнинг нутқини тушуниш даражасини аниқлаш;
- пассив ва актив луғат захирасининг даражасини аниқлаш;
- товуш талаффузининг ҳолатини аниқлаш;
- грамматик тузумини текшириш.

Мазкур мезонларни аниқлаш учун қуйидаги 5 методика асосида текшириш олиб борилади.

*1-методика*

Катталар нутқини идрок этиш даражасини аниқлаш Бола исмини айтиб чақирганда эътибор бериши Боладан бирор нарсани кўрсатиш сўралганда, шу нарсага назар ташлайдими, кўрсатадими ёки йўқми? Қўғирчоқнинг тана аъзоларини кўрсатиш (қўл, оёқ, кўз...) Логопед айтган предметни олиб бериш Логопед айтган предметни олиб идишга солиш Чапак чалиш Бошини сарак-сарак қилиш Оёғини дўпиллатиш

*2-методика*

Катталар нутқини тушуниш даражасини аниқлаш. Боланинг ўйинчоқларга муносабати Ўйинчоқлар орасидан ўзига бирор ўйинчоқни танлайдими? Ўйинчоқни қўлига оладими? Ўйинчоққа кулиб хурсанд боқадими? Болага қаратилган нутқни тушунадими? (Бу нима, машинани кўрсат, қўғирчоқни, айиқчани ол, машинани менга олиб бер)

*3-методика*

Пассив ва актив луғат захирасининг даражасини аниқлаш

Кийимлар: шапка, шарф, кўйлак, кофта

Сабзавотлар: карам, сабзи, картошка, редиска

Уй ҳайвонлари: мушук, кучук, қўй, сигир

Транспортлар: машина, самолёт, поезд

Ўйинчоқлар: қўғирчоқ, машина, шиқилдоқ

*4-методика*

Товуш талаффузининг ҳолатини аниқлаш

Предметли расмлар кўрсатилади С З Ж Ч Ш Л Р К Г М Н Б П В Ф Т Д Х

Сўз бошида

Сўз ўртасида

Сўз охирида

Айта олмади Па-ба Ба-па Ва-фа

бола ўйинчоқ машина ўйнаяпти Қизча гулларга сув қуйяпти Қизча Па-ба Та-да Да-та Са-за Са-за Ша-жа Жа-ша Ла-ра Ра-ла Га-ка Ка-га Са-ча Ча-жа Та-да-та Да-та-да Ка-га-ка Га-ка-га Са-са-за За-за-са Гул-кул Баҳор-наҳор Куз-туз Туя-куя Сим-шим Соч-қоч Оз-оч

*5-методика*

Гапнинг грамматик тузилишини тушунишини текшириш. (Вазиятли расмлар) Бола ер чопяпти Ўғил гуллар узяпти Қизча қўғирчоқни ухлатяпти ______________________________

__________________________________________________________

__________________________________________________________

__________________________________________________________

__________________________________________________________

Текширишлар қуйидаги жадвал асосида тузилади Логопед хулосаси методика тўплаган бали 1-методика 2-методика 3-методика 4-методика 5-методика 6-методика Жами Болалар индивидуал равишда текшириб олинади. Олинган натижалар асосида боланинг нутқий ривожланиши хақида хулоса чиқарилади.

Текшириш натижаси 3 даражага бўлинади: юқори, ўрта ва паст. Боланинг ота-оналарига (ёки тарбиячиларига) маслахатлар берилади. Боланинг ёшига, нутқ нуқсонларига ҳамда ривожланмаганлик даражасига қараб, махсус мактабгача муассасаларга йўлланма олиш бўйича тавсиялар берилади.

## 5. Илк ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекцион-логопедик ишнинг мазмуни ва шакллари.

Илк ёшдаги нутқсиз мураккаб нуксонли болалар билан олиб бориладиган логопедик иш мазмуни ва усуллари, кўрсатиладиган ёрдам турларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб келмокда. Нутқнинг ривожланишида биологик ва ижтимоий омил асос бўлади. Нутқ фаолиятини амалга оширишда энг муҳим орган бош мия, унинг барча анализаторлари ва переферик нутқ органларидир.

Боланинг нутқи шаклланишида ўзига хос кетма-кетлик мавжуд ва у бир неча босқичлардан иборат. Агар боланинг сенсор, мотор (ҳаракат) ва интелектуал имкониятлари чегараланган, ривожланишида муаммолар мавжуд бўлса, бу мураккаб нуқсон тури хисобланиб, нутқ ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Нуқсонли ривожланиш назариясига кўра ҳар бир бола, у қандай нуқсонга эга бўлишидан қатъий назар (эшитишида, кўришида, интеллектида, таянч аппаратида ва ҳ.к.), нутқий ривожланишда ҳам орқада қолади. Бундай болаларни «ҳавф-хатар» гуруҳига киритиш мумкин, шунинг учун болани илк бор (0-3ёшгача) нутқий ривожланишини логопедик кўрикдан ўтказиб, унинг нутқий ривожланмаганлик даражасини аниқлаб, эртарок логопедик ёрдам кўрсатишнинг методик асосларини ишлаб чиқиш ушбу қўлланманинг асосий мақсадини ташкил этди.

Ривожланишида мураккаб камчиликлар бўлган кичик ёшдаги болаларнинг таълим ва тарбиясини амалга оширишда мутахассислар олдида турган бош мақсад боланинг нутқдан олдинги ва нутқий ривожланиши, кичик ёшдаги боланинг эмоционал, ижтимоий ва интеллектуал потенциалини ривожлантириш, унинг ижобий хислатларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, дастлабки камчиликларни компенсация қилиш (ўрнини қоплаш) ва ривожланишдаги камчиликларни коррекциялаш (тузатиш), ривожланишдаги иккиламчи камчиликларнинг олдини олиш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Бу мақсад ундан келиб чиқадиган қатор коррекцион вазифаларнинг ҳал қилинишини тақозо этадики, уларнинг муҳимлари қуйидагилар: ҳаракатларни ва сенсомотор ривожланишни шакллантириш; қўл панжаси ва бармок учларининг йирик ва майда моторикасини ривожлантириш; товушни идрок

этиш қобилиятини шакллантириш; фонетик-фонематик тасаввурлар ва товуш таҳлилини шакллантириш; импрессив ва экспрессив нутқни ривожлантириш. Коррекцион ишнинг асосий йўналишлари.

1. Ҳаракатланиш ва сенсомотор ривожланишни такомиллаштириш. Бунинг учун панжалар ва қўл бармоқларининг майда моторикасини, артикуляцион моторикани ривожлантириш талаб қилинади.

2. Психик фаолиятнинг айрим томонларини коррекция қилиш. Бундай ишлар қаторига кўриш ва кўз билан таниб олиш кўникмаларини ривожлантириш, предметларнинг белгилари (ранги, шакли, ўлчамлари ва ҳ.к.) тўғрисида умумлашма тасаввурларни шакллантириш, вақт тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантириш, эшитиш ва хотирлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, фонетик-фонематик тасаввурларни ривожлантириш, товушни таҳлил этишга ўргатиш ишлари киради.

3. Асосий фикрлаш операцияларини ривожлантириш. Нисбий таҳлил олиб бориш, нутқий баён ва кўрсатмалар асосида ишлай олиш кўникмаларини ривожлантириш, ўз фаолиятини режалаштира олиш ҳамда компенсациялаш қобилиятини ривожлантириш коррекцион ишнинг ушбу йўналишини ташкил этувчи вазифалардир.

4. Ҳар хил тафаккур турларини ривожлантириш йўналиши кўргазмали-образли тафаккур, нутқий-мантиқий тафаккур (предметлар, ҳодисалар ва воқеаларни кўра билиш ва улар ўртасидаги мантиқий боғланишларни белгилай олиш) ни шакллантириш ва ривожлантиришни кўзда тутади.

5. Шахснинг эмоционал ривожланишидаги камчиликларни коррекция қилиш. Бу юз мимикаси учун релаксацион машқларни ташкил этиш ва ўтказишни талаб қилади.

6. Ниҳоят, ўраб турган олам тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириб бориш, луғат бойлигини ошириш, нутқ техникасини ўзлаштириш коррекцион ишнинг яна бир муҳим йўналишини ташкил қилади. Ушбу дастур бола билан индивидуал иш олиб бориш ёки 2-3 боладан иборат кичик гуруҳ билан ишлаш учун мўлжалланган. Бундан каттароқ гуруҳ билан иш олиб бориш имкониятлари, айниқса, дастлабки босқичда, ғоят чекланган. Машғулотларнинг давомийлиги боланинг умумий ҳолати ҳамда ҳамкорлик қилишга тайёрлигига қараб белгиланади. Айрим болалар билан уларнинг фаоллигини ошириш, ҳис-ҳаяжонлар

оламига олиб кириш ва уларга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш учун қўшимча иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Таклиф этилаётган дастурда коррекцион ишнинг шартли равишда иккита босқичи ажратиб кўрсатилди: тайёрлов ва дастлабки. Тайёрлов босқичининг мақсади болада эмоционал ва фонетик мулоқот аспектларини, унли ва ундош товушлар белгиларига эга бўлган товуш вокализациясини шакллантиришдан иборат. Мулоқот учун тегишли шарт-шароитларни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилувчи анализаторлараро алоқалар тизимини ривожлантириш бу босқичнинг келажакда эришилиши лозим бўлган муҳим вазифаларидандир.

Дастлабки босқичнинг мақсади мулоқотни шакллантиришда зарур бўлган нутқий кўникмалар ва сенсомотор эталонларни ишлаб чиқиш ва болага сингдиришдан иборат. Бунда ўзаро мулоқотни таъминловчи шарт-шароитларнинг мустаҳкам “фундаменти”ни яратиш муҳимдир. Дастурда коррекцион ишнинг умумлаштирилган стратегияси тақдим этилган бўлса-да, шунга қарамай, айрим диагностик гуруҳлар учун ўзига хос таъсир усуллари ҳам ишлаб чиқилган.

Масалан, сенсор алалияли болалар билан ишлашда чапак чалиб, оёқни ерга уриб, бирон предметни тақиллатиб овоз чиқаришдан қочиш керак, чунки бундай болалар товушни эмас, балки вибрация, титроқни идрок этади. Эшитишда камчилиги бор болалар билан ишлашда тақлид, бола талаффуз қила оладиган товушларни аниқлаштириш, боланинг катталар билан эмоционал мулоқоти асосида турли фаолият кўринишларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Интеллектуал ривожланишда орқада қолган болалар билан ишлашда нутқни тушуниш қобилиятини ривожлантириш, уни ўраб турган атроф муҳит предметлари ва ҳодисалари билан таништириш, боланинг кўрганларини тафаккур қилишини ривожлантириш, импрессив ва экспрессив нутқини ривожлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Анартрия (оғир дизартрия) га учраган болалар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, бунда просодика устида олиб бориладиган иш артикуляция органларининг массажи, боланинг қўл ҳаракатлари ва умумий моторикасини ривожлантириш иши билан қўшиб олиб борилади. Даволаш

физкультураси ва бошқа тиббий-психологик-педагогик таъсир кўрсатиш жиҳатларига катта эътибор қаратилади.

Аутик хулқ-атворли болалар билан мулоқот ўрнатишга қаратилган ишда айниқса эҳтиёткорлик талаб қилинади. Бундай болалар билан ишлашда уларнинг мулоқотдан тез зерикишларини эътиборга олиш лозим. Шунинг учун улар билан тактиль алоқани узмаган ҳолда уларга тез-тез дам бериб туриш талаб қилинади. Интенсив рағбатлантириш пайтларида ҳис-туйғулар логопеднинг кўз қарашларида, юз ифодасида, табассумида намоён бўлишига эътибор бериш, боладан шуларга мос жавоб олишга эришиш лозим. Бош мақсад болада катталар тўғрисида юзага келиши мумкин бўлган ёки юзага келган умумий салбий муносабатни ва баҳони юмшатишдан ёки бутунлай йўқотишдан иборат.

Болага тўғридан-тўғри имо-ишора ёки сўз билан мурожаат қилмай туриб, унинг нигоҳини бирон нарсага жалб қилиш керак эмас (чунки бунда сўз ёки имо-ишора иштирокисиз кўришнинг ўзи унча самара бермайди). Дастлабки босқичда барча болалар учун уларнинг диққат-эътиборини, хотирасини, оптик-фазовий тасаввурларни ва ҳ.к. рағбатлантирувчи қатор умумий машқлар қўлланади.

Бундай машқлар мулоқотни шакллантириш учун асос вазифасини ўтайди. Болага таъсир кўрсатишнинг турли усуллари қотиб қолган тақлидий стереотипларни бартараф этишга ёрдам беради ҳамда болаларда машғулотлар пайтида олинган билим ва кўникмаларни ҳаётий вазиятларга олиб ўтиш, яъни кундалик ҳаётда татбиқ эта олиш қобилиятини ривожлантиради. Бунда болалар билан ишлашда турли иш босқичларининг методик ташкил этилганлиги ҳар бир конкрет вазиятга ҳам, мутахассис малакасига ҳам бирдек боғлиқ.

Дастурда келтирилган усулларнинг бир қисми тажрибада кўп марта синалган ва муваффақият олиб келган усуллардир. Бу усулларнинг айримлари махсус адабиётлардан олинган бўлса, айримлари болалар билан мулоқот пайтида юзага келган.

Шундай қилиб, бу соҳада ташкилий-методик изланишлар учун имкониятларнинг деярли чеки йўқ. Ушбу ҳолатларни ҳамда нутқсиз болалардаги камчиликлар тузилишининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, бундай болалар билан ишлашнинг дастлабки босқичларида коррекцион таъсирнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш зарурати ўз-ўзидан аён бўлади.

Ривожланишида камчилиги бор болалар билан эрта бошланган логопедик иш боланинг психик функциялари ва умуман шахсини ривожлантириш, иккиламчи камчиликларнинг олдини олиш, болани нормал ривожланаётган болалар жамоасига интеграция қилиш учун ғоят зарурдир. Коррекцион ишнинг дастлабки босқичларида нутқсиз болаларни ўйин ва кундалик турмуш жараёнида муттасил динамик кузатиб бориш талаб қилинади.

Бунда сенсор алалияга учраган болаларни эшитиши паст болалардан ажратиш учун уларнинг эшитиш ҳолатини аниқлаб олиш зарур. Болаларнинг ўз-ўзига хизмат қила олиш даражаси, кундалик маиший турмушдаги хатти-ҳаракатлари, атрофдаги предметлардан фойдалана олиш каби амалий кўникмаларни қай даражада эгаллаганлик даражаси аниқланади.

Болалардаги бундай уқув ва кўникмалар даражасини баҳолашда бола мулоқотга қандай киришаётгани, унинг ўйинга аралашиб уни давом эттириб кета олиши, ўйин жараёнида тақлид қила олиш ва ижодий давом эттириш қобилиятини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бола билан олиб бориладиган коррекцион ишга унинг ота-онасини ҳам жалб қилиш, уларни бола устидан олиб борилган кузатиш натижалари, коррекция ишининг яқин ва узоқ мақсадлари билан таништириб бориш лозим. Ота-оналар билан олиб бориладиган иш болада сабр-тоқат, меҳрибонлик, диққат-эътибор, ўзгаларнинг райига бўйинсуниш ва ҳ.к. каби ижобий шахсий сифатларнинг ривожлантирилиши қанчалик муҳим эканини тушунтиришдан бошланиши лозим. Бу фақат тарбиявий-аҳлоқий нуқтаи назардан зарур бўлмай, балки ота-оналарни коррекцион ишга жалб қилишга ҳам ёрдам беради.

Бунда ота-оналар логопед ишини айнан такрорлашлари керак эмас. Уларнинг бош мақсади болалари учун зарур бўлган эмоционал муҳитни яратиб бериш, мулоқот кўникмаларини шакллантириш, гуруҳда ўзлаштирилган кўникмаларни мустаҳкамлашдан иборат. Зеро, ривожланишида камчилиги бор боланинг тақдирини ушбу камчиликнинг ўзи эмас, кўпроқ унинг ижтимоий оқибатлари ҳал қилиб беради.

Коррекцион ишда ота-оналарнинг бевосита иштироки боланинг ижтимоий ҳаётга кириб бориб, унга мослашишини осонлаштиради, боланинг интеллектуал ва нутқий камчилигига ота-оналарнинг тўғри муносабатини юзага келтиради, уларнинг

камчилиги бор ўз боласи билан тўлақонли мулоқоти учун шарт-шароитлар яратади.

Дастур асосида Л.С.Виготский таклиф қилган ҳамда биз томонимиздан нутқсиз болаларга мослаштирилган комплекс ёндошув тамоили ётади. Дастур нутқсиз боланинг сақланиб қолган имкониятларининг босқичма-босқич ривожлантирилишини кўзда тутади, Бунда анализатор тизимининг комплекс иши таянч вазифасини ўтайди. Дастурнинг педагогик самараси шундаки, у нутқсиз болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришда фаолликка, ҳаракатга асосланади, бунда болалар мазмуни, мураккаблиги, реал ҳаёт билан боғланганлик даражаси турлича бўлган ўйин жараёнларига жалб қилишга қаратилади, бу ўйинлар маълум даражада ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос амалий модели бўлишига эътибор берилади.

Илк ёшдаги гапирмайдиган болалар билан коррекцион-логопедик иш мазмуни 1-жадвалда келтирилган. 1-жадвал Ишнинг мақсади, мазмунм, вазифалари ва йўналишлари Қўлланадиган усуллар ва ўйин фрагментларининг мундарижаси

Тайёрлов босқичи Тайёрлов босқичининг мақсади: эшитиш диққатини ривожлантириш, предметлар шовқинларини дифференциациялаш. Эмоционал ва фоник мулоқот аспектларини, унли ва ундош товушлар белгиларига эга бўлган товуш вокализациясини шакллантириш.

Бу босқичнинг келажакда эришилиши лозим бўлган муҳим вазифаси

- мулоқот учун тегишли шарт-шароитларни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилувчи анализаторлараро алоқалар тизимини ривожлантириш. Тайёрлов босқичининг асосий вазифалари:

-кўриш ва эмоционал контакт ўрнатиш; адекват (ўхшаш) аффектив ва сенсор стимуляцияларни танлаш;

-болани эмоционал қайғудошликка тайёрлаш;

-боланинг умумий фаоллигини ошириш;

-ихтиёрий диққат-эътиборни ташкил этиш;

-диққат-эътиборни тўплаш, тақсимлаш ва бошқа нарсага олиб ўтиш қобилиятини ривожлантириш.

Ўйин.

Бола ва логопед қаршисида бир хил предметлар тўплами қўйилган – қоғоз, тўп, қалам, тангалар, гугурт. Болага бу предметлар билан турли хатти-ҳаракатлар намойиш этилади:

тўпнинг ерга урилиши, қаламнинг столга, танганинг тангага урилиши, гугурт чўпларининг синиши. Кейин логопед боланинг орқасида туриб бошқа предметлар билан айрим хатти-ҳаракатларни амалга оширади ҳамда болани уларни айнан қайтаришга даъват этади. Ўйин. Нўхат тўлдирилган қутича силкитилади.

Кейин ташқи томондан бир хил бўлиб, бошқа нарсалар – тангалар, қум, гугурт тўлдирилган қутичалар силкитилади, кейин болага қутича силкитилганда чиққан овозга қараб, унинг ичидаги нарсани аниқлаш топширилади. Мулоқот вазияти бола учун қулай бўлмоғи, ёқимли таассуротлар билан тўлдирилмоғи лозим.

Катталар билан ёки бошқа болалар билан биргаликда фаолият кўрсатишда болада ижобий эмоционал кайфият туғдириш учун нутқсиз фаолиятнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш (ўйин, расм чизиш, пластилиндан нарсалар ясаш) яхши натижалар беради.

Бундай вазифалар бола диққатини маълум муддат давомида бир нарсага жалб қилишга ёрдам беради. Сенсор рағбатлантиришга асосланган машғулотларда эмоционал маъно касб этувчи машқлар кўпроқ киритилади: чайқалиш, чарх уриб айланиш, кремни турли юзаларга суртиш ва ҳ.к. Бундай хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси эмоционал изоҳлар, кичик-кичик ритмик шеърий парчалар билан бирга қўшиб олиб борилади.

Логопед болаларни катталарнинг хатти-ҳаракатлари, мимикаси ва овоз оҳангларига беихтиёр равишда тақлид қилишга, эхолалияларга ундайди ва рағбатлантиради. Товуш реакциялари болага кун давомида ҳамроҳлик қиладиган ҳамда машғулотларнинг зарурий элементи бўлган эмоционал-маъновий изоҳлар, ўйинлар ва машғулотлар ёрдамида ўзига хос "саҳналаштирилади".

Натижада индивидуал ёндошувни ҳисобга олган предметли ўйин муҳити яратилади. Ўйин давомида юзага келиши мумкин бўлган нохуш кечинмаларни юмшатиш, болаларнинг диққатини ёқимли кечинмаларга жалб қилиш талаб қилинади.

Боланинг ҳар қандай товуши ижобий баҳоланиши, тақдирланиши лозим (маънавий, моддий жиҳатдан, масалан, ширинлик, бола яхши кўрган овқат билан).

**1.Бола нигоҳини тўплашга қаратилган вазифалар.**

Мақсад: нигоҳни предметга қаратишга, бола ҳаракатини нигоҳ ва қўл билан кузатиб боришга ўргатиш, қўл билан тутиб олиш малакасини шакллантириш. Ўйин. Болага стол (диван)нинг

- нутқий ва нутқий бўлмаган товушларнинг турлича интенсивлиги ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш;

- нутқий ва нутқий бўлмаган товушларни дифференциациялаш қобилиятини ривожлантириш.

Усуллар:

-товуш чиқараётган предметга эътибор қаратиш;

-товуш сигналига мувофиқ хатти-ҳаракатлар содир қилиш;

-товушнинг келиб чиқиш жойи ва йўналишини аниқлаш;

-товуш чиқараётган предметларнинг хусусиятлари билан танишиш;

-шовқинлар ва энг содда мусиқа асбобларининг товушини ажратиш;

-предметларнинг товушлари (шовқинлар)ни кетма-кет эслаб қолиш;

-овозларни ажратиш; -қаттиқ овоз томон қараш;

-А, О, У, И унлиларини таниб олиш ва ажратиш;

-нутқ оқимидан сўзларни ажрата олиш;

-нутқий ва нутқий бўлмаган товушларга тақлид қилишни ривожлантириш;

-товушга тақлидлар занжирини ажратиш ва эслаб қолиш.

**2.Новербал коммуникация компонентларидан фойдалана олиш қобилиятини ривожлантириш.**

Мақсад: боланинг ўз хатти-ҳаракатларини сезиш қобилиятини фаоллаштириш, тасаввур этилаётган предметлар устида таниш хатти-ҳаракатларни бажаришга даъват этиш, сюжетли расмда тасвирланган ҳаракатларни такрорлаш.

Вазифалар:

-тил функцияси вазифасини бажарган новербал коммуникация компонентларини ривожлантириш;

-новербал воситалардан фойдаланиб, коммуникатив эҳтиёжларни ифодалаш;

-атрофдагилар билан муло-қот доирасини кенгайтириш;

-апраксияни енгиб ўтиш;

- кинестетик назоратни ривожлантириш.

Усуллар:

-нутқий йўл-йўриқ кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда имо-ишоралар ва ифодали ҳаракатларни (кўрсатиш ишораси, бош ирғаш ва бош тебратиш, таклиф қилувчи ишора) тушуниш қобилиятини ривожлантириш;

-новербал йўл-йўриқ бўйича хатти-ҳаракатларни бажариш;

-оддий ситуатив саволларга таъкид ёки инкор ишоралари билан жавоб бериш;

-коммуникатив-маъноли ишораларни (ҳа, йўқ, бер, ма ол, истайман каби) келтириб чиқарадиган вазиятларни моделлаштириш;

-кўриб идрок этиладиган пред-метларнинг белгиларини танлай олиш, овозини ажратиш;

-кўрсатилаётган имо-ишорага мос белги танлаш;

-иборани имо-ишора ёки сурати чизилган белги билан тўлдириш;

-имо-ишоралар ва юз ифодаларидан фойдаланган ҳолда ситуатив диалог тузиш;

-боланинг муайян хатти-ҳаракатларни бажараётган яқин кишилари фотосуратларини намойиш қилиш;

-ҳаракатли ўйинларда ҳайвонларнинг ўзига хос ҳаракатлари ва хулқ-атворини имитация қилиш;

-имо-ишора билан саломлашиш ва ҳайрлашиш;

-тасаввур этилаётган предметлар билан амаллар бажариш;

-расмда тасвирланган объект ҳолатини ифодалаб бериш;

-имитацион ҳаракатларни бажариш. Ўйин. Болага соч тараш (қўл билан соч силаб), овқат ейиш (қўл билан стол томондан оғиз томон ҳаракат қилиб), пиёладан чой ичиш (қўлни лабларга текизиб туриб, бошни юқорига кўтариб), бармоқ билан таҳдид қилиш ва ҳ.к. ҳаракатлари кўрсатилади.

Кейин болага шу ҳаракатларни реал предметлар билан эмас, балки ҳаёлдаги предметлар билан бажариш таклиф этилади. Ўйин. Бола сюжетли расмни томоша қилиб, саволларга имо-ишора ёки ҳаракатлар билан жавоб беради. Масалан, капалак учаётган сюжетли расм кўрсатилади.

Бола капалак қанотларига ўхшатиб қўлларини силкитади; «қизча овқат еяпти» - столдан оғиз томонга қўл ҳаракати; «мушук сут ичаяпти» - тил билан ўхшатма ҳаракат ва ҳ.к.

Ўйин.

Болага иккита чизилган белги (машина ва олма) кўрсатилади ва тугалланмаган гапларни улардан бирининг чизмасини кўрсатиб тугаллаш сўралади. дарахтда ўсади. йўлдан юради. Кейин бола “бер” ишорасидан фойдаланиб, олмокчи бўлган расмни кўрсатади.

### 3.Кўриш-мотор коорди-нацияси – майда қўл мот-рикаси ва артикуляция моторикасини ривожлантириш.

Мақсад: қўллар ва имо-ишора мушаклари моторикасини ривожлантириш.

Вазифалар: манипулятив фаолият ва майда мотори кани;

-кўз ҳаракатлантирувчи-ларини;

-тактиль-проприоцептив ва статик-динамик ҳис-туйғу-ларни;

-аниқ артикуляцион кинес-тезияларни;

-тактиль хотирани;

-нутқ мускулатурасини;

-имо-ишоравий ҳаракатларнинг тўғрилиги ва дифферен-циаллашганини;

-имо-ишора ва мушак ҳолатини кинестик назорат қилиш қобилиятини ривожлантириш;

-юз ва тана схемалари тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш;

-кўриш-кинестик сезгиларни ривожлантириш йўли билан товушларнинг артикуляцион тузилишини идрок этишга ўргатиш.

Усуллар: -кўзни бирон предмет ортидан юқоридан пастга, пастдан юқорига, ўнгдан чапга, чапдан ўнгга йўналишларда ҳаракатлантириш;

-тўғри, эгри, эгри-бугри чизиқлар йўналишини кузатиб бориш;

-Бўшаштирувчи уқаловчи (фаоллаштирувчи) ҳаракатлар: кремни турли юзаларда суркаш;

-боланинг қўлини турли юзалар (мўйна, қиллари турлича бўлган чёткалар ва ҳ.к.) устидан сийпалаб юритиш;

-тактиль жадваллардан фойдаланиб, турли фактурадаги предметларни сийпалаб кўриб таниб олиш;

-компток шаклидаги шиқилдоқ, даструмолча-байрокча билан ҳаракатланиш машқ-ларини бажариш;

-ҳавода қўл билан "расм чизиш";

-қўл бармоқларининг пас-сив ва актив ҳаракатларини фаоллаштириш;

-пластилин билан машқ-лар;

-би-ба-бо қўғирчоқлари-дан фойдаланиб ўйинлар ташкил қилиш;

-артикуляция ва имо-ишора гимнастикаси;

-расмларда кўрсатилган оғиз ҳолатини имитация қилишга қаратилган машқлар;

-қаршиликни енгишга қаратилган машқлар;

-товушсимон сўзлар англатган образларни англаш ва такрорлаш кўникмаларини ҳосил қилиш;

"Бармоқлар бассейни" ўйини. Бассейн ён деворлари паст бўлган катта тўртбурчак коробкадан иборат бўлиб, ичига нўхат, фасоль ёки тугмачалар қатлами тўкилган. Логопед болани "бассейн" ичида ҳаракатланишга даъват этади (ҳаракатлар аввалдан кўрсатиб берилган бўлади). "Мен каби ишчан" ўйини. Машқ ҳар бир қўл билан навбатма-навбат бажарилади. Логопед бола билагини ушлаб туриб, унинг очиқ панжаси билан юқоридан пастга ҳаракатлантиради. Кейин мушт тугилган қўл билан ҳам худди шундай машқ бажарилади. Ўйин. Бола қўли билан "бассейн туби"га тиралади. Логопед бола панжасини кўтариб, унинг катта бармоғини орқага суради ва уни ўз қўли билан енгил шу ҳолатда қайд этади, шундай қилиб панжа мушаклари чўзилади ва кучланади. Кейин боланинг қўл панжаларини бирма-бир суришга даъват этиб, "бассейн туби"да ҳаракатлантиради: шундай қилиб, бармоқчалар олдинга қараб "чопиб" кетишди.

"Кўзгу" ўйини. Имо-ишора ва артикуляцион ҳаракатларни айнан такрорлаш: кўзларни очиб ёпиш, хўмрайиш, оғизни очиб ёпиш, жилмайиш, лабларни чўччайтириш.

**4.Кўриш воситасида фазовий анализ ва синтезни ривожлантириш.**

Мақсад: инсон қиёфаси тасвирланган предметли расмда тана ва юз аъзоларини танишга ҳамда уларни ўз тана аъзоларига нисбат беришга ўргатиш, имитация қилквчи қўл ишораларини ривожлантириш; предметларни уларнинг рангли ва контурли тасвири, бажарадиган вазифа-сига қараб таниб олишга ўргатиш, диққат-эътибор ва хотирани ривожлантириш.

Вазифалар:

-изланиш фаолиятини ривожлантириш, кўриш май-донини кенгайтириш;

-кўриш хотираси ва диққат-эътиборнинг барқарорлиги, кўчишига, хотира хаж-мини кенгайтиришга эришиш;

-стереогнозни ривожланти-риш, текисликда ва уч ўлчамли фазода ҳаракатлана олиш кўникмасини ривожлантириш;

-кўриб идрок этилган об-разни таҳлил қила олишга ўргатиш.

Усуллар:

-хона юзасида ўйинчоқларни излаб топиш;

-ўйинчоқларни берилган юзада ҳаракатлантириш
-предметларни излаш;
-ўйинчоқни унинг расмдаги тасвирига қараб таниб олиш;
-расмда тасвирланган кишиларнинг тана аъзоларини ва ўз тана аъзоларини аниқлаш;
-йўналишни топиш кўникмаларини ишлаб чиқиш;
-кесишган йўналишларда машқлар олиб бориш;
-кўрсатмага кўра предметлар ва ўйинчоқлар билан амаллар юажариш;
-расмларга қараб, предметларда етишмаган қисмларни аниқлаш;
-предметли расмдан тана ва юз аъзоларини таниб топиш ҳамда уларни ўз тана аъзоларига нисбат бериш;
-предметлар тасвирларини эслаб қолиш;
-предметлар жойлашувидаги ўзгаришларни аниқлаб, қайд этиш;
-намунага ёки оғзаки таърифга қараб, кўп предметлар орасидан талаб қилинганини топиш;
-предметларнинг текисликдаги жойлашувини эслаб қолиш (юқорида, пастда, марказда, ўнг бурчакда ва ҳ.к.);
-кўриб идрок этилган тасвирларни берилган мавзу бўйича топиш (идентификация қилиш);
-предметлар ва расмлардаги фарқларни аниқлаш;
-кўриб идрок этилган образлар бўйича ўхшаш предметларни қиёслаш;
-намуна ёки кўрсатмага қараб, предметни ясаш;
-ўхшаш ва дискрет белгиларга эга бўлган предметларни алоҳида деталлардан ясаш;
-бирон шаклни устма-уст тахланган бошқа кўплаб шакллар орасидан ажратиб олиш.

Ўйин. Болага инсон ёки қўғирчоқ тасвирланган расм кўрсатилади, кейин расмда тасвирланган қўғирчоқнинг оёғини ва ўз оёғини кўрсатиш сўралади. Шундан сўнг болага ҳар хил тана аъзолари (кўз, оғиз, бурун) тасвирланган расмлар кўрсатилиб, бу аъзоларни қандай ювиш кераклигини кўрсатиб бериш таклиф қилинади.

Ўйин. Бола рангли расмларда тасвирланган предметларни таниб олади. Кейин унга кетма-кет худди шу предметларнинг контурли тасвири кўрсатилади.Жуфт тасвирлар бир-бирининг

устига қўйилиб, рангли ва контурли тасвирларни бир-бири билан қиёслаш талаб қилинади. Кейин логопед расмларни аралаштириб юборади ва боладан уларни жуфтлари билан ажратиб беришни сўрайди.

## 5.Сенсор-перцептив фаолиятни ривожлантириш.

Мақсад:

шарни бир неча предметлар орасидан ажратиб олишни ҳамда у билан турли хатти-ҳаракатларни бажаришни (думалатиш, қутига йиғиш, маржонсимон териш) ўргатиш (хатти-ҳаракатларболанинг ҳаракатланиш имкониятларига қараб танланади);

турли ўйин шароитида ясси ва ҳажмий фигуралардан бадекват фойдаланишга ўргатиш;

тактиль гнозисни ривожлантириш, тактиль жадваллардан фойдаланиб, турли предметларнинг фактурасини пайпаслаб таниб олишга ўргатиш (мўйнасимон, ипаксимон, ғадир-будур юза-лар).

Вазифалар:

-сенсор ва тактиль гнозисни шакллантириш;

-ясси ва ҳажмли предметларнинг ранги ва фазовий белгиларини идрок этишга ўргатиш;

-ўхшаш ранг туслари ва геометрик шаклларни дифференциациялаш кўникмаларини ҳосил қилиш;

-образларни фазовий моделлаштириш ва конструктив праксисни шакллантириш.

Усуллар:

-атрофда йўналишни топиш кўникмаларини ҳосил қилиш;

-тактиль жадваллар билан ишлаш; рангларни ажратиш;

-ўлчамлар ва шакллар (ясси, ҳажмий) билан таништириш;

-дидактик ўйинчоқлар (матрёшка, пирамида ва ш.к.) билан хатти-ҳаракатларни бажариш;

-предметлар ва геометрик шакллар материалида юмалоқ, бурчакли ва квадрат шаклларни дифференциал идрок этиш кўникмасини ҳосил қилиш;

-предметларнинг рангли вак контурли тасвирларини ўзаро қиёслаш;

-ясси ва хажмли тасвирларни дифференциациялаш;

-қисмлардан бутунни йиғиш; -рангга қараб таснифлаш, муайян ранг тусларини ажратиб бериш;

-предметлар ва геомеьрик шаклларни идентификациялаш;

-“Сеген тахтаси” ва Коос кубиклари билан ишлаш.

"Сеҳрли халтача" ўйини. "Сеҳрли халтача"га турли предметлар – ҳар хил катта-кичикликдаги шарлар, қалам, пирамидача, қутича солинган. Бола халтани пайпаслаб шарни топиши ва халта ичидан чиқариб олиши ҳамда у билан турли хатти-ҳаракатлар бажариши лозим. Бола ва логопед шарларни кўздан кечириб, улардаги фарқларни (катта, кичик) топади ҳамда катта ва кичик қутичаларга солади.

Ўйин. Қутича қопқоғида юмалоқ, учбурчак, квадрат тешиклар очилган. Болага қути қопқоғини очмай туриб, хажмли шаклларни (шар, куб, призма) тегишли тешикдан қутига солиш топширилади. Бунда тешик шаклининг предметлар шаклига нисбатан мослигига алоҳида эътибор берилади. Логопед фигуралар устида ўйин хатти-ҳаракатларини намойиш этади ва бир пайтнинг ўзида сўз билан изоҳ бериб туради. Кейин бола логопед илтимосига кўра айтилган шаклларни қутидан олади.

Ўйин. Болага турли материаллардан тайёрланган тактиль жадвалларнинг хусусиятлари тушунтирилади (бунда иккита бир хил жадваллар тўплами билан иш олиб борилади): мўйна – юмшоқ, майин; қумқоғоз – ғадир-будур, нотекис; ипаксимон – силлиқ, текис. Бола уларни пайпаслаб, силаб кўради ҳамда уларнинг жуфтини топиб беради. Жадваллар тўпламини тиканли юзалар (Кузнецов ипликатори), нотекис юзалар (картондаги шам оқмалари, ёпиштирилган гугурт синиқлари ва ҳ.к.) ҳисобига кўпайтириш мумкин.

Ўйин. Болага парда орқасида беркитилган бирон хусусиятли жадвални топиш вазифаси топширилади ("Юмшоқ, майин нарсани топиб бер"). Кейин логопед жадвалларни берилган кетма-кетликда териб чиқади ва ўз хатти-ҳаракатларини изоҳлаб боради. Кейин у боладан жадвалларнинг иккинчи тўплами устида ҳам худди шундай хатти-ҳаракатларни амалга оширишни сўрайди.

**6.Овоз ва нафас функцияларини ривожлантириш.**

Мақсад:

узоқ ва мақсадга йўналтирилган нафас чиқариш, бурундан нафас олиш кўникмаларини, турли баландликдаги тақлидий товушлардан фойдаланишга асосланган машқлар ёрдамида овоз диапазонини шакллантириш.

Вазифалар:

-нафас олиш хажсини кўпайтириш. Унинг ритмини нормаллаштириш;

-нафас, фонетика ва аптикуляциянинг ўзаро координациялашган фаолиятини ривожлантириш;

-овоз баландлиги, тембри ва оҳангини ривожлантириш;

-бўғиз (хиқилдоқ) мушакларини рағбатлантириш;

-оғиз бўлиғидан мақсадга йўналтирилган нафас чиқаришни фаоллаштириш;

-овоз кучининг айрим тавсифлари билан таништириш;

турли баландликдаги тақ-лидий товушлардан фойдаланишга асосланган машқлар ёрдамида овоз диапазонини шакллантириш.

Усуллар:

-бўйин мушакларини бўшаштириш учун машқлар;

-юмшоқ танглай ҳаракатларини фаоллаштириш, чайнашга ўхшаш ҳаракатларни бажариш;

-бурундан нафас чиқаришни машқ қилиш;

-гапириш учун ихтиёрий нафас олишни ривожлантириш;

-ҳаракатларни бажариш хажми ва суръати (темпи)ни ихтиёрий назорат қилиш кўникмасини ҳосил қилиш;

-аралаш нафас олиш турини шакллантириш;

-ҳаво оқими ва оғиздан нафас чиқаришкучини назорат қилишга қаратилган машқларни бажариш;

-чиқарилаёиган ҳавонинг совуқ ва илиқ оқимини фарқлаш;

-мавжуд имкониятлар чегарасида овозни баландлатиш ва пасайтириш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Ўйин. Бу ўйин бурундан нафас олишни шакллантиришга қаратилган. Бола қаршисида столга ёқилган шам қўйилади. Логопед аввал шамни учиришга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўзи кзрсатиб беради, кейин эса боладан уларни қатариб шамни ўчиришни сўрайди.

Ўйин. Бу ўйинда турли нарсалар (ачрча ёки қарағай игналари, зираворлар, апельсин пўчоқлари ва ҳ.к.) билан тўлдирилган бир хил қутичаларнинг иккита тўплами қўлланади. Бола биринчи тўпламдаги ҳар бир қути ичидаги нарсани ҳидлаб, ичини очиб кўради.

Кейин қутичалар усти енгил мато билан ёпилади, бола эса уларни ҳидлаб кўриб, иккинчи тўпламдан худди шундай нарса тўлдирилган қутичани танлаб олиши керак.

Ўйин. Қутичалар стол устида маълум тартибда жойлаштирилади. Болага уларни ҳидлаб кўриб, ўз тўпламидаги

қутичаларни худди шундай тартибда қўйиб чиқиш таклиф қилинади.

Ўйин. Турли баландликдаги "А", "У", "И", "О" товушларига тақлид қилишдан фойдаланган машқлар асосида овоз имкониятлари диапазонини шакллантириш. Болага жуфт расмларни кўриб чиқиш таклиф қилинади: "катта-кичкина самолёт (қўғирчоқ, тойчоқ ва ҳ.к.)".

Кейин логопед катта самолётнинг овози баландроқ – "У-у-у", кичкинасиники пастроқ эканини тушунтиради (қўғирчоқ – "А" товуши, сичқонча – "И" товуши, тойчоқ – "О" товуши). Шу йўл билан бола бу товушларни такрорлашга даъват этилади. Кейин расмлар аралаштириб юборилади ва болага тегишли товушларни талаффуз эта туриб, уларнинг жуфтларини топиш вазифаси топширилади.

Ўйин вариантларидан бири сифатида болага расмларнинг орасидан овози баланд (паст) жаранглайдиганларини танлаб олиш таклиф қилинади.

## 7. Ритм (маром) ҳиссини ривожлантириш.

Мақсад: анализатор (нут-қий-эшитиш, ҳаракат ва кўриш) иши мувофиқ-лаштирилган механизмни ривожлантириш асосида регулятив нутқ функциясини шакллантириш; нутқнинг ритмик-интонацион томонини, эшитиш орқали ва тактиль идрок этиш кўникмасини ривожлантириш. Вазифалар:

-нутқнинг ритмик-инто-национ жиҳатини ривожлантириш;

-коммуникатив нутқ функциясининг асосини таъминловчи анализаторларнинг (нутқий-эшитиш, ҳаракат ва кўриш) ишини мувофиқлаштириш асосида ассоциатив алоқаларни шакллантириш;

-ритмик-интонацион тугалланганлиги билан ажралиб турадиган лексик бирлик сифатида олиб қаралган гапни ҳис қилиш қобилиятини шакллантириш;

-А, О, У, И унли товушларининг ритмик-интонацион хусусиятлари билан таништириш;

-ритм ҳиссининг сенсомотор компонентлари (таркибий қисмлари)ни ривожлантириш.

Усуллар:

-ҳаракатлар ва ўйинларда ритмни такрорлаш;

-мусиқа садолари остида юриш;

-бир маромдаги мусиқа садолари остида ҳаракатланиш машқларини барариш;

-оёқлар ва қўллар учун ритмик (бир маромдаги) машқлар;

-берилган ритмик оҳангни тақиллатиш ёки чапак чалиш орқали қайтариш;

-ҳаракатланиш ва ритмик-интонацион фаолликни ривожлантириш;

-овоз кучи ҳамда нутқий ва нутқий бўлмаган товушларнинг турлича интенсивлиги билан таништириш;

-нутқий вокализацияларни ривожлантириш;

-ритмни схематик тасвирга нисбат бериш;

-унли товушлар ва товуш занжирларини ихтиёрий талаффуз этиш;

-ритмик чизмалар дифференциацияси.

Ўйин. Логопед барабанни ҳар урганда, бола саватдан битта ўйинчоқни олиб, "пақ" деб ерга ташлайди. Саватдаги ҳамма ўйинчоқлар ерга сочиб юборилганидан сўнг, яна барабаннинг ҳар бир садосига бола уларни қайтариб саватга солади. Ўйиннинг яна бир вариантида ёруғлик сигналидан фойдаланиш (фонарчани ёқиб ўчириш) ёки қаттиқ варақли китоб варақларини шовқин билан ўгириш мумкин.

Ўйин. Боланинг кўз ўнгида мозаикадан яхлит йўлка ётқизилади. Мозаиканинг ҳар бир детали бармоқ билан босилиб, бирон тақлидий товуш талаффуз қилинади. Кейин логопед боладан АААAA товушини қайтаришни сўраб, уни магнитофонга ёзиб олади. Ритмик чизма ўзгартирилади – мозаикали йўлка битта-битта жой қолдирилиб ётқизилади. Логопед мозаика деталини бармоғи билан босиб, АААAAAA товушини талаффуз қилади, бўш жойга келганда, индамайди. Бола бу ритмик чизмани ҳам қайтаради.

Ўйин. Бола аввалги ўйин пайтида ўзининг ёзиб олинган овозини эшитиб, овоз йўлкасига мос мозаика йўлкасини танлайди. Бундай алмашинишувчи ритм аста-секин мураккаблашиб боради.

### 8.Импрессив ва экспрессив нутқни ривожлантириш.

Мақсад:

ўйинчоқ ва тақлидий товуш ўртасида нисбат ьеришга ўргатиш, "а-а-а" тақлидий товушни ихтиёрий талаффуз этишга даъват этиш, эшитиш диққатини ривож-лантириш;

болани "вай, вой, вах, ах" каби эмоционал рефлектив ундалмаларини талаффуз этишга даъват этиш ҳамда бунда ҳароратдаги фарқ-ларни ҳис қилишдан фойда-ланиш;

"А, О, У, И" товуш-ларини эшитишдан ҳосил бўладиган образларни овоз чиқарадиган ўйинчоқлар образи билан қиёсан мустаҳ-камлаш, тактиль идрокни ривожлантириш.

Вазифалар:

-ситуатив ва маиший нутқни тушуниш қобилиятини ривожлантириш;

-дастлабки коммуникатив кўникмалар ва луғатни шакллантириш ҳамда бунда нутқий бўлмаган товушлар комплекслари, ундалмалар, қушларнинг қичқиришлари ва ҳайвонларнинг овозлари, энг кўп қўлланадиган предметлар ва оддий хатти-ҳаракатларни билдирадиган сўзларга ўхшаш тақлидий товушлар ва товуш бирикмалари материалларидан фойдаланиш;

-сўз семантикаси устида ишлаш;

-коммуникатив нутқнинг оддий кўринишларини рағбатлантириш. Усуллар:

- предметлар (ўйинчоқлар, тана аъзолари, кийим, ҳайвонлар)ни уларнинг номларига қараб таниб олиш;

-предметларни уларнинг белгиларига қараб кўрсатиш;

-муайян категорияларга мансуб предметлар тасвирланган расмларни кўрсатиш;

-таниш предметлар билан кўрсатма бўйича хатти-ҳаракатларни бажариш;

-мос тақлидий товушлардан фойдаланиб, вербал кўрсатмаларни бажариш;

-эмоционал ундалмалар, илтимосларни билдиришга даъват этиш; ихтиёрсиз тақлидни (сўзга ёки товушга) ривожлантириш;

-кўриб идрок этиш билан қўшилиб кетган тақлидий товушларни ажратиш; ўйинчоқлар (расмлар) ҳамда қўшилган, акс этган ва ихтиёрий тақлидий товушлар ўрасидаги нисбатни кўрсатиш;

-битта объект томонидан бажарилаётган хатти-ҳаракатларни фарқлаш, хатти-ҳаракатлар ва уларни ифодаловчи феъллар ўртасидаги нисбатни кўрсатиш;

-кичрайтириш-эркалаш суффиксларига эга сўзлардан иборат кўрсатмаларни бажариш;

-иккита очиқ бўғиндан иборат сўзлардан фойдаланиб даъват этиш (ундаш);

-диалогик нутқда "ҳа", "йўқ", "хоҳлайман", "қила оламан", "қиламан" сўзларини қўллашда автоматизмга эришиш;

-коммуникатив, ундовчи ва сўров нутқининг айрим штампларида автоматизмга эришиш (“бер”, “ма-ол”, “ким”, “бор-юр”);

-сўз билан тавсифланган предметни таниб олиш; -умумлашма тушунчаларни сингдириш;

-сўзларни турли маъно контекстларига киритиб, уларнинг маъноларини фарқлаш;

-тўғри ва бахсли ифодалар орасидан предметларнинг тўғри номини топиш.

Ўйин. Болага қўғирчоқ кўрсатилади ва унинг уйқуси келаётгани, уни тебратиш кераклиги маълум қилинади. Сўнг логопед ўйинчоқни қўлида тебратиб, тегишли тақлидий товушлар билан аллалайди (а-а-а, ал-ла). Бола айнан шундай хатти-ҳаракатлар ва тақлидий товушларни қайтариши лозим.

Ўйин. Боланинг кўз ўнгида стол устига илиқ сув тўлдирилган ликопча, муз парчаси ва иссиқ сувда иситиб олинган пинг-понг шарчаси қўйилади. Кейин у логопед ёрдамида навбатма-навбат ҳарорати турлича бўлган бу предметларга қўл текизиб кўради. Бу хатти-ҳаракатлар логопед аввалдан нутқий намунасини намойиш этиб берган эмоционал ундалмалар билан қўшиб амалга оширилади.

Ўйин. Парда орқасига бола учун яхши таниш бўлган предметлар – қўғирчоқ, тойчоқ, қуёнча, айиқча яшириб қўйилган. Логопед талаффуз этган тақлидий товушга қараб, бола парда орқасидаги керакли ўйинчоқни пайпаслаб топади.

Ўйин. Болага яхши таниш бўлган ўйинчоқлар қоғозга ўралган. Бола қоғозни очмай туриб, қўли билан пайпаслаб, қандай ўйинчоқ яшириб қўйиланини топиши ҳамда тегишли тақлидий товушни талаффуз қилиши керак.

Ўйинлар ва машқлар. “Сеҳрли халтача”, “Мозаика”, “Байроқчалар”, “Излаб топ ва атрофини чизиб чиқ”, “Тақ-тақ”, “неча марта?”, “Йўлкани расмини чизиб кўр-чи”, “Топ-чи, нима йўқолиб қолди?”, “Ғадир-будур тахтачалар”, “Ҳалқани ил-чи”, “Ҳайвонот боғи”, “Бор эди, бўлади”, “Йил фасллари”, “Аввал нима бўлди, кейин нима бўлади”, “Нима ўзгарди?”, “Қуёнча ёнига қандай ўтиб оламиз?”, “Нимага ўхшайди?”, “Нима етишмаяпти?”, “Бу кимнинг (ниманинг) овози?” ва ҳ.к.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар, мақсадлар, вазифалар ва усуллар нутқсиз болалар билан ишлашда ва истиқболни белгилашда асосий йўл кўрсаткич вазифасини ўташи мумкин.

Боланинг тили чиқиши ва нутқнинг ривожланишида онанинг боласи билан эмоционал мулоқотга кириши, боланинг онаси билан мулоқотга кириши учун уринишларига фаол жавоб бериши катта аҳамиятга эга.

Шунингдек она болани ҳам мулоқотга даъват этиши лозим. Она олдида турган иккинчи вазифа бола билан бўладиган мулоқотда унинг нутқини эгаллаши учун зарур бўлган баъзи билим ва малакаларни ўзлаштиришдан иборат. Бола ҳаётининг иккинчи йили нутқнинг ривожланишида энг муҳим босқич ҳисобланади. Бу муносабат билан нутқни ривожлантириш ҳамда атрофдаги нарсаларга қараб мўлжал олишни кенгайтиришга қаратилган бутун педагогик жараён тизимига алоҳида эътибор берилиши керак. Бу масала фақат машғулотлардагина эмас, балки барча кун тартиб жараёнларини амалга ошириш, бола билан қилинадиган ҳар кунги алоқа жараёнида ҳам ҳал қилиб борилади.

Катта ёшдаги кишиларнинг тушунтириши асосида уй-рўзғор асбоблари билан амалий ҳаракатлари натижасида бола жуда кўп нутқ малакаларини эгаллашга муяссар бўлади. Катталар нутқини тушунишнинг ривожланиб бориши натижасида уларнинг ҳаракат ва нутқларига фаол равишда тақлид қилиш одати шакллана бошлайди.

Бу тариқа нутқ аста-секин сотсиал тажрибани болага ўтказишнинг ҳамда унинг ҳатти-ҳаракатлари, хулқ-атворини бошқариб боришнинг муҳим воситасига айланиб қолади. Болани ёш хусусиятларига қараб, унинг икки ёшга тўлгунича ўтадиган ҳар бир ярим йиллик мобайнида бажариладиган вазифаларнинг конкрет мазмуни ҳам ҳар хил бўлади.

Бир ёш-у олти ойликкача бўлган бола билан ишлашда катталар нутқини тушунишни ривожлантириш биринчи ўринда туради. Болани одамларни, буюмларни (кийим-кесаклар, мебеллар, идиш-товоқлар ва ҳоказолар), жамлалар ёрдамида катталар болага сюжетларнинг мазмунини тушунтиради, топшириқлар беради, топшириқларнинг ҳамда уларни бажаришнинг маъносини тушуниб олишларига ёрдам беради.

Фаол нутқнинг қарор топишида тақлид қилиш қобилиятининг ривожланиб бориши муҳим ўрин тутади. Болани товуш бирикмалари ва бутун – бутун сўзларни тақлид қилиб такрорлашга ўргатиб бориш зарур. Шунингдек, бола ўзи идрок этган сўзларни

билиш билан чекланиб қолмай, балки бу сўзларни мустақил равишда, ташаббуси билан ҳам айтадиган бўлиши ҳам керак.

1.5 ёшдан бошлаб эса боланинг фаол нутқини ривожлантириш асосий вазифа ҳисобланади, катталар нутқини тушунишни ривожлантириш даврм эттирилади. Болани уларга бевосита яқин турган нотаниш ёки умуман нотаниш нарсалар, воқеа-ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар номини тушунишгагина эмас, балки хиёл узоқроқ бўлган (ҳовлида, кўчада) нарсаларнинг ҳам номларини билиб олишга, шунингдек, уларнинг белгилари номини тушунишга, турли топшириқларни бажаришга ҳам ўргатиб бориш керак ва ҳоказо.

Боланинг фаол нутқида сўз бойлиги анча кенгайиб, кўпайиб қолганлиги кузатилади: бола илгари маъносини тушуниб ўзлаштириб олган барча сўзларни аста-секин ишлата бошлайди. Энг муҳим вазифа уларни уч ва ундан ортиқ сўздан иборат гап тузишга ўргатишдир.

Теварак-атрофдаги кишилар билан алоқа қилишнинг асосий воситаси сифатида нутқни ўстириб боришда болани ҳар хил сабаблар билан катталарга ва тенгдошларга мурожаат қилишга, саволлар беришга, илгари олган таассуротларни (кўрган, эшитган нарсаларни) бир-икки оғиз сўз билан, оддий жумлалар билан ифода этишга ўтгатиш зарур. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин-ки, 2 ёшга тўлаётган боланинг нутқни тушунишда ва фаол нутқида муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Бунинг учун катталар бола билан гаплашаётганда уларнинг ёши ва индивидуал ривожланиши, шунингдек ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи нутқ имкониятларини, албатта, ҳисобга олиш шарт.

Илк ёшдаги бола билан конкрет шароитларда алоқага киришиш вақтида нутқ ўстиришнинг савол бериш, такрорлашни илтимос қилиш, топшириқ бериш сингари ҳар хил усуллардан фойдаланиш муҳимдир.

Катта ёшли киши кун тартиби жараёнларини ҳамда гўдак мустақил фаолиятининг барча турларини фаол нутқни ривожлантириш учун мазмунли, эмоционал-ифодали ва самарали қилишга интилади.

Бунда теварак-атрофдаги нарсаларга қараб мўлжал олиш билан нутқни ривожлантириш бўйича бажариладиган ишлар бир вақтда амалга оширилмоғи керак: катта ёшли киши боланинг теварак-атрофдаги нарсаларга қараб мўлжал олиш имкониятларини

кенгайтириш билан бир вақтда унинг нутқини ҳам ўстириб, ривожлантириб боради.

Башарти, катталар кун тартиби жараёнларини амалга ошириш вақтида кун сайин бола ўйнаётган нарсалар номини айтиб турмаса, таниш нарсаларни янгича ўзаро муносабатда кўрсатмаса, у ҳолда боладага билиш фаоллиги пасайиб кетади, шунингдек вазиятни янгилигига нисбатан боладаги мўлжал олиш реакцияси ҳам сўниб боради: болада содир бўлаётган воқеаларга нисбатан пассив муносабат вужудга келади.

Бола сўзга қараганда ҳаракатни тезроқ эгаллаб олар экан, у энди катта ёшли кишини ўзига сўзлар орқали мурожаат қилишини кутиб турмасдан ўйинга берилиб кетадиган одат чиқаради, энди уни катталарнинг хатти-ҳаракатлари қизиқтирмай қўяди, бола ўзи билан ўзи овора бўлиб, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлиб қолади.

У катта кишининг обрў-эътиборига ҳамда белгилаб қўйилган кун тартибига бўйсунган ҳолда режим жараёнида пассив иштирок эта бошлайди. Бунинг учун ҳам кундалик турмаш шароитидаги барча вазифаларда (овқатланиш, кийиниш, кийим алмаштириш, ювиниш ва ҳоказоларда) бу ҳаракатларнинг ҳар бири болага ривожлантирувчи таъсир кўрсатишига эришиш мақсадида кичкинтойларнинг мўлжал олиш фаоллигини ҳар доим қўллаб-қувватлаб туриш лозим.

Бундай фаоллаштириш усулларидан бири нарсалар билан қилинадиган ҳаракатларни болага фақат тушунтириш, ўша ҳаракатлар номини айтиш билан чекланибгина қолмай, шу билан бирга бу ҳаракатлар нима учун қилинаётганлигини болага тушунтириб беришдан ҳам иборатдир. Бола турли нарсалар бир-бири билан ўзаро қандай алоқада эканлигини қуришга ўрганади, катталарнинг ҳаракатларидаги аниқ мақсадга мувофиқликни ва мақсадга қаратилган йўналишни тушунади, нарсалар билан амалга ошириладиган ҳаракатлар сабаби ва оқибатини ўзлаштиради ва ҳоказо.

Бола томонидан бажарилган бундай ишларнинг натижаси шундан иборат боладики, бола барча нарсаларнинг номи бор эканлигини ва ўша нарсаларнинг ҳар бири нимагадир ишлатилишини билиб олади. Бу бола учун гўё бир «кашфиёт» бўлади. Бу кичкинтойни билиш фаолиятини ривожлантиришдаги олға қараб ташланган жуда катта қадам бўлади. Бола билиш

фаоллигининг ривожланиб бораётганлигини кўрсатиш учун унга: «Бу нима?», «Буниси-чи?» сингари саволлар бериб кўрилади. Бу саволларни беришдан мақсад бирор нарсанинг ёки ҳаракатнинг фақат номинигина аниқлашдан иборат бўлиб қолмай, балки болада пайдо бўладиган билиш истаги – ўша нарса билан нималар қилиш мумкинлигини билиш истагини ҳам қондиришдан иборатдир.

Агар катталар берган саволларга бола ўзи айта оладиган сўзлар билан жавоб қайтарадиган бўлса, ундан жавоб олишга эришиш, сабр-тоқат билан унинг жавобини кутиш, айрим ҳолларда эса унга ёрдамлашиб, баъзи сўзларни айтиб юбориш керак. Катта киши боланинг нутқ алоқасига бўлган эҳтиёжини шакллантириб бориб, у кундалик кун тартиби жараёнларида, мустақил фаолиятининг айрим турларида иштирок этиб, бола билан гаплашади, шу мақсадда у ўз нутқида ҳазил-мутойиба, қисқа-қисқа шеър, қўшиқлардан, эркалама ва овутмачоқлардан фойдаланади.

Бола томонидан тушуниш қобилиятини умумлаштириш функциясини ривожлантиришда, кейинроқ эса унинг фаол нутқини ўстиришда катталарнинг маҳорати шубҳасиз муҳим ўрин тутади. Бу соҳадаги ютуқларни кўп жиҳатдан таққослаш учун нарсалар танлашда, ўша нарсаларда мавжуд бўлган муҳим белгиларни ажратиб кўрсатишга боғлиқ бўлади.

Бунинг учун дастлаб болани ўзлари билган нарсаларни танишга, улардан бир-биридан фарқни «кўриш»га , кейинроқ эса умумий белгиларини ажрата олишга ўргатиш зарур. Бу мақсадда дастлаб болага таниш, лекин кескин фарқ қиладиган нарсалар, кейин эса болага таниш бўлмаган, бироқ кескин фарқ қиладиган нарсалар, шундай кейин эса бирор-бир белгиси бўйича ташқи томонидан бир-бирига ўхшайдиган нарсалар танлаб олинади.

Илк ёшдаги бола нарсалар оламига ўзаро турлича муносабатда бўлади: бола катта ёшли кишининг ҳаракатларини кузатиб туриб, кундалик маиший турмушга тааллуқли бўлган йирик-йирик нарсалар билан танишади; бола фақат ўзига тегишли нарсалар (бола мебели, кийим-кечаклар, идиш-товоқлар ва ҳоказолар) билан ҳаракат қилар экан, у кундалик турмушда ишлатиладиган нарсалардан қандай фойдаланиш кераклигига ўрганиб боради, ниҳоят, у ўзи ўйнаётган ўйинларда илгари шунга ўхшаш ўйинчоқлар (мебел, кийим-кечаклар, идиш-товоқлар ва ҳоказолар)ни ўйнаган вақтида ўзлаштириб олган хатти-ҳаракатларни акс эттиради.

Кўчада болаларнинг кўзи тушган ҳар бир нарса катталарнинг улар билан мулоқотга киришиши учун баҳона ҳисобланади. Бола 1,5 ёшдан ошгач, у билан яқин ўтмишда кўрганлари, тажрибасида нималар эсида қолганлиги ҳақида сўзлашиши мумкин ва лозим.

Болани теварак-атрофдаги нарсалар ҳамда уларни ақли етадиган ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан ўз вақтида таништириб бориш, мазмунли уйинларни ўз вақтида ва муваффақиятли равишда ривожлантиришга ёрдам беради. Бундай бўлиши тасодифий эмас, чунки 2 ёшга қадам қўйган бола катта кишиларнинг ҳаракатларида, реал ҳаётда кўрган нарсаларини ўйинда акс эттирадилар. Боланинг ўйин фаолиятида одатда, махсус нутқни ривожлантириш вазифаси қўйилмайди. Бироқ, ҳаракат усулларига ўргатиш жараёнининг ўзи нутқни ривожлантиришга ёрдам беради, чунки катта киши бундай таълим жараёнини нутқ орқали амалга оширади. Бунинг натижасида болада фақат ҳаракатларгина эмас, сўзларга ҳам тақлид қобилияти ривожланиб боради, боланинг ташаббуси билан бирор гапни айтиш учун шарт-шароит вужудга келади.

Масалан, катталар (ота-она, мураббия) қурилиш ўйинчоқларидан уйча қураётганини кузатиб турган болага, қулай фурсат топиб нима қурганлигини сўрайди. Бола: «Уй», деб жавоб беради. Катта ёшли киша кетма-кет иккинчи саволни беради: «Уйчада кимлар яшайди?», Бола: «Хўрозча, айиқча, қуёнча», деб санаб кетади. Болани нутқини ривожлантириш уни нарсалар воситасида ҳаракат қилиш усулларига ўргатиш билан биргаликда амалга ошириши керак.

Болалар ҳаётининг 3-йили мабайнида болалар хулқ-атворининг мураккаблашиб бориши нутқнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Нутқнинг ривожланиши биринчи галда боланинг ақлий жиҳатдан янада ривожланишига йўл очади.

Ҳаётнинг 3-йилида қуйидаги вазифалар ҳал этилиши керак:

1. Атрофдагилар нутқини янада кўпроқ тушуниш – келаси, ҳозирги, ўтган замонни тушуна олишни, аниқ кўриниб турган вазиятдагина эмас, ундан ташқарида ҳам нутқ маъносини тушуна олишни таъминлаб бериш;

2. Болаларнинг фаол нутқини мукаммаллаштириб бориш – сўз бойлигини бойитиб, барча сўз туркумларидан фойдаланган ҳолда жумлалар туза олишга ўргатиш, нутқнинг грамматик тузилишини мукаммаллаштириб бориш, талаффузни яхшилаш ва нутқнинг эмоционал оҳангдорлигини кучайтириш;

3. Нутқдан фойдаланиш лаёқатини кенгайтириб, ўз таассуротларини сўзлар билан ифодалай олиш, саволлар бериш ва саволларга жавоб бериш, катта ёшли одамлар ва болалар билан нутқ воситасида алоқа боғлашни кенгайтириб бориш;

4. Теварак-аторфда мўлжал олишни кенгайтириш;

5. Умумлаштириш лаёқатини ривожлантириб болаларда табиат ҳодисалари, ҳайвонларнинг ҳаёти, ижтимоий ҳаётнинг болалар тушуна оладиган баъзи ҳодисалари, катталар меҳнати, вақт, сана, фазовий муносабатлар, буюмларнинг вазифаси ва бошқалар тўғрисида оддий тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилиш ва ҳоказо;

6. Нутқ идроки ва эшитув диққат-эътиборини яхшилаш – катта одам нима гапираётганини яхшилаб тинглаш, кичикроқ ҳикоя, шеър эшитиш кўникмасини ҳосил қилиш;

7. Маданий нутқ малакасини (овозни баланд кўтармасдан, шошмасдан оҳиста гапириш ва гапираётган вақтда қўлларни кескин силкитмаслик) тарбиялаб бориш. Мана шу вазифаларни амалга оширишда ҳаммадан аввал турмушдаги табиий шарт-шароитлардан, ҳамда уйин, сайр, овқатланиш, уйқуга ётиш вақтида болаларнинг ўзаро амалга оширадиган муносабатларидан фойдаланилади. Болаларда яхши таассурот қолдириш ҳамда уларнинг мустақил фаолиятини тўғри ташкил этиш йўли билан болаларнинг ҳиссий тажрибасини бойитиб бориш зарур. Қандай бўлмасин, бирор ҳодиса ёки катталарнинг ҳатти-ҳаракатини сайр вақтида, уйда кузатаётганда, расмларни кўздан кечириб, болаларга бирор нарсани кўрсатаётганда, ўйин тўғрисида бирор нарсани гапираётганда айрим буюм ва ҳаракатларни тилга олиб ўтишдан ташқари уларни тушунтириб бериш, айрим далиллар ўртасидаги боғланишларни кўрсатиш, нарсаларнинг хосса ва вазифасини айтиб бериш зарур.

Идрок қилинган нарсани боланинг ўтмиш тажрибаси билан бевосита боғлаб бориш зарур. Ҳаётининг учинчи йилида болалар нутқи анчагина ривожланиб қолгани учун улар билан одатдагича мураккаб, грамматик жиҳатдан тўғри тузилган нутқ билан алоқа қилиб бориш керак. Бироқ бола учун тушунарли бўлмаган жумлаларни ишлатиш ярамайди. Боланинг катталарга тақлид қилиб унча тушунмайдиган сўз ва ҳатто жумлаларни такрорлайверишдан ҳеч бир фойда йўқ. Кўпинча ота-оналар болаларга улар тушуна

олмайдиган шеър ва эртакларни ёдлатишга ҳаракат қиладилар, бу шак-шубҳасиз зарарли ҳамдир.

Болалар буларни тез ёд оладилар, лекин асосий мазмунини тушуна олмайдилар. Жумлаларни тушунмасдан такрорлайвериш машқлари болада тақлиб қилиш лаёқатини ривожлантиради, нутқнинг асосий функцияларини ривожланишига ёрдам бермайди. Уч ёшга қадам қўйган болаларнинг ҳаммаси ҳам «Р» ва бошқа баъзи жарангли товушларни тўғри талаффуз қила олмайди. Ахён-аҳёнда сўзлардаги товушларнинг ўрни алмашиб қолиши ҳам мумкин. Бироқ 3 ёшга эндигина қадам қўйган бола атрофдагиларнинг ҳаммаси учун тушунарли равишда гапириши керак.

Ота-оналар, шунингдек, шифокор, педагог, катта тиббиёт ҳамшираси болаларнинг нутқи ҳамда товушлар талаффузини диққат билан кузатиб бориши, хатоларни тузатиб туриши, ўзлари эса барча сўзларни ҳамиша аниқ ва тўғри талаффуз қилиши, болага унинг учун қийин сўзни уйинлар ёрдамида кўп марта такрорлашга эришиш керак. Талаффузда бирмунча қўпол хатоларга йўл қўйилаверадиган, нутқ ривожи анчагина орқада қоладиган бўлса, маслаҳат учун отолоринголог ёки логопедга вақтида мурожаат қилиш керак. Уч ёшга қадам қўйган болалар, асосан, нималарни ҳиссий идрок этсалар, яъни улар нималарни кўрсалар, нималарни ўзини, расми ёки ўйинчоқларини кўрсатиш мумкин бўлса, улар билан шу нарсалар ҳақида гаплашиш керак.

Шу билан бир вақтда айрим элементлари болаларнинг ўтмиш тажрибасидан таниш бўлган, лекин жамулжам шу ҳолда илгари ҳеч қачон идрок этилмаган ҳодисалар тўғрисида ҳам болалар билан гаплашиб туриш мумкин ва хатто лозим. Масалан, «Мош» деган мушукчанинг девордан сакраб ўтаётганида йиқилиб тушиб, оёғи лат егани тўғрисида ёки бирор-бир боланинг коптоги йўқолиб қолганлиги ва уни ўртоғи топиб берганлиги тўғрисида сўзлашиб туриш керак ва ҳоказо. Атрофдаги катталарнинг болалар билан табиий ўзаро муносабатлар жараёнида улар ҳаётининг ҳар хил пайтларида тез-тез сўзлашиб туриши катта аҳамиятга эга бўлса-да, лекин бунинг ёлғиз ўзи камлик қилади. Болалар билан оилада, хусусан болалар муассасасида нутқ воситасида фаол алоқа қилиб туришдан ташқари нутқнинг ҳамма томонларини ривожлантиришга – уни тушунишни, талаффузни, тақлидни, фаол луғатни, грамматик тузилишни ривожлантиришга қаратилган ўйин ва машғулотларни

ўтказиб туриш керак. Бола нутқини шаклланиши кўп жиҳатдан унинг эшитиш идроки ва артикуляция аппарати аъзолари (тил, лаб, жағ, тиш)нинг ҳаракатини ривожлантиришга боғлиқ.

Бола кўп товушлар қуршовида бўлади; одамларнинг нутқи, мусиқа, шамол ва ёмғирнинг шовқини, кучукнинг вов-вовлаши, машинанинг сигналлари ва бошқалар. Лекин бу ҳамма эшитиш таассуротлари кичкинтой томонидан онгсиз равишда идрок этилади. Бола ўзининг эшитишини идора қилолмайди, кўпинча товушларни илғамайди, эшитишини идора қилолмайди, кўпинча товушларни илғамайди, уларнинг баланлиги, кучи ва бошқа сифатлари бўйича солиштириш ва баҳолашни билмайди.

Бола товушларни аниқ ва тоза талаффуз қилишга, сўзларни аниқ айтишга, гапиришга, овоздан тўғри фойдаланишга (ифодали гапириш, керак жойда нутқнинг баландлиги ва тезлигини ўзгартириш) ўрганиши учун, у эшитган товушларни идрок эта олиши ва фарқлай олиши керак. Бу қобилият ўз-ўзидан, ҳатто боланинг эшитиши табиатан ўткир бўлган такдирда ҳам пайдо бўлмайди. Уни бола ҳаётининг биринчи йилидан бошлабоқ ривожлантириб бориш керак. Буни ўйин машғулотлари орқали амалга ошириш мумкин. Болалар билан ўтказиладиган ўйинлардан мақсад кичкинтойлар учун махсус товушлар дунёсини очиб беришдан иборат.

Бола сўзларга қулоқ тутиб, уларни тинглаб, ўзининг эшитиш қобилиятини шакллантиради, талаффузини яхшилайди. Ўз нутқининг жарангини атрофдагилардан эшитган нутқ жарангига яқинлаштиришга интилади. Бу уйинларда бола таниш буюмларнинг «жаранги»ни, ҳайвонлар ва одамлар овозини фарқлашга ўрганади. Бу боладан фақатгина фаол идрокнигина эмас, балки яхши хотирани, ривожланган тафаккурни ҳам талаб қилади. Болаларнинг эрта нутқий ривожланиши махсус педагогика - логопедияда нисбатан янги ўрганилаётган соҳадир. Йигирма йиллар аввал махсус таълим тизимида болалар нутқининг коррекциясини катта мактабгача ёшда, яъни боланинг мактабга бориши олдидан бошлаш керак деб ҳисобланар эди.

Илк ёшда нормал нутқий ривожланиш биологик ва ижтимоий омилларнинг мураккаб ўзаро бирлиги ва ўзаро муносабатларига боғлиқ. Нутқ бузилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган биологик ҳавф-хатарлар рўйхати анча катта бўлиб, илк ёшдаги

болаларда эшитишнинг бузилиши ва неврологик патологияларни келтириб чиқарадиган сабабларга кўп жиҳатдан ўхшайди.

Нима учун? Чунки инсоният тараққиётида нутқ энг "ёш" ва энг нозик психик функция бўлиб, у бола организмининг бошқа тизимлари бардош бера оладиган арзимас патологик омиллар таъсирига ҳам бардош беролмай, шикастланиши мумкин. Илк ёшда нутқнинг муваффақиятли ривожланиши, юқорида айтиб ўтилганидек, кўп жиҳатдан боланинг нормал нутқий муҳитда ўсаётгани, онаси билан яқиндан эмоционал-руҳий мулоқотда бўлиши, оилада оғир ижтимоий-маиший шароит ва психологик стрессларнинг мавжуд эмаслиги каби қатор ижтимоий омилларга боғлиқ.

Ҳозирги замон коррекцион-логопедик педагогиканинг ривожланиш даражаси 3 ёшгача бўлган болалар билан пропедевтик ва абилитацион ишни эрта олиб бориш муаммосини кун тартибига қўймоқда. Ўз вақтида ўтказилган логопедик диагностика нутқсиз болани ижтимоий ҳаётга мослашувини осонлаштиради, олий психик функцияларнинг шаклланишида сентизив даврларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, боланинг психик ривожланиш суръатини самарали коррекциялаш ҳамда иккиламчи бузилишларнинг юзага келишини олдини олиш имконини беради.

Боланинг илк нутқий ривожланишида юзага келган шахсий муаммолар қанчалик эрта аниқланса, ота-оналар ва педагоглар уларни коррекциялашга шунча кўпроқ вақт ажратишлари мумкин бўлади.

Нутқ ривожланишидаги бузилишлар, орқада қолишларни махсус таълим воситалари ёрдамида эрта аниқлаш ва тўғрилаш мақсадини кўзлаган логопедик диагностика ва коррекция бола ҳаётининг дастлабки ойларидан бошланиши лозим.

Бунинг учун боланинг туғилганидан то уч ёшгача даврида яхши ривожланиши учун нималар зарурлиги, гўдакда қай тарика фаолликни ривожлантириш лозимлиги, болани билиш фаолияти қай даражада ривожлангани, шунингдек болани нутқни эгаллашга тайёрлаш йўллари, бола нутқини тушуниш ва уни сўзлашга ўргатиш усуллари тўғрисида босқичма-босқич олиб бориладиган ишни аниқлаб олиш зарур.

Илк ёшдаги болаларда нутқнинг ривожланиш босқичлари, нутқ камчиликларининг келиб чиқиш сабаблари, белгилари,

нутқсиз болалар билан логопедик ривожлантирувчи ишларнинг илмий-методик аспектлари ўрганилди.

Илк ёшдаги мураккаб нуқсонли болалар нутқини текшириш методикаси яратилди. Бола ҳаётининг 0-3 йилида унинг нутқий ривожида улкан силжишлар рўй беради. Бу жадал бораётган умумий ривожланиш ва она тилининг турли қирраларини ўзлаштириб олиш билан белгиланади. Бола ҳаётининг биринчи йилида овоз муносабатлари, тақлид ва тушуниш қобилияти ривожланади, дастлабки сўзлар ўзлаштирилади.

Биринчи йилнинг ўзидаёқ нутқ мулоқот вазифасини бажара бошлайди ва ривожлантирувчи фикрлаш қуролига айланади.

Иккинчи йилда тушуниш, тақлид қилиш қобилияти, фаол нутқ ривожланади (асосан луғат ўзлаштирилади). Учинчи йилда тушуниш, фаол нутқ: луғат, грамматик шакллар, синтактик тузилмалар (турли гаплар) ривожланади.

Нутқни ривожлантириш учун бола тарбияланаётган ҳаётий вазият — унга қаров, атрофдаги катталарнинг муносабати, уларнинг тарбиявий, таъсири, шунингдек ўз фаоллиги (боланинг турли фаолиятдаги фаоллиги) катта аҳамиятга эгадир. Дастлабки уч йилда нутқ боланинг ҳаёт фаолияти жараёнида: режимли даврларда, мустақил ўйинда, махсус уюштирилган машғулотда шаклланади. Бола нутқининг ўз вақтида ривожланишида унга нисбатан катталарнинг муносабати муҳим аҳамиятга эгадир. Диққат-эътиборли, яхши муносабатга жавобан болада ижобий ҳиссиётлар ва турли хил муносабатлар ривожланади.

Илк ёшда мулоқот тарбиявий таъсир шакли ҳисобланади. Мулоқот шакли ва мазмуни боланинг ривожланишига қараб ўзгариб боради: эмоционал мулоқот; овоз интонациясини тушуниш асосидаги мулоқот; мимика, имо-ишоралар, ҳаракатлар, сўнгра катталар нутқи; нутқий мулоқотнинг ўзи.

Кичик болалар билан ишлашда катталар нутқига алоҳида талаблар қўйилади. У тақлид учун намуна бўлиб хизмат қилади, шунинг учун у ҳар томонлама намунали бўлиши, яъни грамматик тўғри, интонацион ифодали, унчалик баланд эмас, унчалик тез ҳам эмас, кўп сўзли эмас ва аниқ бўлиши зарур. Нутқни илк ривожлантириш икки даврга бўлинади: биринчиси - тайёргарлик, иккинчиси — мустақил нутқди расмийлаштириш.

Тайёргарлик даври болалар нутқини келгусида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки айнан шу

даврда тегишли пойдевор яратилади. Унинг негизида эса келгусида бола нутқи қурилади, мулоқотга эҳтиёж шаклланади, овоз муносабатлари, нутқий ҳаракат (артикуляция) аппарати, фонематик тинглаш қобилияти, катталар нуткини тушуниш, сўзларни эслаб қолиш ва ўзлаштирилаётган сўзлардан мулоқот килиш мақсадида эркин фойдаланиш ривожланади.

Нутқни ривожлантиришга доир ишлар, илк ёш болаларини таълим олишга тайёрлаш бўйича машғулотлар ўтказиш методикаси, илк ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш ва дидактик материаллар тизимини ва улардан фойдаланиш методикасини мазмунини белгилаб олинди.

# ЛОГОПЕДИК ТЕРМИНЛАР ИЗОХИ

**Аффектив синдром.** Аффектив (эмоционал) синдромлар – кайфият муаллақ шаклда депрессия ва маниакал синдромлар кўринишида намоён бўлади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос учта симптомлар йиғиндисидан иборат.

**Анестезия**– у ёки бу ҳолдаги сезувчанликни тўла йўқотилиши. Анестезия ҳар хил бўлади; тактил оғриқ анестезия (аналгезия), ҳаракатли, локал сезувчанликни йўқотиш (топонастезия), стереогноз (астереогнозия) ва ҳоказо. Ҳар турда сезувчанликни йўқолиши анестезия дейилади.

**Астереогноз -** астереогноз бўлганда беморнинг кўзи юмук ҳолатда қўлига берилган нарсанинг нима эканлигини айтиб беролмайди, лекин унинг ҳажмини, қандай материалдан ясалганлигини, ташқи белгиларини айтиб бериши мумкин.

**Аутизм** – бу ўхшаш кўринишни ҳосил қилувчи, турли шаклларда намоён бўладиган реал борлиқдан кетиш. Беморлар касаллик бошиданоқ атрофдагилардан ажраган, жим юради, одамлар билан кам муомала қилади, мажбур бўлган ҳолларда расмий, совуқ муомалада бўлади, кўзини олиб қочади, сўрашганда қўл чўзмайди. Улар билан суҳбат тор доирада чегараланган бўлади. Айрим ҳолларда беморлар ниқобда юрадилар: катта қора кўзойнак, кенг шляпа, узун соч, соқол.

**Болалар церебрал фалажи**- бу патологик синдромлар гуруҳи бўлиб, она қорнида, туғилиш даврида ёки туғилгандан сўнг мия шикастланиши оқибатида вужудга келади ва ҳаракат, нутқ ҳамда руҳиятнинг бузилиши билан намоён бўлади. Болалар церебрал фалажи қуйидагилар оқибатида юзага келади:Онанинг ҳомиладорлик давридаги инфекцион касалликлар (қизамиқ, цитомегалия, токсоплазмоз, грипп ва ҳ.к)Онанинг юрак-қон томир ва эндокрин тизимидаги бузилишлар, хомиладорликнинг токсикозлари, хомила ва она қонининг иммунологик тўғри келмакслиги, хомиладорлик даврида жисмоний ва руҳий жароҳатлар, асфиксиялар, она қорнидаги травмалар. Менингит; энцефалит; менингоэнцифалит; бош мия травмалари.

**Галлюцинатор-васваса (параное) синдромлар** - галлюциноз-шундай ҳолатнинг клиник кўринишида тўхтовсиз, яъни кетма-кет галлюцинациялардан иборат бўлиб, беморларнинг ақли ва онги аниқ бўлиб, ўзига-ўзи танқидий қараши сақланган бўлади.

**Гидроцефалия** – мия бўшлиқларига йиғилган сувлар туфайли у касаллик пайдо бўлади. Бош мия ва орқа миядаги 120 дан 200 $см^3$ ошиб кетганда кузатилади.

**Гиперестезия** – бу ҳар хил қитиқловчи (таъсир қилувчи) сабабларга сезувчанликни ошишидир. Ҳарорат, оғриқ ва бошқа рецепторларнинг уйғониш нуқтаси жуда паст бўлганда вужудга келади.

**Гиперпатия**– бу бузуқ сезувчанлик. Бунда совуқ таъсир қилинганда иссиқдек туюлади, бирор ерига сал тегиб кетилса оғриб кетгандай туюлади ва ҳоказо. Бирор ташқи таъсирсиз ҳам сезувчанлик бузилиши мумкин. Масалан: парестезия бунда совуқни ҳис қилиш, баданинг баъзи ерлари увишиб қолиши, карахт бўлиши, санчиш, баданда худди чумолилар ўрмалаб юргандай бўлиши ва ҳоказо. Ушбу ҳолат кўпинча организмда қон айланишни бузилиш ҳар хил токсинларнинг таъсирида узилиш каналларининг шикастланиши ёки ирродиация жараёнлари сабаб бўлади.

**Гипестезия** – у сезувчанликни пасайиши, интенсив ҳис қилишнинг камайишидир. Гипестезия ҳамма турдаги сезувчанликда ёки алоҳида бирор турида намоён бўлиши мумкин.

**Депрессив синдром** (депрессия, меланхолия)- тушкунлик кайфиятидан, тафаккур сусайишидан ва ҳаракатнинг секинлашувидан иборат (депрессив учлик). Беморлар эзилиб, қийналиб ғам чекадилар, уларда кўпинча руҳий эзилиш билан бирга юрак соҳасида оғирлик ҳам сезилади. Ошқозон-ичак йўллари фаолиятининг бузилиши – иштаҳанинг сусайиши, қабзият, оғриқлар, метеоризм ҳамда диэнцефал синдром ва бронхиал спазмлар, баданнинг турли хил қисмларида оғриклар (тиш оғрига, бош оғрига, бел оғрига ва хоказолар). Жуда кўп ҳолларда уйқу бузилиши, уйқусизлик, эндокрин бузилишлар, эркакларда импотенция кузатилади.

**Дизартрия** – нутқ аппарати инерватсиясининг органик бузилиши сабабли нутқнинг талаффуз томонидан бузилишидир. Дизартрия термини грекча сўздан олинган бўлиб, “дис” – бўлак, “артҳон” – бириктириш деган маънони билдиради.Дизартрия бу марказий характердаги органик нутқ бузилиши ҳисобланади. Дизартрияда нутқ аъзоларининг (юмшоқ танглай, тил, лаблар) кам ҳаракатланиши натижасида нутқ товушлари артикулятсияси қийинлашади, шу билан биргаликда овоз,нафас бузилишлари ҳамда нутқнинг суръати, ритми ва ифодалилигида ўзгаришлар

кузатилади. Дизартриянинг оғир формасида нутқ бутунлай тушунарсиз бўлади. Бундай ҳол анартрия деб аталади. Анартрия термини грекча сўздан олинган бўлиб, “а”-йўқ, “артҳон” – бириктириш деган маънони билдиради.

**Дудуқланиш** - бу нутқ аппарати мускулларининг тортишиш натижасида нутқнинг суръат-оҳангининг бузилишидир. Дудуқланиш муаммосини нутқ бузилишлари ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши тарихида энг қадимийларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Унинг моҳиятини турлича талқин қилиш фаннинг ривожланиши ва муаллифларнинг бундай нутқ бузилишларига қандай нуқтаи назардан ёндашганликлари ва ёндашаётганлиги даражаси билан боғлиқдир.

**Идеатор апраксия** - бу ҳолатда мураккаб ҳаракатнинг ўзаро алоқаси ва ассоциацияси бузилади.

**Идрок этиш** – бу сезги органларининг рецептор қисмига бевосита таъсир этиш орқали атрофдаги нарсаларни, воқеа-ҳодисаларни онгда акс эттирилишидир.

**Иккиламчи гемиплегия** – оёқ-қўллардаги ҳаракатланишнинг бузилиши билан характерлидир, бироқ одатда қўллар оёқларга нисбатан кўпроқ азият чекади. Қўлларнинг, юз мушакларнинг оғир жароҳати нутқ ва руҳиятнинг ривожланишининг кечикишига олиб келади. Бундай болалар ўтира олмайдилар, юра олмайдилар, ўзларини эплай олмайдилар.

**Инклюзив таълим** - Болаларни бир биридан ажратувчи тўсиқларни бартараф этишга, уларнинг ёши, жинси, диний ва ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолиши ва иқтисодий таъминланганлик даражасидан қатъий назар, умумтаълим жараёнига тўлиқ уйғунлаштиришга қаратилган давлат сиёсати.

**Ипохондрик синдром** - Касал бўлиб қолиш ҳақида қаттиқ ҳавотирланиш билан намоён бўлади. Бемор ҳар хил ҳиссиётларга ўз ҳаёлини жалб этади (сенестопатия). Беморларнинг феъл-атворида ўз соғлиғига ўта диққат-эътибор қилиши кўзга ташланади, беморлар тушкунликка тушган, ҳавотирланадиган бўлиб қолади, турли мутахассисларга мурожаат қилади, ўзини кўп текширтиради. Шунга ўхшаш синдром оғир касалликлардан тузалиш даврида, хусусан, шизофренияда, циркуляр депрессияда, бош миянинг экзоген органик шикастланишларида бўлиши мумкин. Ипохондрик

синдром пайдо бўлиши руҳий табиатга боғлиқ бўлиб, руҳий кечинмалар натижасида бўлиши мумкин.

**Истерик синдром** – руҳий, вегетатив ҳаракат ва сезги бузилишларининг аломатлари мажмуасидан иборатдир.

**Конструктив апраксия** - бундай холда бўлаклардан бутун нарса тузиш қобилияти йўқолади. Масалан, бемор айрим элементлардан бирор шаклни тузиб бериш қобилиятини йўқотади.

**Кўрув агнозияси ёки оптик агнозия** - оптик агнозияда бемор атрофдаги нарсаларни кўради, лекин танимайди, қайта кўрганда ҳам таний олмайди. Оптик агнозияга чеҳрани таниш агнозияси ҳам киради. Чеҳрани таниш агнозиясида бемор энг якин одамининг (отаси, онаси, хотини ва боласининг) чеҳрасини ҳам таний олмайди, лекин унинг қоши, кўзи қанақа рангдалигини тўғри айтиб бера олади. Бу ҳолат бош мияда анализ жараёни сақланиб қолганига қарамасдан, синтез жараёни бузилганлиги белгисидир.

**Логопедия** – термини грекча "логос" (сўз, нутқ), "пейдео" (тарбиялайман, ўқитаман) сўзлардан ташкил топган бўлиб, таржимада тўғри "нутқни тарбиялаш" маъносини англатади.

**Марказий нутқ аппарати** – бош мияда жойлашган. У бош мия қобиғидан қобиқ ости тугунларидан, ўтказувчи йўллар, ўзакдан (аввало, узунчоқ мияда), ядролар ва овоз, нафас, артикуляция мускулларига борувчи нервлардан ташкил топади.

**Менингит** – мия қобиқларининг яллиғланишидир. Касалликни турлибактериал шакллар, кўпинча кокклар гуруҳи (менингококклар, стрептококклар, пневмококклар) қўзғатади.

**Миатония (мускулларнинг туғма заифлиги)** - касаллик биринчи бўлиб немис олими Оппенгейм томонидан таърифланган. Касаллик мускуллар тонусининг пасайишида ифодаланиб, бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ кўзга ташланади. Бундай ҳолларда чақалоқларга хос ҳаракатлар мавжуд бўлмайди. Болалар тўшакда ҳаракатсиз ётадилар. Агар мускуллар тўлиқ зарарланмаса, ҳаракатлар секин, суст бўлади.

**Микроцефалия** - ақли заифликнинг клиник шаклларидан бири бўлиб, калла суягининг кичиклиги, тана тузилишининг диспластиклиги ва чуқур даражадаги ақли заифлик билан белгиланади.

**Миопатия**– асосида мушакларнинг туғма заифлиги ётади. Баъзан касаллик оилавий характерга эга бўлади. Бу касаллик биринчи бўлиб рус олими В.К.Рот томонидан тавсифлаб берилган. Қатор

ҳолларда касаллик сабаблари аниқланмай қолади. Одатда, миопатия аста-секин ривожланиб, мушаклар атрофиясидан бошланади.

**Мотор априксия** - бунда бемор кўрсатилган ҳаракатни ҳам қайта бажара олмайди. Бемор буйруқни тушунса ҳам бутун ҳаракатнинг айрим элементларини бажара олмайди, маъносиз ва ўринсиз ҳаракатлар билан жавоб қайтаради.

**Невротик синдромлар** – неврастеник(астеник), истерик ва абсессив (ёпишқоқ, ҳолатлар) синдромлар таалуқлидир.

**Нутқ аппарати** – нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этадиган нутқ органлари тизими.

**Нутқ фаолияти** – мураккаб руҳий фаолият. У руҳий жараёнларнинг таркиб топишига ва боланинг умуман баркамол бўлиб ўсишига катта таъсир кўрсатади.

**Нутқ нуқсонлари** – бу адабий тилда қабул қилинган нутқ нормасидан бироз бўлса ҳам четга чиқиш.

**Нутқ системаси** – нутқ системасининг тузилиш компоненти (товуш томони, грамматик тузилиши, луғат зонаси), нутқнинг функционал жиҳатлари, нутқий фаолият турларининг (оғзаки ва ёзма) ўзаро алоқадорлиги ҳисобга олинади.

**Олигофрения** – бош миянинг органик жарохатланиши натижасида билиш фаолиятининг татал пасайиши. Унинг учта даражаси мавжуд: дебил, имбецил, идиот.

**Периферик нутқ аппарпти таркибига** - бурун, оғиз, халқум, хиқилдоқ, трахея, бронхлар, ўпка, кўкрак қафаси, диафрагма киради.

**Полиомиелит**– марказий нерв системаси, асосан, орқа мия, гоҳида бош мия зарарланиши билан характерланадиган ўткир инфекцион касалликдир. Ҳар хил катарал ҳодисалар билан бирга қисқа муддат давом этадиган иситма давридан кейин қўл-оёқлар, гавдада, баъзи ҳолларда юзда тарқоқ фалажлар бошлангани қайд қилинади.

**Психопатия синдроми**.Ҳаяжон – ирода, хоҳиш доирасида руҳий дисгармония сифатида намоён бўлади. Интеллектуал-мнестик фаолият сақланган ҳолда шахсиятнинг патологияси бўлиб ташқи таассуротга мувофиқ бўлмаган реакциялардир. Психопатик синдромлар ирсий келиб чиққан бўлиб, туғма ёки руҳий таассурот ва шунга ўхшаш ҳолатларда (психопатизация) шизофренияда, бош миянинг соматик касалликларида пайдо бўлиши мумкин. Психопатик синдром кўринишлари психопатияларнинг клиник

шаклларига астеник, психоастеник, шизоид, енгил қўзғалувчан, пароноял, истерик ва ҳоказоларга мос кўринишда бўлади.

**Ринолалия** – ринолалия (грекча сўздан олинган бўлиб, рхинос – бурун, лалиа – нутқ) нутқ аппаратининг анатомик ва физиологик камчиликлари сабабли овоз тембри ва товушлар талаффузидаги бузилишдир. Ринолалияни ўрганиш тарихи жуда узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Муаммони ўрганишда врачлар, психологлар, дефектологлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

**Спастик гемиплегия** - бузилишлар кўпинча бир томонда бўлади. Қўлда кўпроқ мушакнинг букилиш тонуси кўтарилган, оёқда эса тикланиш тонуси кўтарилган. Шунинг учун қўл тирсак бўғимидан букилган бўлиб, танага яқинлашган, бармоқлар эса муштум қилиб йиғилган. Оёқлар эса ичкарига букилган. Бола юрганда бармоқларига таянади. Церебрал фалажнинг гемипаретик шаклида болада алалия ҳисобига нутқ ривожланиши кечикишии мумкин, айниқса, чап ярим шарлари шикастланганда катта ёшдаги болаларда 50% гиперкинезлар кузатилади.

**Спастик диплегия** (Литтл синдроми) - болалар церебрал фалажининг кўпроқ учрайдиган кўриниши бўлиб, қўл ва оёқлар ҳаракатларининг бузилиши билан характерланади.

**Ҳид ва таъм билиш агнозияси** - хидни ва таъмни ажрата билиш қобилиятининг бузилишига ёки йўқолишига ҳид ва таъм билиш агнозияси дейилади.

**Хорея**– ревматикинфекция қўзғатувчи нерв тизими (бош мия)нинг касаллигидир. Одатда, хорея ангина, полиартрит, баъзан грипдан кейин пайдо бўлади. Касалланиш кўпинча зах, серёмғир пайтларда-баҳор ва кузда кузатилади. Касаллик ўткир бошланиб, бошланғич белгилари бола характеридаги ўзгаришларда намоён бўлади. Болалар сержаҳл, жиззаки, инжиқ, жаҳл аффектларига мойил, йиғлоқ бўлиб қоладилар.

**Шизофрения** – сабаблари номаълум бўлган, сурункали кечишга ва бемор руҳияти бир бутунлигининг турли бузилишларига мойил касаллик ҳисобланади.Шизофрения ривожланиб борса, фикрлашнинг бузилишига, ҳиссий реакцияларнинг камайишига, апатик ақл заифликка олиб келади. Аммо бу касаллик ўз ривожланишида тўхташи ҳам мумкин, бунда ҳар хил бузилишларнинг компенсациясини ва бошланғич даврларида тўла соғайиш ҳолатларини кутиш мумкин.

**<u>Экзоген омиллар</u>**– инфекцион(грипп, сурункали тонзиллит, ревматизм, бруцеллёз, терлама касалликлари, захм, ОИТС, энцефалитлар, менинго-энцефалитлар ва ҳоказолар), интоксикациялар (алкоголизм, наркоманиялар, гиёҳлар, саноат ва қишлоқ хўжалик заҳарлари), бош мия жароҳатлари, тананинг ўткир ёки сурункали касалликлари (юрак-қон томирлари, ўпка, меъда, ҳазм йўлларининг касалликлари), эндоген безлар фаолиятининг бузилишлари (қалқонсимон, меъда ости, буйрак усти ва бошқа), бош мия томирларининг касалликлари (церебрал артериосклероз, хафақон касаллиги), бош мия ўсмалари ва паразитлари (эхинококк, цистицеркоз, руҳий жароҳатлар ва бошқалар) киради.

**<u>Эндоген омиллар</u>**– ирсият, нерв фаолиятининг ҳолати, одамнинг конституционал ва хасталикдан олдинги давридаги хусусиятлари, жинси, ёши, организмнинг иммунологик ва реактив ҳолатлари киритилади.

**<u>Эпилепсия (тутқаноқ)</u>** – онгнинг бузилиш ҳуружлари, умумий талвасалар ва руҳий фаолиятнинг ўзига хос бузилишлари орқали намоён бўлувчи касалликдир. Ҳозирги кунда тутқаноқ инфекциялар, жароҳатлар, интоксикациялар, мияда қон айланишининг бузилиши каби қатор сабаблар натижасида юзага келувчи бош мия касалликлари (эпилептик касаллик)нинг алоҳида нозологик шакли сифатида қаралмоқда. Қайд этилган зарарли омиллар асосий асаб фаолияти жараёнлари – қўзғалиш ва тормозланишнинг бузилишига олиб келади, натижада миянинг кимёвий тузилиши ўзгариб, унинг элекрик фаоллигини бузади.

**<u>Эшитиш агнозияси</u>** - товушларни аниқлай олиш қобилиятиниг бузилишига айтилади. Масалан, бемор овоз ёки товушлар қандай ҳайвон ёки буюмга тегишли эканини ажрата олмайди. Гарчи бемор товуш ёки овозни эшитсада, аммо бу товуш ва овозларни бир-биридан ажратиб олиш қобилияти йўқолади.

## ЛОГОПЕДИК ЗОНДЛАР.

*Паншахали зонд*



*Саккизсимон зонд*



*Катта, ўртача, кичкина чанасимон зондлар*



*Болтасимон зонд*



*Хочсимон зонд*



*Сурувчи зонд*

